

Абу Али ибн Сино  
САЛОМОН ВА ИБСОЛ



*Лирика*  
*Фалсафий қиссалар*  
*Шеър санъати*

Абу Али ибн Сино

---

# САЛОМОН ВА ИБСОЛ

*Таржимонлар:*  
*Шоислом Шомухамедов*  
*Жамол Камол*  
*Абдусодиқ Ирисов*

Тошкент  
Ғафур Гулом номидаги  
Адабиёт ва санъат вазирлиги  
1980

ББК 84 Ўз  
И 13

Масъул муҳаррирлар:  
Жамол Камол  
Маҳкам Маҳмудов  
Тўпловчи, изоҳлар ва сўз боши муаллифи  
Абдусодиқ Ирисов

© Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат наш-  
риёти, 1980 й. (Тарж.)

## АБУ АЛИ ИБН СИНОНИНГ АДАБИЙ ФАОЛИЯТИ

Буюк қомусшунос Абу Али ибн Сионинг ижодий фаолияти жуда хилма-хил ва ранг-барангдир. Аллома ўз давридаги мавжуд бўлган ҳамма фанларда ҳам салмоқли из қолдирган.

Ибн Сино дунёда, биринчи навбатда, буюк табиб сифатида машҳур бўлгани билан бирга олимлар наздида буюк файласуф сифатида ҳам ҳурматли. Унинг инсонга, биринчи навбатда, практик жиҳатдан зарур бўлган тиббий асарлари олим номини дастлаб бутун дунёга таратди ва уни ўчмасликка олиб келди.

Ибн Сино табибгина бўлиб қолмаган эди, у ўз даврининг буюк мутафаккири, кейинги асрлар фани, адабиётига салмоқли таъсир кўрсата олган буюк сиймо эди. Унинг аниқ фан соҳаларидаги асарлари ҳамда фалсафа ва адабиёт бобидаги катта хизматлари ҳақли равишда уни жаҳон фани ва маданиятининг ажойиб бир намоюдаси дейишга ҳуқуқ беради. Унинг фалсафий-эстетик ғоя ва қарашлари жаҳон маданияти эришган ютуқлар қаторига кирди.

Ибн Сино ижодидаги ажойиб хусусиятлардан бири шуки, у асарларида ўз даврининг жуда кўп илғор ғояларини кўринарли акс эттира олди. В. И. Ленин ибораси билан айтганда, «унинг меросида ўтмишникигина бўлиб қолмаган, балки келажакники бўлган томонлар ҳам бор» эди. Гарчи унинг ўзи баъзи масалаларда идеалист бўлиб ва унинг кўп илғор фикрлари диний-идеалистик қобиқда берилган бўлса ҳам, олим айтмоқчи бўлган асосий фикр, мақсад ўз даврига нисбатан анча илғор ҳамда кўп масалаларда асосан материалист бўлганидан дарак беради.

У ҳақиқий гуманист сифатида инсон ақлининг ҳар томонлама ривожланишига, табиат сирлари ва ҳақиқатни билиш мумкинлигига ишонган эди. Ана шунинг учун ҳам олим одамларни бир-бири билан дўст-иноқ бўлиб яшашга, инсонларни пастликка элтадиган адоват ўчоғини қуриштишга, биродарона аҳил-ҳамжиҳат турмуш кечиришга чақиради. Инсонлар бир-бири билан ана шундай софдил, самимий бўлса, бир ёқадан бош чиқарса, ҳар қандай мушкулликлар осонлашишига, ҳеч қандай қийинчиликларга йўлиқ-

маслигига ва ҳақиқат сирларини очиш мумкинлигига қаттиқ ишонади.

Ибн Сино — шоир. Ибн Сино маърифатпарвар шоир эди. У инсонларни фан ва маданият, билим ва маърифат ўчоғини ёқишга, илмий йўлда оғишмай камолат ҳосил қилишга, ҳар бир масалага илмий, ақлий ёндашишга, ростгўй, виждонли бўлишга — хуллас, инсонийликнинг энг яхши хислатларини ўзида акс эттириб, мужассамлантиришга ва инсон деган улуг номни янада юқори кўтаришга чақиради.

Ибн Сино ўз фикрига содиқ қолароқ фаннинг турли соҳаларини эгаллаган, жуда кўп аниқ фан тармоқлари жиловини ўз қўлига ололган эди. Лекин олим шунча кўп билимли бўлса ҳам, бу соҳада катта-катта муваффақиятларга эришган бўлса ҳам, ўзининг билганини билиши керак бўлган билимлар олдида оз деб билади, ҳатто ўз билимларини билмаган билимларга нисбатан ҳеч нарса ҳам эмас, деб билади.

Лекин унинг фанга, табиат сирларини билишга бўлган интилишлари чексиз эди. У ўзининг бутун фаолиятини ҳақиқатни билишга қаратди, натижада у оламшумул ютуқларга эришди.

Бир шеърида у жоҳилларни дунёда ҳеч нарсани кўра олмайдиган кўр билан тенг қилади.

«Қуёш кўрларга кўринмай бекинганидек, бу жоҳилларга ҳам дунёда тўғри йўл белгилари кўринмай қолади».

Ибн Сино бундайлар олдида гапирмасдан, илмингни яшириб туриш дурустроқдир, демоқчи бўлади. У баъзи лаёқатсиз кишиларни юқори мансабларга миниб олиши, уларнинг руҳсиз, ҳиссиз ишлари ҳақида куйиниб ёзади:

«Нуқул кўп жонсиз нарсалар юқорига кўтарилишда давом этади. Ажабо, у ҳам жонсиз бўлса, ҳам ўсса».

Ибн Сино ўз шеърларида ёшларга оталарча насихат қилади, ҳар бир ишда мулоҳаза билан фикр юритишини, ўзига дўст, сирдош танлашда эҳтиёт бўлишни уқтиради:

«Сирингни барчага айтишдан эҳтиёт бўл. Чунки мулоҳазакор деган сўз — эҳтиёткор бўлиш дегандан бошқа нарса эмас. Агар сирингни сақласанг, у сени асирингдир, агар ошкор бўлса, сен сирингнинг асири бўлиб қоласан».

Бошқа бир ерда Ибн Сино кишиларни огоҳлантириб, илмсиз, диний ақида билан ўралиб қолган кишиларга фикрларини айтавермасликни уқтиради:

«Э оғайним, сен ушбуни билиб ол! Мен бу «Ишоратлар»да сенга ҳақиқат қаймоқларини сузиб бердим: латиф сўзларга ҳикмат луқмаларини қўйиб, сенга ошатдим. Сен энди уларни билиб олиб, унинг қадрига етмайдиган, ўзи нодон, фанда билим ва уқувсиз, уқув-

га ўрганмаган, биринчи кўришдаёқ сен билан жона-жон дўстдек, қалин бўлиб кетадиган, лекин ўзи маърифатдан маҳрум бўлган, кимки файласуфман, деса, уни адашганлар қаторига қўшадиганлардан бахилларча сақлан».

Бу келтирилганларда Ибн Сино кишиларда пайдо бўлган ақлий фикрларни барчага, айниқса, ҳали илмий, ақлий мулоҳаза юритишга қодир бўлмаган кишиларга айтмасликни уқтиради: сенга ўзини дўст қилиб кўрсатиб, ишончингга кириб оладиган, аслида эса, сирингни нодонларга очадиган, сенга катта зиён келтирадиганлардан узоқроқ юргин, деб тайинлайди.

Ибн Сино йирик мутафаккир бўлгани учун унинг дунёқараши ва илғор идеялари фақат унинг табний фанларга оид бўлган асарларидагина ифодаланган бўлмай, балки шеър ва қиссаларда ҳам ўз аксини топган. Унинг адабий асарларида ҳам инсонпарварлик, ростгўйлик, меҳр-муҳаббат, бир-бировни ҳурмат қилиш, дўстлик каби бир қатор масалалар қамраб олинади. Ундан ташқари Ибн Синонинг бу тўғрисида ёзган ижодида олимнинг усталик билан иш кўрганини пайқаш қийин эмас. Ҳатто унинг «Рисолат-ут-тайр» ва «Ҳайй ибн Яқзон» асарлари бекитма рамз — ишоралар билан ёзилганлиги сабабли бу асарлар ҳақида ҳар хил қарашлар мавжуд, уларни гоҳ мистика, гоҳ сўфизм ва гоҳ идеализмнинг бошқа турлари билан боғлаб мулоҳаза юритадилар.

Ибн Сино оддий мусулмон сифатида худо борлигига ишонади. Чунки унинг бундай бўлмаслиги ҳам мумкин эмас эди. Бироқ унинг тезиси тамоман маърифат томонига қаратилган эди, у масалага тор қарамайди; ҳар бир соҳага чуқур, атрофлича ёндашади. Дунёда одамларнинг иши фақат тоат-ибодат қилиш, рўза тутиш ва қуръон ўқишдан иборат, деб билмайди. Олим фан ва маърифат байроғини юқори кўтариб чиққан пешқадам мутафаккир эди. У ҳақиқий мусулмон мавжуд билимларни эгалласа, ўшандагина у ҳақиқий мусулмон бўла олади, деб тушунади. Бу билан у дин олимларининг тор идеяси бўлмиш, дунёда фақат тоат-ибодат билан шуғулланиш керак, бу дунё вақтинча дунё, дейилган бўлмағур фикрларига қарама-қарши чиқади. Шу сабабдан ҳам кўп дин ақойидчилари Ибн Синони кофирга чиқариб қўядилар, ҳатто уни қуръонга назира ёзган, деб ҳам айблайдилар. Лекин Ибн Сино уларга қарши ғазаб билан оташин сатрлар ёзади:

Менинг куфрим айбларга дилимдан ўзга султон йўқ,  
Бу оламда менинг покиза имонимдек имон йўқ.  
Мусулмонликда мен аҳли замон ичра эдим танҳо,  
Агар кофир эсам мен ҳам, бу дунёда мусулмон йўқ.

Ибн Синопнинг бизгача етиб келган баъзи шеърларида унинг фикр-ғояларига қарши рақиблари бўлгани, улар билан унинг келишмаслиги ҳақида баъзи бир деталлар сақланиб қолган. Бу ўринларда ҳам олимнинг қаттиқ иродали, шахдам қадамли сиймо экани кўринади.

«Агар менинг улуғлигим улар қалбида бунчалик ҳайиқиш пайдо қилмаганда эди,— дейди Ибн Сино,— улар мени кўп кечириб ўтирмай, ёмонлаган бўлардилар. Мен шердай бардамман. Одатда, агар шердан қўрқилса, унга киши яқинлаша олмайди, узоқдан унга чуқур қазибгина ушлайдилар, холос. Итлар шерни кўрганида қўрққанидан акиллайди. Шунга ўхшаб улар менга кўзларини ўқрайтириб қарайдилар, чунки мен улуғлик йўлида ухламай, тонглар оттирдим, улар бўлса, эрталабгача ухладилар. Улар менга нуқул адоват кўзи билан қараб келадилар. Агар уларнинг кўзлари дўстлик кўзи бўлганида эди, ёмон деб юрадиган нарсаларини ёмонламасдан, яхши деб ҳисоблаган бўлар эдилар».

Ибн Сино дунёқарашида материалистик қарашлар жуда кенг илдиз отган эди. Унинг медицина ва бошқа аниқ фанлар билан шуғулланишининг ўзи олимнинг бу позицияда собитқадам билан юрганлигидан дарак беради.

Ибн Синопнинг кўп ижодлари унинг кузатувчилик ва стихиялик материализм позициясида иш тутганини кўрсатади. Лекин давр қолақлигининг сабаблари, олимнинг тарихий чекланиб қолишига, унинг материалистик қарашларини ривожланишига тўсқинлик қилади. Албатта, биз у давр кишиларига ҳозирги кунги талабни қўймаймиз ва қўя олмаймиз ҳам. В. И. Ленин айтганидек: «Тарихда ўтган арбобларнинг кўрсатган тарихий хизматлари тўғрисида ҳукм чиқарилганда, уларнинг ҳозирги замон талабларига нисбатан тўғри келадиган нарсалар берганликларига қараб ҳукм чиқарилмайди, балки уларнинг ўзларидан аввал ўтганларга нисбатан қандай янгиликлар берганликларига қараб ҳукм чиқарилади».

Ана шунинг учун ҳам у даврнинг жуда илғор, прогрессив олимлари ижодида ҳам идеалистик, ҳам материалистик томонлар мавжуд. Лекин уларнинг кўпини синчиклаб қаралса, улар ижодидаги идеалистик қарашлар улардаги асосий ўринни эгалламайди. Улар дунёни билиш — худони билиш, деган тезисни кўтариб чиқдилар. Дин кучайган бир пайтда илм учун, маърифат учун ундай йўл тутмай илож ҳам йўқ эди. Давр шуни талаб қиларди. Бу эса, фан томонга ташланган дадил бир қадам эди. Марксизм классиклари ҳам бунга эътибор берганлар. «Ўрта асрларда дунёқараш асосан теологияга хос эди... Юриспруденция, табиатшунослик илми, философия — бу фанлар чер-



ков табиатига мослаб олиб борилар эди». (К. Маркс, Ф. Энгельс. Асарлар, т. XVI, 1-қисм, 295-б.) Ҳатто фикр қилиш шу даражада диний қобиққа, диний шаклга кириб қолган эдики, бир олимнинг таъбири билан айтганда, бирор файласуф динга қаршилигини билдирмоқчи бўлса: «Мен, худога шукур, динсизман», дер экан.

Ибн Сино фикрича, фан инсониятга хизмат қилиши керак, олимлар табиат қонунларини очишлари, уни авлоддан-авлодга ўтказишлари керак.

У даврда идеология масаласида қарама-қаршиликлар кучли эди. Ҳоким доираларнинг доимо ўзаро урушлари, шаҳзодаларнинг тахт талашлари, юқори табақа ўртасидаги икир-чикир, мансаб учун бўлган курашлар ва тортишувлар — булар ҳаммаси бегуноҳ халқ оммасининг бошига битган «туғма» кулфат эди. Мана булар натижасида халқ бошига муттасил фалокатлар тушаверди, халқ қийналди, хонавайрон бўлди. Бундай кескинлик ва ғалаёнлар, тинимсиз қон тўкишлар, албатта, ўша давр идеологиясига таъсир этмай қўймади. Чунки, «онг ижтимоий маҳсул» бўлса, шу онг пайдо бўлган «бир жамиятда яшаган ҳолда, шу жамиятдан четда туриш мумкин эмас» (В. И. Ленин) эди. Ибн Сино, бир томондан, реакцион руҳонийлар сиқигига учраган бўлса, иккинчи томондан, мутаассиб шоҳлар фитнасига йўлиқади. Улуғ олим бўлиб етишса ҳам, ҳатто у вақтинча шоҳлар илтифотига сазовор бўлган бўлса ҳам, у ўзига доимий қўним топа олмаганидан, ўз қадрини биладиган топилмаганидан зорланиб ёзади. Чунки унга кўрсатилган илтифотлар замирида одамлар фитнаси доимо уйғоқ эди.

Олим дунёда юз бераётган адолатсизлик, норозилик ва тенгсизликни кўради. Уларни ўзича мушоҳада қилади, аммо уларнинг сабабларини тополмайди, ҳайронлик дарёсига шўнғиб, оламни тушуна олмаганини, дунё — борлик фалсафаси билан боши қотганини шикоятомуз сатрлар билан ёзади:

«Әҳ, кошки эди, мен ўзимнинг ким эканлигимни, оламда нима учун тентираб саргардон бўлиб юргангани билсам эдим. Агар келажаким хайрли бўлса эди, майли, тинчгина, бемалол тирикчилигимни қилаверардим. Бордию агар шундай бўлмаса, минг кўз билан йиғлардим».

Олим инсонни пайдо бўлиши, унинг истиқболи ҳақида бош қотиради. Бу масалаларга гарчи идеалистик бўлса ҳам ўзича жавоб беришга ҳаракат қилади. Ибн Сино замонасига кўра ўзининг илғор бўлган фикрларини диний қобиққа туриб мулоҳаза қилади. Ўша муҳитдан чиқолмай ўйлайди, бош қотиради.

Файласуф инсон ҳақида, унинг келажак, нега туғилиб, нега ўлаётгани, дунёнинг қонун-қоидалари ҳақида мушоҳада қилади; дин, шарнат арбобларининг,

одамлар ўлгандан кейин тирилади, деган сафсатасига қарши ўз шеърида пичинг билан шундай сатрлар ёзади:

«Минглаб нафар улуғ зотлар борлиқдан йўқликка кетдилар. Ахир, бу улуғ зотларнинг бирортаси ҳам йўқликдан борлиққа келмаяптилар-ку?»

Шоир — файласуф фикри доимо ҳаёт муаммолари билан банд эди. У қайси ўлка ё шаҳарга бормасин, ҳамма ерда ҳам «хўроз бир хил қичқирганини», ҳамма ерда ҳам адолатсизлик инсоний ҳуқуқни оёқ ости қилаётганлигини кўради. Ҳамма жойда ҳам одамлар Ибн Сино каби дунёга келганидан ҳайрон, боши қотгандай.

«Мен кўп жойларни кездим,— дейди Ибн Сино,— ва олам аҳволига қарадим, унда ҳайронлик, кафтини нягига тировчидан ёки пушаймонлик бармоғини тишлаб турувчидан бошқани кўрмадим».

Ибн Сино ўзининг кўп қиррали ижодида фаннинг турли тармоқларини қамраб ололганлиги табиатни яхшироқ тушунишга, инсонга ва унинг табиатига яна ҳам чуқуроқ кириб боришига имкон берди. У ўз умрида кўп адолатсизликларни, дарбадарликни кўрди, ҳар хил табақа кишилари билан муносабатда бўлди. У элементар фанлардан тортиб, то инсон руҳигача бўлган процессни кузатди, инсоннинг оғир турмуши — аҳволини кўриб, дунёқарашни камол топди. Урта аср шароитларида, айниқса, Ибн Синопдек бир жойда қатъий қўним тополмай, шаҳарма-шаҳар кезиб юрган ҳолда бундай кенг бир фикрга эга бўлиш анча мушкул бир ҳол эди. Олимни бундай шуҳратга олиб келган сабаблардан бири ҳам шу эдики, у ўз даврининг энг илгор прогрессив ғояларига эргашиб, у илгор ғояларни ўз фикри ва хулосалари билан яна бойитди. Мана бу ҳол фан тарихида катта аҳамиятга эга бўлди. Чунки буюк мутафаккирнинг тафаккур соҳаларига бағишланган асарлари Шарқ ва Ғарбнинг жуда кўп йирик кишиларига самарали таъсир кўрсатди.

Ана шунинг учун ҳам ажаб эмаски, фан заҳматкаши, диний таъқиб қувғини Жордано Бруно Ибн Синони буюк грек файласуфи Аристотель ва врач Галенлар қаторига қўйиб, ҳурмат билан тилга олади. К. Маркс ўзининг «Немис идеологияси»да Ибн Синони ҳурмат билан эслаб ўтади. Чунки Ибн Сино олимларга ўз фикрини очиқ, дадил айтишга йўл очиб берган одам эди. Унинг бу турткиси Шарқнинг йирик намояндаларига дастак бўлди ва эркин фикр қилишга ва уни халқ ўртасида ёйишликка катта замин бўлди. Машҳур материалист, оташин эркин фикр юритувчи Умар Ҳайём ҳам ўз фаолияти учун биринчи галда Ибн Синодан миннатдор эди. Носир Хисравнинг таъриғига нисбатан қўзғалган асаби Ибн Сино ғояларидан сув ичган эди.

Ибн Сино ўзи ўйлаган ниятига етган эди. У ўз ижоди орқали инсонларда илм-маърифатга нисбатан ҳурмат ва интилиш уйғота олди. Инсоннинг яхши хусусиятларининг янада ривожланишига, билим ва тафаккур билан иш кўришига катта хизмат кўрсатди. Ана шунинг учун ҳам буюк олимнинг инсоният жамияти олдида қилган хизмати чексиздир. Унинг ўткир фикри, кучли мантиқи, ғайратли фаолияти, бадий фантазиясининг бойлиги — булар ҳаммаси буюк сиймо — Сино ўғлининг, яъни Ибн Синонинг ажойиб ҳайкаlidir. Бу «ҳайкал» билан олимимиз ўз давридан анча илгарилаб кетди ва у ҳозир ҳам маърифат йўлида хизмат қилмоқда.

\* \* \*

Ибн Сино маърифатпарвар сифатида ўзида шоирлик қобилиятини сезган чоғларидаёқ халқ ўртасида табобатни кенг кўламда ёйишга интилганини кўра-миз. Унинг тиббиётга оид дostonлари шундан дoлат беради. Ибн Сино бу дostonларини арузнинг ражаз вазнида ёзган. Шунинг учун баъзан бу асарларни уржуза деб ҳам атаганлар. Шу вазнда у тиббиётга атаб бир қанча шеърий асарлар ёзди, ҳозирча, булар сони тўққизта. Улар қуйидагилар:

1. «Соғлиқни сақлаш — гигиенага оид уржуза».
2. «Тўрт фасллар ҳақида уржуза».
3. «Анатомияга оид уржуза».
4. «Гиппократ васиятлари ҳақида уржуза».
5. «Тажрибадан ўтган тиббий нарсалар ҳақида уржуза».
6. «Тиббий насихатлар ёзилган уржуза».
7. «Мантиққа оид ёзилган уржуза».
8. «Алоқа ҳақида уржуза».
9. «Табобат ҳақида уржуза».

Ибн Сино ёзган бу дostonларнинг саккизтаси тиббиётга, биттаси мантиққа оид асардир. Бу дostonларнинг энг йириги «Тиббий дoston» номи билан машҳур бўлган.

Ибн Сино бу асарини ёзганида ҳали у медицина оламига танилмаган ва ўзининг машҳур «Тиб қонунлари» асарини ёзмаган ҳам эди. Ибн Синонинг табобатга оид бу дostonи унинг бу соҳадаги илк асари эди. Бу билан Ибн Сино ҳам табобат, ҳам шеъриятга дадил қадам қўя олди. Ҳатто у бу асари орқали ўз ғояларини ёйишни кўзда тутганларини ифодалаб шундай дейди: «Мен бу уржуза — дostonга камолат тўнини ва ҳусн сарупосини кийгаздим, уни ўрганиш осонроқ ва машаққати камроқ бўлсин деб, тўқилишини осон ва вазнини енгил қилдим».

Араб маърифатпарвари ва адиби Журжий Зайдоннинг кўрсатишича, ражаз вази шеър вазиларининг энг аввалгиси ва энг қадимгисидир. Бу вазндаги байтлар маснавийга ўхшаш қофиядош бўлади. Бу вази ўз даврида халқчил, одамлар орасида кенг тарқалган вази бўлган. Ҳар ким ҳам бу вазида шеър айта олган, кейинчалик бу баҳр кенгайиб, уржуза деб аталадиган қасида ва шеърлар битилган. Одатда гапга уста ҳар бир араб бу йўл билан шеър айта олган.

Ибн Сино дostonларининг энг йириги бўлган «Тиббий дoston» 1956 йили Парижда ва мантиқ ҳақидагиси 1910 йили Қоҳирада нашр этилган. Тиббий дoston қисқа насрий муқаддима билан бошланиб, кейин назмий йўлда давом этади. Нашр этилган нускага кўра тиббий дostonда 1326 байт бўлиб, 2652 йўл шеърдан иборат. У ерда муаллиф озгина назмий муқаддима (ўн олти байт)дан сўнг назарий медицинага ўтади, бунга 705 байт бағишланган, сўнг амалий медицинага ўтади, бунга эса 605 байт бағишланган.

Ундан ташқари Ибн Сино фалсафий шеърлар ҳам ёзган, бу борада унинг йигирма байт, яъни қирқ йўллик нафс-жон ҳақидаги машҳур шеъри ҳам бор. Ибн Синонинг бу шеъри кичик ҳажмли бўлишига қарамай, кўп файласуфлар унга шарҳлар ёзишган, у бир неча бор нашр ҳам этилган.

Наср йўлида Ибн Синонинг бизгача етиб келган машҳур асарларидан «Ҳайй ибн Яқзон», «Рисолат ат-тайр», «Саломон ва Ибсол», «Юсуф» каби қиссаларини айтиш мумкин. Қисса деганда ҳозирги араб адабиётида ҳикоя жанрини тушунамиз. Лекин ўрта асрда қисса сўзи дoston, повесть маъносида ҳам ишлатилган. Одатда қадим Шарқ адабиётида кичик ҳажмдаги прозаик асар бўлса қисса жанрига кираверган. Шунинг учун ҳам Ибн Сино «Ҳайй ибн Яқзон», «Саломон ва Ибсол» ва «Юсуф» асарларини қисса деб атаган.

Бу қисса 1174 йилда Ибн Азро томонидан шеър билан иброний тилига таржима қилиниб, «Ҳайй ибн Мақиз» қиссаси номи билан машҳур. Бу таржима 1736 йили Истамбулда босилган.

Ибн Синодан ўн икки йил кейин вафот этган шоғирди Абу Мансур Ҳусайн ибн Муҳаммад ибн Зайло ал-Исфажоний устодининг бу асарига шарҳ боғлаган. Ундан кейин «Ҳайй ибн Яқзон»ни номаълум бир киши форсчага таржима қилиб, шарҳ ёзган. Бу таржима шарҳнинг бир нусхаси Тошкентда, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номли Шарқшунослик институти китоб фондида ҳам сақланмоқда.

Ўрта асрларда файласуфлардан Ибн Туфайл ва Шаҳабуддин Суҳравардийлар Ибн Синонинг бу қиссасидан ижодий фойдаланиб, шу номда тамоман бошқача, оригинал асар яратдилар.

Абу Убайд ал-Жузжонийнинг ёзишига қараганда, Ибн Сино бу асарини ҳижрийнинг 414 йили (милодий 1023) Ҳамадонга яқин бўлган Фараждан қалъасида тўрт ой қамалиб ётган пайтида ёзган. Шайх бу вақтларда 44 ёшларда бўлган.

«Ҳайй ибн Яқзон» қиссасининг тили, стили жуда оғир, айрим ҳолларда тушуниб бўлмайдиган иборалар, ортиқча синоним сўзлар қаторлаштирилиб юборилган бўлиб, тушуниш ва таржима қилишни анча мушкуллаштиради. Бунинг бир сабаби бўлиб, албатта, бежиз бўлмаслиги керак. Ҳатто ибисиношунос Ғарб олимларидан Меҳрен бундай қийин формада фикр юриштишни замондош теологлар ҳужумига учрамаслик учун шундай қилган, деб изоҳлайди. «Ибн Сино бу рисолаларини, — деб ёзади Меҳрен, — ўзининг энг яқин шогирдлари учун ёзган. Бу асарлардан унинг дунёга бўлган қарашини ҳам билиш мумкин».

«Ҳайй ибн Яқзон» қиссасининг бош қаҳрамони — биринчи шахс Ибн Синонинг ўзи бўлса, унинг суҳбатдоши, ҳикоя қилувчи — Ҳайй ибн Яқзон — Уйғоқ ўғли Тирик — Ақлдир.

Қиссадаги Ақл — Уйғоқ ўғли Тирик одамларга киши феъл-атворларини, табиатини чуқурроқ тушуниш учун фаросат илми — мантиқни билишга даъват қилади. Чунки бу илм Ибн Сино ибораси билан айтганда, фойдаси нақд бўлган илмлардан бўлиб, киши дидини ўстиради, фикр доирасини кенгайтиради, билган-билмаганларини кўз ўнгига келтириб, тартибга туширади.

Бунда Ибн Сино Шарқ фалсафасидаги ақлий объектларни моддий нарсалар сифатида гавдалантиради. Киши характерлари, баданий қувватлар, яъни ички сезгилар бўлиб келиб, улар биринчи шахсга нисбатан «ошна»лар тариқасида олинади ва шу қабилда бу «ошна»лар талқин қилинади. Инстинкт, шаҳватга берилиш, ғазаб, очкўзлик, ялқовлик, ҳасад, зулм, ўғирлик каби кишидаги хусусиятлар ақлий объектлар турига киради.

Қиссада мана шу объектларнинг фойда ва зарарли томонлари, улар билан қандай муносабатда бўлиш кераклиги ҳақида тўхталади. Инсон ўзи табиатидан ҳар нарсани тушуниш, билиш, сезиш қобилиятига эга. Лекин унда бир неча ёмон хислатлар — очкўзлик, зулм қилиш, ўғирлик қилиш, ёлғончилик каби хусусиятлар, Ибн Сино айтмоқчи, ёмон «ошна»лар бор. Буларнинг ҳар бири кишини ўз оламига тортиб, инсон табиатидаги бор бўлган қобилиятнинг нормал ишлашига йўл қўймайди, унинг тўғри ишлашига халақит бериб, таги пуч, бўлмаган нарсаларга майлини орттиради. Кишидаги бузуқ хаёллар, ғазабланиш, тан роҳат қиладиган ҳар бир нарсани исташ кабилар ҳам одамнинг ёмон «ошна»лари, тўғрироғи, душманидир.

Булар ёмонликка йўлловчидир, ҳаётда киши, биринчи галда, мана шу душманларига қарши курашмоғи керак. Ибн Сино тили билан айтганда, киши ўз тизгинини ундай душманлар қўлига тутқазиб қўймаслиги, уларни ўзига етакчи бўлишига йўл қўймаслиги керак. Доимо ақл ишлатиб, улардан устун келишга, улар тизгинини қўлга олишга ҳаракат қилиш керак. Шунда киши у «ошна»ларни тўғри йўлга бошлаган бўлади. Қаттиқ турилса, уларни киши ўзига тобе қилиши мумкин. У «ошна»лар сени эгаллаб олмасдан олдин, сен уларни эгаллаб олишинг керак бўлади, дейди Ибн Сино, бўлмаса, сени танбал ошнанг ялқовликка судрайди, ёлғон ошнанг ҳақ нарсаларни ноҳаққа чиқаради, ёлғон-яшиқ, тубсиз нарсаларни ростга айлантириб кўрсатишга уринади, сенга кўзбўямачилик ролини ўйнашга хизмат қилади.

Шунинг учун Ибн Сино фикрича, одамларни илож борича бундай номаъқул «ошна»лардан узоқлашишга, улардан озод, соф бўлиб юришга, уларни «ошна» эмас, балки душман деб эълон қилишга даъват қилади.

Қиссада Шайх шундай ҳикоя қилмоқчи:

«Мен эсу ҳушимни таниб олган чоғимда, менда илм-маърифат олишга истак пайдо бўлди. Кейин фанга фикри-зикрим (асарда «ошна-оғайнилар») билан киришдим. Салгина ижтиҳод қилган эдим, кўзим ҳам очилиб кетди; унинг натижаси бўлган Ақл (қиссада Ҳайй ибн Яқзон) назаримга кўриниб кетди. Менинг илм соҳасига меҳр билан қадам ранжида қилганимни кўриб, илм менга ўз жамолини кўрсатди, мени қутлаб қарши олди (асарда Ҳайй ибн Яқзон менга аввал салом берди).

Бундай ўйлаб қарасам, ақл-илм жуда қадим замонлардан бери давом этиб келади. У ўлим билмайдиган — Уйғоқ, қаримайдиган — ёш, бели букилмайдиган — барваста, нуруний, ким унга ошна бўламан деса, у билан қалин бўлиб кетадиган ва уни олқишлаб кутиб оладиган экан. Мен фикр юритиб, ўзимга зарур бўлган ва билишим мумкин бўлган нарсаларни ўқиш-ўрганишга киришдим, бу йўлда ақлни ишга солиб, ўзимни кўп гидирлардан, ёмон кирдикорлардан сақлашга улгиролдим, ёмонликлардан четлашишга олиб борадиган ҳар хил хусусиятларимни билиб олдим. Қайси феъл-атворим менга дўсту қайсиниси душман эканини, қайсилари менга фойда бериб, қайсилари зиён беришини, қайсилари мени тўғри йўлга ю, қайсилари эгри йўлга бошлашларини билдим. Хуллас, мен ўзимни-ўзим яхшилаб синчиклаб ўргандим, кимлигимни тушундим ва шундан кейингина билиб ишимни қилган эдим, катта-катта ютуқларга эришдим», демоқчи бўлади Ибн Сино. Қиссадаги оқиб турган чашмадан мурод мантиқ илмидир, унда чўмилиш орқали мантиқни эгаллашни айтмоқчи бўлади. Кимки унинг

сувидан ичса, аъзоларининг ажойиб бир куч-қувватга эга бўлиши ва у билан саҳроларни босиб ўтишга қодир бўлиши билан эса, мантиқдаги барча бобларни билиб бўлингандан кейин, бошқа соҳа — илмлар саҳросини кезиш учун ўнғайлик туғилишини айтмоқчи бўлади. Шундай қилинган тақдирда, дейди Ибн Сино, ундай инсон Баҳр ул-Муҳитда чўкмайди. Бу билан эса мантиқ илмини билиб олгандан кейин, фалсафа океанида бемалол суза олиш қобилиятига қодир бўлинади ва бунда тоғ каби қийинчиликлардан ўтиш ҳам ўнғай бўлади, демоқчи бўлади.

Қиссадаги бешта алоқа бўлими инсондаги бор бўлган бешта ташқи сезув органи — кўриш, таъм билиш, ҳидлаш, эшитиш, сезишдир. Булар киши организмда табиатни тушунишда, муносабатда бўлишда мисоли бир хабарчидир.

Ибн Синонинг бу қиссаси кўп жиҳатдан мажозий, рамзий битилган, кишилар феъли атворини ўз ичига қамраб ололган ва ҳаётий гаплардан мулоҳаза юритадиган адабий асар ҳамдир. Мана шу нуқтан назардан қараганимизда қиссанинг икки планда — ҳам фалсафий, ҳам адабий планда ёзилганлигини кўрамиз. Дарҳақиқат, Ибн Сино бу асарида ҳам рамз — ишоралар орқали, адабий воситалар ёрдами билан ўзига туюлган маълум қарашларини баён қилган.

«Ат-Тайр» — «Қуш асари». Ибн Синонинг адабий ижодига кирадиган асарларидан бири унинг «Рисолат ат-тайр» («Қуш рисоласи»)дир.

Бу асар ҳам аслида рамз — ишоралар билан ёзилган бўлиб, олимнинг жон, ҳақиқат, тангри тўғрисидаги фикр ва гоъларини билиш учун ҳам аҳамиятга молик. Шарҳнинг йирик сиймоларидан Фаридиддин Аттор «Мантиқ ут-тайр», улуғ Навоий «Лисон ут-тайр» каби асарларини ёзишида Ибн Синонинг шу асари асосий туртки бўлган дейиш мумкин. «Қуш» ҳақида биринчи ўлароқ кичик асар ёзган Ибн Синодан сўнг бу соҳада асар ёзганлар уни янада чуқурроқ, янада кенгроқ бўлишини таъминладилар.

Ибн Синонинг бу асари билан биринчи бўлиб Умар ибн Саҳлон Совий (1145 йилда ўлган) шуғулланиб, уни форс тилида шарҳлаган. Ундан кейин Шарқда унга жуда кўп шарҳлар битилган.

Асарнинг номи кўпинча «Рисолатат-тайр» аталсада, баъзан «Китоб шабака ва-т-тайр» («Тузоқ ва қуш китоби») деб ҳам аталиб келинган.

Қорахонийлар сомонийлар сулоласини йиқитгандан сўнг, Ибн Сино Бухорода туролмай, ўзига қулайроқ ва тинчроқ деб Хоразмга — Урганчга боради. Кўп ўтмай, у ерни кучайиб келаётган Ғазна ҳукмдори Маҳмуд Ғазнавий ўзига бўйсундиришга уриниб, Хоразмшоҳга тазйиқ қила бошлайди. Бунни пайқаган Ибн Сино Хоразмни тарк этиб, Нисо, Абивард, Тус ор-

қали Гургонга келади. Гургонда яна Маҳмуд хавфи туғилади. Кейин Рай, Ҳамадонда яшайди, у ерда тўрт ой қамалиб чиқади. Кейин Исфаҳонда яшайди.

Хуллас, олим бир жойда тинчгина яшай олмай, шаҳарма-шаҳар кезади, бир фитнадан қочиб, иккинчисига учрайди. Тарихчиларнинг ёзиб қолдиришига қараганда, ҳатто Ибн Синонинг Хоразмдан қочиб қолганини эшитган Маҳмуд Ғазнавий унинг расмини ишлатиб, бутун қўшни ўлкаларга тарқатган, қаерда шу расм эгаси кўринса, тутиб унга юбориш кераклигини тайинлаган. Мана бу ҳолатларнинг ҳаммаси рамзий ишоралар, тамсилий иборалар билан «Қуш» рисоласида ўз аксини топган.

Мана шу сабабдан бўлса керак, олим бир қасида-сида фиғон билан хитоб қилади:

Мен улуғ бўлганда, аммо келди тор шаҳри азим ҳам,  
Қийматим ошганда топилмай қолди харидорим менинг.

Асардаги тузоқ Маҳмуд Ғазнавийнинг чангали, қушларнинг бошу қанотларининг озод бўлиши эса, Хоразмшоҳ даргоҳидан ўз ихтиёри билан бошқа юртга чиқиши, қушларнинг оёқларида тузоқ қолдиқларининг қолиши ва душманнинг изма-из келишидан қўрқув эса, қайси ўлка, қайси шаҳарга борса, ҳамон муҳайё бўлиб турган Маҳмуднинг таъқибидир, қушлар учиб ўтган тоғ, водийлар Ибн Сино қочиб-кезиб юрган шаҳарлардир. Шу тариқа Ибн Сино бу асарида рамз билан ўз аҳволига ишора қилган.

«Саломон ва Ибсол» қиссаси. Абу Али ибн Синонинг аввалги икки насрий асарини Шарқ ва Ғарб олимларига маълум бўлса ҳам, лекин «Саломон ва Ибсол» билан «Юсуф» қиссаси то кейинги вақтларгача кўпчилик олимларга деярлик маълум бўлмай келди.

«Юсуф» қиссаси билан «Саломон ва Ибсол» қиссаларининг бир-бирларига тематик боғлиқлиги Ибн Синонинг «Хутбайи таслия»сини ташкил қилишга олиб келган эди ва натижада иккаласи бир асар сифатида бир хил саргузаштга дучор бўлган эди. Шу сабабдан бўлса керак, булар Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтига сақланаётган мажмуага (инв. №2385) олдима-кетин тушиб қолган.

Масалан, Саломон бир инсон бўлса, Ибсол шу инсоннинг маърифий, руҳий даражаси. Ибн Сино Ибсол образида берилган хислатларни инсонларда кўрмоқчи бўлади, шунга одамларни даъват қилиб, уни улуғлайди. Инсоннинг табиатида бўладиган шаҳвоний ҳислари Саломоннинг хотини образи орқали берилади. Вунда гўё истак, яъни хотин ақлни (яъни Ибсолни) эгалламоқчи бўлади. Лекин ақл унга бўйсунмайди. Шу жиҳатдан ҳам аллома Насируддин Тусий Ибсолнинг хо-



тиндан ўзини олиб қочиши, ақлнинг ўз оламига тортишидир, дейди. «Саломоннинг хотини, — дейди Тусий яна, — нафс билан бирлашиб кетиб, бир шахсга айланган, истак ва ғазабга тортадиган бадан қувватларига ўхшатмадир. Хотиннинг Ибсолга бўлган ишқи эса унинг бошқа қувватларини эгаллагандек, ақлини ҳам эгаллашга бўлган интилишига ўхшатмадир».

Хуллас, Ибн Синонинг бу асари ўрта асрдан қолган адабий ёдгорликларнинг бир намунасидир.

«Юсуф» қиссаси. Абу Али ибн Синонинг бу асари ҳажм жиҳатидан кичик бўлишига қарамай, бу тўғрида дастлаб асар ёзганлиги билан диққатга сазовордир. Тўғри, бу қиссанинг асл сюжети қуръондан олинганлигига ҳеч шак-шубҳа йўқ. Лекин Ибн Сино бу қиссани ёзишида қуръондаги келтирилган нақл билан қаноат ҳосил қилмаган кўринади. Чунки асарнинг услуби, ибораларнинг оғир-енгиллигига қараганда, у ҳам қуръоннамо жумлалар тузишга уриниб, унга тақлид қилганлиги сезилиб туради.

Маълумки, араб адабиётида қуръон энг фасоҳатли, энг гўзал услубда ёзилган асар деб билинади. Тилининг образлилиги жиҳатидан бу тилда ёзилган ҳеч қайси асар унга тенг келолмайди, деган нақл мусулмон оламида кўпдан машҳур. Шунга қарамай, Ибн Сино бу тўғрида иккиланмасдан дадиллик қилади.

Юсуф ҳақида асар ёзиш учун фақат Ибн Сино давридагина эмас, балки ундан кейинги даврларда ҳам кўп адиб ва шоирлар қалам урганлар. Бу тўғрида эртаклар тўқилди, афсоналар яратилди, дostonлар ёзилди. Ибн Сино эса бу адабий асарларни гўё бошлаб берган, бу тўғрида асар ёзиш мумкин, деган фикрни ўртага ташлагандай, кейинги даврдаги адиб-шоирларнинг асар ёзишларига ундагандай бўлди.

Ибн Синонинг «Юсуф» қиссаси сюжетига келсак, у Шарқда кўпдан бери халқ ўртасида тарқалган гўзал Юсуф ҳақидаги ривоятга бориб тақалади. Бунда Юсуфнинг гўзаллиги ва отаси Яъқуб уни яхши кўриши ва кўп вақтини шу севимли ўғли билан ўтказиб, ўзгаларига кам эътибор берганлиги, бу ўртада биродарларнинг келишмовчилиги ва ниҳоят шу Юсуф сабаб бўлиб, отасидан ранжишлари баён қилинади. Ибн Сино қиссасида Яъқубнинг ўғли Юсуф туш кўрганини ва унда икки ёритқич (қуёш ва ой) ҳамда ўн бир ёруғ юлдузлар Юсуфга сажда қилаётганини айтади. Отаси Юсуфга, кўрган тушингни ҳеч кимга айтма, акаларинг сенга ёмонлиқ қилишади, «тангри сени пайғамбарлик мулкига етишингни башорат қилибди», дейди.

Юсуфнинг биродарлари ҳам саждага олиб кетишиб, уни чоғга ташлашди. Унинг куйлагани қонга бўяб, оталари олдига, Юсуфни бури еб куйибди, деб қонли куйлакни олиб келишди. Илоҳийлар шар-

вон одамлари сув умидида қудуққа челақ ташласа, челақдан чиройли бола чиқади.

Шу билан Юсуф хизматкор сифатида карвон билан бошқа шаҳарга олиб кетилади, хўжайиннинг хотини унга ишқивоз бўлиб қолади. Юсуф орқали ёмон ниятига етмоқчи бўлади, аммо Юсуф қочади, хотин уни ушлаб қолганда эри келиб қолади, хотин дарҳол унга туҳмат қилади, Юсуф зиндонга тушади, у ерда бир неча йил ётиб, маҳбусларнинг кўрган тушини таъбир қила бошлайди. Унинг таъбирлари тўғри чиқиб, кўпчилик ўртасида машҳур бўлади. Бир кун подшонинг тушини ҳеч ким таъбирлай олмай турганда, қамоқдаги таъбирчи Юсуф ҳақида гап айланиб қолади. Буни подшо эшитади, сўнг уни чақиртиради. Юсуф шоҳнинг сизир ҳақидаги туши ва бўлажак қурғоқчилик ҳақидаги таъбирини айтади. Таъбир маъқул тушади, шу билан Юсуф катта амалдор бўлади, очарчилик бошланганда дон қидириб, акалари Юсуф яшаётган жойга — Мисрга келиб қолишади. Кейинчалик Юсуф билан отаси дийдор кўришади, биродарлари қилмишларига пушаймон қилишиб, ундан кечирим сўрашади.

Қиссанинг мазмуни шундан иборат.

«Юсуф» қиссаси асарида ҳам Ибн Сино ўзининг «нафс» ҳақидаги қарашларини адабий шаклда ифодалаган кўринади.

Урта аср фалсафасидаги мавжуд шаклда талқин қилинса, бу ерда Яъқуб — нафси нотиқа — нутқли жон, яъни инсон. Юсуф эса унинг маънавий томони. Юсуфнинг биродарлари кишидаги тан қувватлари — ички сезгилардир. Хотин эса кишини истак ва ғазабга тортадиган ҳисларга ўхшатмадир. Хотиннинг Юсуфга интилиши ва унга ишқ-муҳаббат изҳори эса истак қувватининг кишидаги маънавий томонни, фалсафий ибора билан айтсак, назарий ақлни эгаллашга бўлган интилишидир. Юсуфнинг зиндонда ётиши ғазаб қувватининг ишга тушиб ўзини кўрсатганидир. Юсуфнинг хотиндан ўзини тийиши ва унинг майлига кўнмаслиги эса ақлнинг ўз оламига тортиши ва истак, ғазаб ҳисларига берилмасликка бўлган интилишидир. Яъқубнинг Юсуфдан ажраб азоб чекишида нафси нотиқанинг ақлдан узоқлашиб, изтиробга тушиши назарда тутилади. Юсуфнинг вазирлик ва тахтга ўтириши олий камолатга эришиши ва ўша камолатга ақлнинг яқин бўлишидир.

Юсуф биродарларининг қилмишлари ички ҳисларнинг хатти-ҳаракатлари ва ўша биродарларнинг ўз ишларидан хижолатлари билан муаллиф ақл қувватлари — ички сезгининг ноўрин ишларини айтмоқчи бўлади.

Юсуфнинг тушида икки ёритқич — қуёш ва ойни кўриши — унинг ота-онаси, ўн бир юлдуз кўриши — биродарлари, ёритқич ва юлдузларнинг сажда қили-

шида эса келажакда уларнинг Юсуфга муҳтож бўлиши тасвирланган.

Бу хил таъриф Ибн Синонинг «Юсуф» қиссаси мазмунига тўғри келади. Насируддин Тусий ҳам Ибн Синонинг «Ал-Ишорот» асарига ёзган шарҳида «Саломон ва Ибсол» қиссасини келтириб, уни шу тариқа шарҳлаган эди. Биз бу ерда ўша шарҳ таъбирига кўра «Юсуф» қиссасида назарда тутилган нарсаларни баён қилиб ўтдик. Фалсафий нуқтаи назардан қараганимизда қисса шарҳи шундай.

Аmmo бу қисса адабий асардир. Шу жиҳатдан ҳам муаллиф уни қисса деб атаган.

Ибн Сино бунда Юсуфни ориятли, номусли, соф йигит сифатида келтирган. У ҳеч қандай туйғуларга берилмайди, гўзалликларга парво қилмайди, ўзини тугиб олган, ҳар бир нарсада ўзига тасалли бера олади, номаъқулчилик йўлларига кирмайди, ўзига ёмонлик қилган биродарларидан қасд олмайди, уларнинг барча кирдикорларига дунёдаги оддий воқеа, кишиларнинг ёмон хулқлари натижаси, деб қарайди, ёмонлик қилганларнинг ўзи охир-оқибатда хижолат чекишларига ишонади.

Тўғри, бу қисса ва рисоалар фалсафий йўсинда, ўз даври — ўрта асрга хос услуб билан ёзилган. Буларни тушуниш ҳар кимга дарровгина муяссар бўлавермайди. Булардан баъзиси диний формада (масалан, «Рисолат ал-қадр») ёки қуръонда бор мавзу асосида ёзилган (бунга «Юсуф» қиссасини мисол келтириш мумкин). Аммо бу асарлар қайси форма, қобиқда ёзилишидан қатъий назар, адибнинг асл мақсади, унинг идеали нуқтаи назаридан олиб қаралса, ўз даврида унинг адабий йўсинда иш юритганини кўрамиз, бу эса муаллифнинг олдинга қараб ташлаган бир қадами эди.

\* \* \*

Булардан ташқари, Ибн Сино адабиётшуносликка оид «Шеър санъати» (Қоҳира, 1966) деган асар ҳам ёзган. Алломанинг бу асари унинг «Китоб аш-шифо»сининг бир қисми бўлиб келган. Тўрт қисмдан иборат бўлган «Аш-шифо» мантиғининг тўққизинчи бўлаги маъна шу «Шеър санъати»дан иборатдир. Бунда муаллифимизнинг адабиёт борасидаги қарашлари, муносабатлари битилган.

Ибн Сино «Шеър санъати» асарини саккиз бобга ажратади ва буларнинг ҳар бирини фасл деб атайди.

Биринчи фаслни муаллиф шундай атайди: «Шеър ҳақида умумий тушунча, шеърий форма ҳамда юнон шеър навлари ҳақида». Бу фаслда олим умуман шеърятга баҳо беради, унинг тузилиши, шаклларига тўхтайди. Иккинчи фасл шеърда тема ва тақлид масала-

сига бағишланади. Учинчиси эса «Шеърнинг дастлаб пайдо бўлиш кайфияти ва шеър турлари ҳақида» деб аталади. Тўртинчиси «Байтлар ўлчовининг мақсад — ғаразлар билан муносабати ва хусусан, трагедия ҳақида, трагедия бўлимлари баёни» деб номланади. Бешинчиси «Шеър, хусусан, трагедия тузилиш тартиби, унда ишлатиладиган эпосга хос бўлган образли гап бўлаклари ҳақида» деб аталган. Олтинчи фасл бошидан охиригача трагедия қисмларига бағишланган.

Еттинчи фаслда «Шеър навларида ишлатиладиган сўзлар ва уларнинг мос келиши трагедия ва бошқа тур шеърларнинг унга ўхшаши ҳақида», саккизинчиси эса «Шоирнинг камчилиги тўғрисида ва трагедиянинг ўзига ўхшаш турлардан афзаллиги ҳақида» каби масалаларга тўхталинган.

## ЛИРИКА

---



Шул хоки сиёҳдин то авжи Зуҳал,  
Ҷар нечаки мушкилот эрур, этдим ҳал.  
Очдим неча занжир — занжири макру ҳиял,  
Ечдим неча бир тугун, магар қолди ажал...

Соқий, қадаҳи журъати жонинг қайда?  
Ул оннаи нури жаҳонинг қайда?  
Сун менгаки, кўнглимни мусаффо этайин,  
Тақвони шикаст айлагонинг қайда?



## РУБОЙЛАР

---

### 1

Шул хоки сиёҳдин то авжи Зухал,  
Ҷар нечаки мушкилот эрур, этдим ҳал.  
Очдим неча занжир — занжири макру ҳиял,  
Ечдим неча бир тугун, магар қолди ажал...

### 2

Соқий, қадаҳи журъати жонинг қайда?  
Ул оинаи нури жаҳонинг қайда?  
Сун менгаки, кўнглимни мусаффо этайин,  
Тақвони шикаст айлагонинг қайда?

### 3

Пир бўлдинг, ишингни ончунон этмассен,  
Соч оқи-ла пирлигинг ниҳон этмассен.  
Тун зулматида ҳар неки қилдинг — қилдинг.  
Тонг равшанида бўлди, аён этмассен.

### 4

Эй меҳр, ки борми сен каби оламгард,  
Саргашта йўловчиман, ўзинг йўл кўрсат.  
Кўрдингми бировниким яна ишқ йўлида,  
Ким юзида шунча гард эмиш, кўнглида дард?..

### 5

Зулфинг сочилиб, бўйинг қадар эврилмиш,  
Огоҳмисен нечун, магар эврилмиш?  
Чун лаълинг аро лаълию зумрад кўрибон,  
Аждар бўлибон кўҳи камар эврилмиш...

Гар бодани гоҳ-гоҳ ичармен — хомлиғ,  
Аммоки мудом ичар эсам — бадномлиғ.  
Май шоҳу ҳакиму ринд ичар эрса, на хуш,  
Гар бошқаси нўш айласа — душманкомлиғ.

Биздирмиз ўша ҳаққа тавалло қилгон,  
Лутфингни тилаб, ўзни табарро қилгон.  
Ҳар ерда иноятинг агар бўлса, бўлур  
Қилгон қилмогону қилмагон гўё қилгон...

Не хушки, жаҳондин кечибор кетгайсен,  
Манзилга пушаймонсиз агар етгайсен.  
Ҳар нечаки айласанг — бугун айла адо,  
Чун эртага нотавон қолиб, нетгайсен...

Эй нафс, ки гарқ айла ҳавою ҳавасинг,  
Зуд ўлки, зарур ҳимояти бир нафасинг.  
Дунё дема, молу давлату ишва дема,  
Ким, дўст деб душманга гирифтор ўласинг...

Юзинг каби офтоби пурмоя қани?  
Зулфинг каби ҳар шому саҳар соя қани?  
Бул товбага ул гуноҳ нечук зийнат эмиш?  
Бу иккисидек ҳамдаму ҳамсоя қани?..

Ким берди руҳи лолаю гулбор сенга?  
Бу сумбули наврастани, гулнор, сенга?  
Кундузни қаро тун қўлига ким берди?  
Бу ёри сазониким, сазовор, сенги?..



Эй тун, иноят эт, яна айлама хун,  
 Бу рози дилимни фош этиб, қилма фузун.  
 Кўрдинг, кеча не қадар узун бўлди кечам?  
 Эй васлу висол туни, узун бўл, узун...

Сўрдимки: — Нечун шикаста, нолондирман?  
 Айди: — Сабаби мен, гули хандондирман.  
 Сўрдимки: — Нечун кўйингда гирёндирман?  
 Айдики санам: — Сен тану, мен жондирман...

Уч нарса сенинг учингдан олмиш тимсол:  
 Рухдан — гулу, лабдан — мулу, юздан — жамол.  
 Уч нарса менинг учимдан олмиш ҳама сол:  
 Дилдан — ғаму, юздан — наму, кўздан — хаёл...

Зулфинг, санамим, агарда ларзон бўлур,  
 Эл ичра баҳойи анбар арзон бўлур.  
 Гар зулминг аро юзинг намоён бўлур,  
 Нур тонг била тунга тенг фаровон бўлур...

Эй кошки, кимлигимни бир билсаме,  
 Нечун саргаштамен, назар қилсаме.  
 Соҳиби бахт эсам, ўйнаб-кулсаме,  
 Эрмасам, ёш тўкиб, бағрим тилсаме..

Бу бодия ичраким чунон чопди кўнгул,  
 Жаҳд этдию қилди чок-чок айлади ул.  
 Кўнглимда-ку минг қуёш ёнар эрди, вале  
 Охирда камолга топмади заррача йўл...

Ҳар нарсаниким замон бузиб, хор айлар,  
 Дунёни хазинабон йиғиб, бор айлар.  
 Майл этсаю боз аслига эврилса фалак,  
 Ғайб пардасидин ҳақ яна ошкор айлар...

Менинг куфрим айбларга дилимдан ўзга султон йўқ,  
 Бу оламда менинг покиза имонимдек имон йўқ.  
 Мусулмонликда мен аҳли замон ичра эдим танҳо,  
 Агар кофир эсам мен ҳам, бу дунёда мусулмон йўқ!

Ўзни доно билган бу уч-тўрт нодон  
 Эшак табиатин қилур намоён.  
 Булар суҳбатиде сен ҳам эшак бўл,  
 Бўлмаса «кофир» деб қилишар эълон.

Май мастга душману ҳушёрга ёрдир,  
 Ози тарёк, кўпи бир заҳри мордир.  
 Кўп бўлса зарари оз эмас унинг,  
 Оз бўлса унда кўп манфаат бордир.

Ҳар ерда жаҳолат ҳаддан ошган он,  
 Замона жигаринг қилур қаро қон,  
 Марварид, гавҳарга тўлурми қўлинг,  
 Остонанг ул ёғи гар бўлса уммон.

Соқий, жаннатий соф зулолинг қани?  
 Ҳақ кўринар ойна мисолинг қани?  
 Ичимни тозалаб ювмоқ ниятим,  
 Чўлоқ қумғон, синган сафолинг қани?

24

Ҳақ жаҳоннинг жонидур, бадандур жаҳон,  
Фаришталар бу танга сезги, бегумон.  
Унсурлардан барча жисм маволид аъзо,  
Шудур борлиқ, қолгани ҳийлаю ёлғон.

25

Дўстим душман билан ўтирмиш бисёр,  
Энди ўтирмайман у билан зинҳор.  
Парҳез қил шакардан заҳари бўлса,  
Пашшадан қоч, қўниш жойи бўлса мор<sup>2</sup>.

## ҒАЗАЛЛАР

---

Ҳақиқат тип-тиниқ бода эрур руҳнинг ғизоси,  
Чечак-гуллардин ўзгай бўйи ҳам ранги сароси.

Ақиқ ранглигу мисли ёқуту лаълисифат бўлса,  
Кимки ичса бир жом, бошига қўнгай ҳумоси.

Қуюлса тонг ила хумморларнинг жомига кул-кул,  
Магар барбат садосидин келур хушроқ садоси.

Падар панди каби аччиқдир, аммо фойдаси беҳад,  
Эрур нодонга ботилу вале доно равоси.

Ақл фатвоси андоқким, ҳалолдир ичса донолар,  
Вале аҳмоқлара макруҳ эрур кайфи сафоси.

Билимдонга ҳалолдирким, ҳаромдир аҳли жоҳилга,  
Ҳама яхши-ёмонни ажратур майнинг зиёси.

Ҳаром ўлмиш шароб оламда балким жаҳли жоҳилдин,  
Нечаким ичди жоҳил, бўлдилар майнинг адоси.

Шаробни аблаҳ ичса, чун гуноҳи ҳаддидан ошгай,  
Тилидин лоф ёғилгай, ўзгариб фикри ҳавоси.

Не хушдирким, қўлингга сунса паймона гўзал маҳбуб,  
Гўзал юз шабнами томса, мен ул майнинг гадоси.

Абу Али, тиниқ майни ҳакимона ичавер,  
Худо ҳаққи, шудир ҳақнинг йўли топмоқ давоси.

Мард кишига ўн хил иш доим ҳаром,  
Олтисидан мард киши холис мудом.

Хасислигу, ҳасад ҳам ёлғончилик,  
Заифлик, дарду йўқликка бўлиш ром.

Агар неъматга етсанг, сен адолат —  
Ҳам ақлинг бирла бер дўстларга инъом.

Агар шиддатда қолсанг, ютма дардинг,  
Самон бўлғай бу дарддин чеҳра гулфом.

Назарга арзимас буткул жаҳон ҳеч,  
Совуқ бир оҳ ила бўлғай саранжом.

Фалак — жуфт соққа, олам тахтасидир,  
Ажал ўйнайди, бизлар — донан хом.

## ЌИТЪАЛАР

---

Улуғлигим туфайли дилларида ваҳмалар зоҳир,  
Йўқ эрса, шафқат этмай, айлашарди бетиним таҳқир.  
Мени тутмоқчи бўлганлар қазиб чоҳ, айлашар «ав-ав»,  
Кучук овози ҳарёқда, фақат мен бунда шерман, шер.

\* \* \*

Узоқдан ўқрайиб, менга қилурлар неча ғавғолар,  
Мен эрсам илм дерман, тунларим бедор ўтар бир-бир.  
Агар бундай адоват ўрнига бўлсайди одил кўз,  
Кўрарди ишларимда ул ёмон ўрнига хўб тадбир.

\* \* \*

Тарк қил бор нарсани, аълодурур жон ҳаммадан,  
Жон камоли илмдандир, илмдандир сўлу соғ.  
Жон агар бир шиша бўлса, илм — бир ёнгувчи шам,  
Ҳикмати инсонни билгил ул чароғда лампаёғ.  
Гар чароғ равшан эурса, сен соғ-саломат ҳам тирик,  
Гар чароғ сўнса, сенинг ҳам ўлганингдир ушбу чоғ.

## БАЙТЛАР

---

Кўрларга қуёш равшан эмас-ку,  
Жоҳилга тўғри йўл пинҳон шунингдек.

\* \* \*

Мубтало бўлмоқни кимки истамас,  
Ҳаммом иссиғига тутмас елкасин.

\* \* \*

Менинг сабрим жуда қаттиқ, сенинг эрса юрак-бағринг,  
Демак, бир тош эканмиз иккимиз ҳам бу муҳаббатда.

\* \* \*

Олий мансаб эгалари жонсиз нарсалар бўлди,  
Ажаб, жонсиз нарсалар ҳам нашъу намо қилишар.

\* \* \*

Зулфи бирла қоп-қора тун зоҳир айлар бўлди-ю,  
Юзларининг шуъласи йўл бермади оқшомга ҳеч.

\* \* \*

Мен улуғ бўлдим-ку, лек кенг бўлмади майдон менга,  
Қимматим ошгач харидор чиқмайин қолди ахир.

\* \* \*

Етиб борса, ҳазар қилғил, менинг сўз шамширим доми,  
Ва ё тил шамширим — сўзим шамоли етгани они.

\* \* \*

Ёмон ё яхшилик қилгай ҳар киши,  
Шу ёмон, яхшини топмоқдир иши.

\* \* \*

Қора қарға қаноти оппоқ бўлган он,  
Мен ҳам соқол бўяб, бўлгум навқирон.

\* \* \*

Агар овқат чексиз лазиз бўлса ҳам,  
Кўп емагил, келтиради дарду ғам.

\* \* \*

Йўқликка кетмишлар минглаб улуғ зот,  
Бирортаси қайтиб келмади, ҳайҳот!

\* \* \*

Қирмагим бунга аён мисли ўзинг кўрган каби,  
Лек бу ердан чиқмоғим ҳам, шубҳасиз, амримаҳол<sup>3</sup>.



## НАСИҲАТ

---

Еган бўлсанг таомнинг,  
Ҳазм бўлмасдан олдин,  
Яна устига-уштак —  
Емоққа йўқ зарурат.

\* \* \*

Чайнашда тишлар ожиз —  
Бўлган таомни ютма,  
Таомнинг ёмони бу,  
Қоринга бўлгай офат.

\* \* \*

Ҳафта ичинда бир бор  
Қайт қилиш сенга лозим,  
Балғам зарарларидан  
Омон қолгайсан минбаъд.

\* \* \*

Огир ҳужуму таҳдид,  
Ҳатто, қолсанг хатарда,  
Сурмай кейинга асло,  
Ичингни тезроқ бўшат.

\* \* \*

Силкит ухлашдан олдин,  
Шок эт танинг чиқитдан,

Истасанг яхши уйқу,  
Ҳар кун бўлсин шу одат.

\* \* \*

Кун аро ҳаммом тушмоқ  
Одатин тарк айлама,  
Танинг топар парвариш,  
Юурсан соғ-саломат.

\* \* \*

Дори-дармон ичмоққа  
Ўзингни кўп ўргатма,  
Дору ичиш ножоиз,  
Етмасдан катта иллат.

\* \* \*

Бордию зўр эҳтиёж  
Сени айласа мажбур,  
Иллат, дори таянчдир,  
Баданга бўлур қувват.

\* \* \*

Бу ҳикматни атайлаб,  
Бир кун ҳақим Таёзуқ —  
Нўширавон Одилга,  
Қилган экан насиҳат...

Тангрим ўзи берсин шифо, дард аритсин пешонадин, -  
Марҳамати бўлсин доим, кетмай қутлуғ остонадин.  
Билким, дардларнинг иложи исҳол қилишдир аввало,  
Сўнгра ушбу байтлар бўлур керак дори дармонадин.  
Энсага қонни сўргувчи зулук қўймоқ — маслаҳатдир,  
Агарда у истамаса қориқ қўймоқни янадин.  
Эт емакни тарк айласин, ҳазми енгил таом есин,  
Шаробга қўл чўзилмасин, то етмагай дард танадин.  
Эзиб мажнунтол новдасин гулобга омухта этиб,  
Юзга суртсин ухлаганда ҳар замон-ҳар замонадин.  
Қадамасин тугмаларин бўғадиган ҳам тор қилиб,  
Жаҳли чиқиб бақирмасин, ҳар хил сабаб-баҳонадин.  
Илож шудир, ҳар кишики айтганимга қилгай амал,  
Топгай шифо, оҳиста дард арийди ул ошёнадин.

## «ТИББИЙ ДОСТОН» (УРЖУЗА) ДАН ПАРЧАЛАР

---

### ТИБНИНГ ТАҚСИМЛАНИШИ ҲАҚИДА

Танада гар пайдо бўлса қандай мараз,  
Тибдан топар давосини ҳар бир араз<sup>5</sup>.  
Илмий<sup>6</sup>, амалийга бўлинди тиб аввал,  
Бўлди уч нарсдан илмийси мукаммал.  
У нарсанинг бири етти табиатдир<sup>7</sup>,  
Андин сўнгра келган олти заруратдир<sup>8</sup>.  
Уч нарса бор: битилгандир китобларда,  
«Мараз, араз, сабаб», деган хитобларда.  
Икки турга бўлинади амалий тиб,  
Бири икки қўлдан топура даво, тартиб.  
Бошқа бири бажо бўлур, бўлса даво,  
Қўл келади белгиланган бўлса ғизо.  
Билсанг, табиий нарсалар — рукнлардан,  
Улар қоришидан пайдо бўлур бадан.  
Бу хусусда Буқрот қавли саҳиҳ ўлур,  
Тупроқ, олов, сув ҳам ҳаво манба бўлур.  
Унга далил: жисм ҳалок бўлса магар,  
Муқаррарки, тўрт унсурга яна қайтар.  
Рукнлар гар бўлса бир хил табиатли,  
Қўролмасдинг касал бўлган тирик зотни.

### МИЗОЖЛАР ҲАҚИДА

Андин сўнгра келур сенга илми мизож,  
Анинг ҳукми ёрдам берур, қилсанг илож.  
Аммо мизож қувватлари тўртта ҳаргиз,  
Ҳаким уни қўшиб айтар ёни ёлғиз.  
Алар иссиқ, совуқ, юмшоқ, қуруқ чунон,  
Ким ишласа — сезгисига бўлгай аён.  
Мизож қувватлари рукну замонларда<sup>9</sup>,

Усар нарсаларда<sup>10</sup>, барча маконларда<sup>11</sup>.  
 Устиқусдир эгалловчи<sup>12</sup> бағоятда,  
 Оддий мизож бўлса агар ниҳоятда.  
 Иссиқлик-чи ўт, ҳавода мавжуд эрур,  
 Совуқ юрса, тупроқ ила сувда қолур.  
 Қуруқлик ўт била тупроқ мобайнида,  
 Ҳўллик эса — сув ҳам булутнинг<sup>13</sup> қўйнида.  
 Бириккар бор, бирикмас бор вужуд узра,  
 Визга борлиқ ҳукм этган жавҳар ичра...  
 Зўраяди қиш мавсуми ғоят балғам,  
 Қон қўзғалиб, баҳор пайти қўзир ҳардам.  
 Ёз фаслида қилгай хуруж сафро чунон,  
 Куз фасли-чи, савдо учун қулай макон.  
 Барча ўсувчилар бўлур бир нечтадан,  
 Маъдан, наботот, жонивор — тирик бадан.  
 Қай чоғ ғолиб келгай алар жисминг аро —  
 Дори бўлур, ўстиргани бўлгай даво.  
 Табиб кўриш-ла билинур ундай мизож,  
 Доим агар мавжуд эса тўғри қиёс.  
 Аччиқ, ширин, шўртам ғизо асли қуруқ,  
 Уткир маза иссиқ мизожликка уруғ.  
 Таъми агар тахир ё афт буриштириш,  
 Совуқ, қуруқликдан дарак нордону турш.  
 Сувлик бўлиб, таъм бўлмаса айтгил дадил,  
 Ундай табиатли мизождир муътадил.  
 Барча ёглиқ — ҳўл мизожу иссиқликдан,  
 Совуқлик — ҳўл мизож, таъмсиз, чучукликдан.  
 Ёшга қараб бўлгай мизож турли-туман,  
 Гапдан мурод — инсон эрур ҳеч бегумон.  
 Ёш-яланглар иссиқ мизождир ҳар қачон,  
 Бу табиий аҳвол эрурдир бегумон.  
 Сезгир, мизожи ҳўл бўлур, гар бола ёш,  
 Ингит мизожидур қуруқликка туташ.  
 Гар ўлчасанг-чи ўрта ёш совуқсимон,  
 Қари мизож анга яқин, балки ёмон...  
 Ҳар иккисин мизожи ҳам бўлгай қуруқ,  
 Пишиб етилмасликка-чи кекса ёвуқ.  
 Иссиқ, қуруқлик — эр мизож, билгил ани,  
 Ҳўллик, совуқликдир хотинлар маскани.  
 Қизилча, оқ гар омукта бўлган замон,  
 Мизожларнинг миқдори ҳам ўрта-миён.  
 Оқсоч одам совуқ мизож бўлгай, қара,

Иссиқ мизож бўлса сочи бўлгай қора.  
Совуқлиги камнинг сочи малла, тарғил,  
Иссиқлиги камнинг сочи бўлгай қизил.  
Урта мизож рангли киши бўлса агар,  
Қизғиш, малла ранг бўлиши чин муқаррар.

### АЪЗОЛАР ҲАҚИДА

Асли жисм аъзолари-чи тўрт бўлур,  
Яна шохобчалар борким — жоиз, зарур,  
Ҳар биттаси ўз бурчини этгай адо  
Ҳозир айлаб жисминг учун қувват-ғизо.  
Жисмингга қалб бергай ғизо — андин ҳаёт,  
Қалб бўлмаса жасад мисли бир наботот.  
Жондор жисмларга юрак унсур каби,  
Абхур<sup>14</sup> била ўтгай ҳароратлар дами.  
Бош мия-чи, орқа мия бирлан асаб —  
Ҳароратин оширмасдан турар асраб.  
Иккисидан олгай бўғинлар ҳаракат,  
Насланишга қўш мояк — тайин олат.  
Алар билан бола пайдо, нав сақланур,  
Иўқса алар, жондорда нав одоқланур.  
Эту ёғу безлар экан турли-туман,  
Жондорларга бўлгай қурол, сақлар омон.  
Бадандаги парда, суяк, бойлоқки бор,  
Гавда учун суйанчиқдир ҳамда мадор.  
Бўлсин учун тан барҳаёт — рўзғори бут,  
Асл аъзо хизматлари эрур мавжуд.  
Оёқ-қўлга тирноқ ёрдир бармоқ учун,  
Соч-тук чиқинди ҳайдаш, зеб бермоқ учун.

### НАФСОНИЙ ҚУВВАТЛАР

Тўққиз қувват нафсий эрурки ўзгача,  
Андин беши тегишли ўлгай сезгига.  
Қулоғу кўз, сўнгра бурун, сезги, маза,  
Комил бўлур улар, агар тугал сезса.  
Ундан бири — мушакларга боғлиқ қувват,  
Йигит бўғинлари шундан боҳаракат.  
Алар ичра бордир, билсанг, шундай қувват,  
Нарса эсда акс этади худди суврат.  
Бошқа қувват бордир — андин ҳосил фикр,  
Ўзгаси-ла барпо бўлур хотир-зикр.

## МАКОН ВА ОБ-ҲАВО ҲАҚИДА

Қайси ўлка жойлашгандир тоғ устига —  
Об-ҳавоси бўлур ажиб салқингина.  
Ўлка агар тоғ қаърида, тосдай чуқур —  
Бўлса агар, шак-шубҳасиз, иссиқ бўлур.  
Гарчи диёр тоғдан жануброқдир хиёл,  
Эсмоқлиги матлуб эрур иссиқ шамол.  
Акси бўлиб, тоғлар жойи бўлса жануб,  
Салқин шамол эсгай, иссиқ елни қувиб.  
Ғарбида тоғ бўлса ҳаво оғир, ёмон,  
Гар шарқидан эса — латиф, оромижон.  
Денгиз учун аксинчадир ундай ҳукм,  
Ушбуларни айтур сенга аҳли салим.  
Жанубий ел ҳароратли, рутубатли,  
Гўё бўғар, нафас олиш уқубатли.  
Совуқлик ҳам, қуруқлик ҳам шамол-елдан,  
Йўталга зўр келур ундан бундай элда.  
Хуш келадир илиқ эсса сабо ҳар дам,  
Дабур<sup>15</sup> эсса, унга доим совуқ ҳамдам.  
Қайси диёр ерларидир сувга сероб,  
Атроф текис, тупроғи нам, бўлса захоб,  
Кўлмагида бўлса агар суви ширин,  
Мизожида бўлғай рутубат яширин.  
Қоя бўлса яқинида, суви тузлук,  
Шундай ернинг ҳаволари бўлғай қуруқ.  
Чор тарафи очиқ эса гар масканинг,  
Бор шамолу елга йўли очиқ анинг.  
Қиш чоғида ҳаддан ошар совуқлиғи,  
Ёз чоғида доим кўпдир иссиқлиғи.  
Маскан агар даҳлиз эрур, ҳам ертўла,  
Иш тут ўшанда ҳукмнинг акси била.  
Иссиқ кийимдир: пахталик ҳамда ҳарир,  
Ялтироқлар билан каноб совуқ бўлур.  
Момиқ, жун бўлса, ҳар ерда ҳарорат бор,  
Қуруқлиққа бунда бир оз зарурат бор.  
Қора, яшил рангдан кўзга бор манфаат,  
Шу ранглардан топгай басоратнинг қувват.  
Оқу сариқ ранглар ҳаддин ошса агар,  
Бундан сенинг кўзларингга етгай зарар.

## ЕЙИШ ВА ИЧИШ ҲАҚИДА

Билгинки сен ҳукми ғизо, ушбу бўлур:  
Усмоққа лойиқ нарсаларни ўстирур.  
Гар тоза қонни ўзидан пайдо қилур,  
Ундай ғизолар мақталур, нафли бўлур,  
Бугдой унidan ёпилса гар оби нон,  
Жўжа эти ҳамроҳ бўлса — оромижон.  
Кўкат есанг, яман кўкати хуш бўлур,  
Истеъмоли бемор кишига мос келур.  
Баъзи ғизо бўлгай ғализ, оқ нон шу ҳол  
Уч йил боқиб сўйган қўйинг эти мисол.  
Чарчаб-ҳориб келган кишига бор ғизо —  
Балиқ эрурки — «разрозий» ном эл аро.  
Ғизодан бор яна латиф мисли пиёз —  
Хардал<sup>16</sup>, саримсоқдек ёқимсиз беқиёс.  
Бундай ғизо туғдиради сафрони кўп,  
Андин ясар табобатда давони кўп.  
Ундай ғизодан баъзида савдо бўлур,  
Баъзи жисмларда касал пайдо бўлур.  
Қари така ҳамда қари молнинг эти  
Зиён эрур мисли кепак нони каби.  
Бордир яна бир хил ғализ<sup>17</sup>, ёқмас таом,  
Ғализ балиқ, сутдай пайдо қилур балгам.  
Аммо ширин анҳор сувин ичсанг қачон,  
Сақлаб қолур аслий рутубатни чунон.  
Ундай сувлар чиқиндини ҳайдаб чиқар,  
Шу туфайли томирларга ғизо оқар.  
Ёмгир суви сувлар ичра зап тозадир,  
Зарар унсур илашмаган кўп сарадир.  
Ичимликлар, масалан, май, сут, мусаллас  
Ғизо бергай тан-баданга ҳар бир нафас.  
Ё табиатига танни мойил этар,  
Ивитилган сиканжабин<sup>18</sup> каби тутар.

## УЙҚУ ВА УЙҒОҚЛИҚ ҲАҚИДА

Тиним бериб, уйқу этса беҳаракат,  
Қуввайи нафс, қуввайи ҳис топар роҳат.  
Баданларинг қиздиради, бериб ором,  
Уйқу, билсанг, сенинг учун ҳазми таом.  
Кўпайтирсанг гар уйқунини ҳаддан нари,



Хилтлар<sup>19</sup> билан тўлур мия қоринлари.  
Кўп уқлашлик йиғар танда рутубатни,  
Учиради ҳаёт берар ҳароратни.  
Бедорлик ҳам маромида бўлса агар,  
Таъбинг хушу ўзинг тетиксан муқаррар.  
Куч-қувватни тиклаб берур ишлаш учун,  
Чиқиндидан аритади бадан ичин.  
Кам ухласанг, уйқусизлик пайдо бўлур,  
Ғашдир дилинг, нотинч ўзинг, бўлмас сурур.  
Руҳинг тушар, таъбинг хира кам уйқудан,  
Сўлғун бўлиб рангинг бузуқ, озгай бадан.  
Кўз киртаяр, ҳазминг бузар оз ухласанг,  
Фикр ишламас, жисминг нурад, бошинг гаранг.  
Билсанг риёзат турлари неча-неча —  
Шарофатли бўлур эса у ўртача<sup>20</sup>.  
Тўғри ва муътадил бўлиб ўсгай бадан,  
Кир-чир ила чиқиндидан қутулар тан.  
Ҳозир этур жисмингни у ғизо учун,  
Гўдакларни йўллар нашъу намо<sup>21</sup> учун.  
Ортса риёзат ҳаддидан ҳориш бўлур,  
Руҳинг тушиб, тинканг қуриб, ҳар иш бўлур.  
Ҳаддин ошса, ёнгай ҳарорат, ёт, ғариб<sup>22</sup>,  
Намлик кетиб, жисминг қолур кўп сарғайиб.  
Асабларинг заиф этур оғриқ, чу зўр,  
Ёш яшамай, ош ошамай танинг қарир.  
Риёзатсиз ётишдан кўп топма роҳат,  
Бу роҳатдан тополмассан ҳеч манфаат.  
Жимжит ётсанг ифлос хилт-ла тўлур бадан,  
Ғизога ҳеч ҳозирланмас бирор маскан...

## БУШАНИШ ВА БУШАНМАСЛИК ҲАҚИДА

Томирдан қон олмоқ фойда баҳор чоғи,  
Дори-дармон ишлатсанг ҳам, қилсанг сурғи.  
Қайт қилишга ёз фаслида ўзни шайла,  
Савдо ҳайдаш зарур эса кузни пойла.  
Ғаргара қил, тишингни юв, мисвок<sup>23</sup> ишлат,  
Оғиз, танглай тоза бўлур, қолмас иллат.  
Заҳар танғиб келса, бўшат, эринмағил,

Тез ҳайдагил, қонинг фасод қилмай ҳосил.  
Кир-чирингни даф этишга ҳаммомга бор,  
Зудлик билан қушдай бўлгил ҳам беғубор.  
Тозаламоқ бўлсанг теринг кирдан тамом,  
Баданингни пок этмоққа керак ҳаммом.  
Жимони-чи, ёшлар бажо этсин, майли,  
Холи бўлсин бадан дарддан шу туфайли.  
Ўзи озгин, ўрта ёшли, тани нимжон —  
Бўлганларни қайтар ундан, жимо — зиён.  
Ғизодан сўнг гар жазм этса жимога ким,  
Ниқриз<sup>24</sup> каби кўп дардларга бўлур маҳкум.  
Жимо кўпи заиф айлаб, толиқтирар,  
Жисмга кўп дарду алам йўлиқтирар.

### НАФСОНИЙ КАЙФИЯТЛАР ҲАҚИДА

Ғазабланиш қўзғатади ҳароратни,  
Зарар этиб, олур тандан ҳаловатни.  
Қўрқиш совуқликни қўзғар, ўйнаб юрак,  
Ҳаддан ошса, баъзан одам бўлгай ҳалок.  
Шоду хуррам кечса ҳаёт яйрар бадан,  
Эт семириб, андин етгай зарар баъзан.  
Озгинларни ўлдиради қайғу бешак,  
Кимки озмоқ эса, унга қайғу керак.

### КАСАЛЛИҚ САБАБЛАРИ ҲАҚИДА

Совуқликни пайдо қилган нарса танда —  
Баъзан бузар тартиботни бор баданда.  
Наша киргай совуқликка ҳароратдан,  
Қор аслида совуқ эрур табиатдан<sup>25</sup>.  
Очлик эса руҳ ғизосин айлар адоғ,  
Тан гўёки ёғи тугаб қолган чироғ<sup>26</sup>.  
Ортиқ тутиш қамрар ҳароратни чунон,  
Иссиқ кетиб, соғур баданлар кўп ёмон.

Ҳаракат кўп оғир бўлса руҳ бўшашур,  
Совур жасад, дармон кетиб, дардинг ошур.  
Роҳат ичра яшар кимки юрса салқин,  
Бурқсираб ўчган мисоли чўғ ўтин.  
Қалин бўлса баданда гар кийим-кечак,  
Бор оловни ўчиради бўғиб бешак.  
Бадан совур бўлса агарда у ковак,  
Бор ҳарорат тарқалади, мисли ғовак<sup>27</sup>.

## ЮРАК ИШЛАРИ, ҲАҚИДА

Бир хил уриш, мароми бир бўлса юрак,  
Соҳиб юрак соғломлигидандир дарак.  
Томир уриш маромидан чиқса агар,  
Дарду алам борлигидан бергай хабар.  
Томир уриш аслига гар бўлса хилоф,  
Дарду алам кўплигига қил эътироф.  
Томир уриш ҳаракати турли-туман,  
Ҳар бирининг ўзига хос бордир замон.  
Юрак тез-тез ва асабий урса агар  
Етган бўлур унга ҳароратда асар.  
Беҳол-беҳол бўлиб сийрак зарб ургани —  
Совуқлиги ортиб, мадорсиз тургани...

## ТЕРЛАШ ҲАҚИДА

Эсингда тут, ушбу эрур дард белгиси —  
Рутубатли касалда кўп тер бўлгуси.  
Гоҳо-гоҳо тер чиқса-чи, бундай эмас,  
Бу тер киши табиати кучи, холос.  
Оқарган тер чиқса агар тандан қат-қат,  
Бадандаги балғамга бу чин далолат.  
Сариқ чиқса билгил, дардинг сафроси бор,  
Мабодо тер қора, демак, савдоси бор.  
Қизил бўлиб кўринса тер касал қондан,  
Шунга ўхшаш далолатлар келур таъмдан.

Суяқ тер хилт ичра бўлмиш латофатдан,  
Қуюқ тер эрса ул ғализ — касофатдан.  
Терласа гар буткул аъзо тан учун соз,  
Елгиз аъзо терласа, бу ёмон мараз.  
Вақтида тер чиқса, касал огоҳ бўлур,  
Шу тер билан шифо унга ҳамроҳ бўлур.  
Бу тер яхши, мақтовларга сазовордир,  
Акси ўлса, бежайр ўлур, дилозордир...

### САФРО ВА САВДО ҲАҚИДА

Сафро агар келса ғолиб бадан ичра,  
Кўзинг кўрар саргайишни тери узра.  
Оғзи аччиқ бўлур какра ютган каби,  
Бемор бўлур иштаҳасиз ва асабий.  
Ошқозони ачишади, қусар сафро,  
Шу боисдан ич кетиши бўлур пайдо.  
Уйқу қочиб, кўз киртайиб, ҳоли ёмон,  
Оғзи қақраб, тили қурғаб, ранги сомон,  
Шунда ғоят сариқ бўлур сийдик туси,  
Терилари кўпчиб кетиб, оғгай эси,  
Емак емас, лек ташнадур, ғамгин, ўсол,  
Уйқуда ҳам ўртанади ёнган мисол.  
Томир уриш ҳам суст бўлиб, қизир бадан  
Иссиқ сувда агар чўмилсанг кўп замон.  
Ёзда эса лаззатли зўр, ширин емак —  
Сафрога зўр келишини билмоқ керак.  
Балғам агар ғолиб келса хилтлар узра,  
Бош оғригай, уйқу келур, тинмас сира.  
Танбал бўлур юрмакка ҳам, фикри саёз,  
Телбалардек қадам босар, довдир мижоз.  
Сўлак оқиб, юзи салқиб тортар хунук,  
Рангда оқишлик юз берар кайфи сўник.  
Томир уриш ҳам беқарор ва суст бўлур,  
Пешоб қуюқ, аллақандай бир тус бўлур.  
Булар чанқамайди, гарчи куяр юрак,  
Балғам шўри ва сассиги — дарддан дарак.  
Совуқ мижоз устига ҳўл ғизо есанг,  
Қариликка, қиш-қировга бефарқ эсанг,

Риёзат чекмасанг, яна кўрмай ҳаммом,  
Билиб-билмай таом узра есанг таом  
Гар мамлакат сернам, яна серсув эрур,  
Бундайлар тушида денгиз, дарё кўрур.  
Босинқираш бузар доим уйқусини,  
Қуввайи ҳазм тузатолмас Қайлусини<sup>28</sup>.  
Булар бари ихтилофи саломатдир,  
Касалликдан сўзлагувчи аломатдир.  
Сен бундайин белгиларга қил наззора,  
Аларнинг дафъига шошгил, айла чора.

### КАСАЛЛИКНИ БИЛДИРУВЧИ БЕЛГИЛАР ҲАҚИДА

Ўлим хавфи баъзи дарддан бергай нишон,  
Баъзи белги соғайишдан сўзлар ҳамон.  
Таърифлаймиз белгиларни сифати-ла,  
Бу далиллар билишга бир муқаддима.  
Касал одам ҳалокини англасаким,  
Узни шунда даволашдан тияр ҳаким.  
Бўлса касал соғайиши унга равшан,  
Очиқ сўйлаб, касал дилин этар гулшан.  
Белгиларнинг аввали шу: фурсатлардир,  
Фурсат ичра турли-турли офатлардир.  
Билмак керак дард кечарми оғир, енгил,  
Қисқа, узоқ муддат ичра — узил-кесил.  
Дард касоди нечук пайдо — шунга қараб,  
Табиб муддат белгилайди аҳвол сўраб.

### КАСАЛЛИК ДАВРИНИ БИЛИШ ҲАҚИДА

Ҳар касаллик даври бўлур турли-туман,  
Ҳалок, ҳаёт юз беради, шундай замон.  
Дард бошланиш, авжга чиқиш, тугаш пайти —

Келур ўлиш ё соғайиш, хатар қайтиб.  
Тўртиламчи, дард пасайиш вақти дерлар,  
Улим бўлмас даво янглиш бўлмаса гар.  
Дард бошида аъзоларга етгай зарар,  
Заифлиги бошқа ишлардан юз берар.  
Ахлат, тупук, сийдикдаги чўкма тамом  
То етилув кўрингунча этгай давом.  
Улар таъсирида бўлгай иситма ҳам,  
Навбат ила келур, дардга бўлиб ҳамдам.  
Бу ҳолдан сўнг тугаш даври бошланур, бил,  
Етилишинг тўла кўрсанг гар муттасил.  
Бунда дарднинг тутиш даври кўп бўлмагай,  
Юз бериши кам-кам бўлур ва пайдар-пай.  
Дард камайиш томон юрар ушбу замон,  
Соғайиш юз бериб, тугар касод-буҳрон.  
Гар кўринса касалларда бу аломат,  
Дилин шод эт, қолгусидир у саломат.  
Зеро, бундоқ бир паллада ўлим бўлмас,  
Даво янглиш бўлмас экан, касал ўлмас.  
Ё бир офат юз берсаю келса вабо,  
Улум бўлур, тишдан<sup>29</sup> агар елса ҳаво.  
Касалликнинг чегарасин билсанг қайда,  
Енгил ғизо берсанг, ундан келур фойда.  
Дард ариса ғизони сен ўртача қил,  
Бахту иқбол келишини муқаррар бил.  
Охирги давр касалликда кечса, албат,  
Енгил ғизо бермоқни ҳам таққа тўхтат.

## КАСАЛЛИКНИНГ УЗУН-ҚИСҚАЛИГИ ҲАҚИДА

Ҳар бир касал маълум муддат талаб қилар,  
Бир хиллари қисқа, аммо ўткир бўлар,  
Балки касал вафот этар, топмай нажот.  
Ё соғаяр дарди бўлиб хору касод,  
Етилмоқ ҳам, дард вақти ҳам шитоб бўлур,  
Оғир бўлур, бемор ҳоли хароб бўлур.  
Бундай дарднинг бошланиши бўлур қисқа,

Уни билиб, чорасига тадбир айла.  
Ғизони мўл қабул қилса агар бетоб  
Ҳазми оғир келиб, бўлур қуввати соб.  
Бўлсин ғизо миқдориди мезон тиниқ,  
Сафар аҳли овқатидек қатъий аниқ.  
Аломатлар аммо оғир келса агар,  
Ва уларда зоҳир бўлса хавфу хатар,  
Қувват кетиб, мадор агар битса ёмон,  
Ақл-ҳушда кўринса гар, турфа нуқсон,  
Кўтармаса дардни касалнинг қуввати,  
Демак, унинг яқин эрур ҳалокати.  
Белгиларнинг ёмонлиги, савдойилик,  
Бу аҳволни аён айлар бўлса билик.  
Бир хил дард бор, давом этар узоқ замон,  
Унга унча йўлиқмагай лекин инсон.  
Қуритади тинкангни кўп, айлайди сил,  
Қони кетиб, озиб ўлар, мисоли қил,  
Бундай касал кўп вақт ўтиб топгай шифо,  
Дард етилиб ҳам тарқалиб, бўлгай адо.  
Англа ани енгил содир бўлишидан,  
Бундай дарднинг табъи совуқ келишидан.  
Ундайларнинг озайторма таомини,  
Йўқотади қувватини, оромини,  
Бу икки хил бетоблик ичра бегумон  
Узун-қисқа эмас, дард бор — ўрта-миён.  
Бу хил дардманд кишиларга бергил ғизо —  
Ўртача бер, муътадили бўлгай раво.

### БУҲРОН ҲАҚИДА

Танда шитоб ўзгаришлар бўлса аён,  
Бундоқ дардга дейилади: дарди буҳрон.  
Бу ўзгариш — машаққату палласидир,  
Дард ила нафс курашида бўлур зоҳир.  
Оз вақт ичра бунда одам топар вафот,  
Ё хавф кетиб, ўлим ариб қайтар ҳаёт,  
Бўлгай кураш ва олишув чин можаро,  
Одамдаги қувват билан иллат аро.  
Ғолиб келиб қувват, агар кетса буҳрон,  
Шунда одам сиҳдат топиб, қолгай омон.  
Ё дард ундин ғолиб келса топар вафот,  
Шунда ҳаёт майдонини олур мамот.

БУҲРОН — КАСОДНИНГ ХИЛМА-ХИЛ  
ТУРЛАРИ БАЁНИДА

Олти хилдир дардда бўлган ўзгаришлар,  
Шу хилдадир енгилланиш, дард аришлар.  
Оз вақт ичра киши жисми фориғ ўлур,  
Соғайишга, дурустликка юз ўгирур.  
Аввал бошдан кўринади касал шодон,  
Бу хайрли аломатдир, яхши буҳрон.  
Гар аксига ўзгарса ҳол тезу жадал,  
Ҳалокатга олиб борур охир ажал.  
Бу аснода табиб бўлур кўп ҳангу манг,  
Ҳалокатли буҳрон уни айлайди танг.  
Учинчи хил ўзгариш ҳам кўп сушт бўлур,  
Оқибатда касал ҳоли дуруст бўлур.  
Бундан берироқда дардда бўлмас буҳрон,  
Бемор оз-оз сиҳҳат топиб, қолгай омон.  
Тўртинчи бир ўзгариш ҳам бўлмас шитоб,  
Дарди ошиб, ора йўлда қолур бетоб.  
Бундай пайтда қуриб борса силла — ёмон.  
Дард зўраяр, кетган сайин қувват, дармон.  
Бешинчиси — ўртачадир ўзгариши,  
Ўлим сари етаклашдир унинг иши,  
Лекин бордир яна битта ажиб буҳрон,  
Вақти билан етаклар у ҳаёт томон.  
Бу иккала буҳрон шундоқ мураккабдир,  
Қачон кўрсанг бир-бирига зидлик қилур<sup>30</sup>.  
Дуруст буҳрон пайдо бўлур дард сўнггида,  
Бемор танда қувват устун бўлур унда.  
Буҳрон билан билмоқ лозим уч нарсани,  
Бу маънони англамоқлик бурчинг санинг.  
Тугаса бир дард-аламнинг гар буҳрони,  
Нима билан тугаши ҳам маълум ани.  
Ҳар бир буҳрон келишини айтадиган —  
Кучли белги бўлур, уни этдик баён.  
Афт-ангори телбасимон, телбамисол,  
Ҳоли ёмон, қулоғида оғриқ, ўсал.  
Кўз ёш оқар ҳеч тинмайин, келгай малол.  
Безовтадир, уйқуси кам, сармаст, хиёл.  
Дарди ошиб, кўзларидан уйқу ўчар,



Гоҳ бўйнига, гоҳ кўксига оғриқ кўчар.  
Гоҳ-гоҳида чўчиб тушар, кўз уйқуда,  
Тез уйғонур қолган каби тўлқин-сувда.  
Тишларини қайрайди у ғажир-ғужир,  
Дарди қўзиб, ҳа деганда бурун қичир.  
Баъзан қолар тамшанганча, лабни сўриб,  
Лаб таноби қочар гоҳо, гоҳ гезариб.  
Тез-тез нафас одат бўлур бу дард учун,  
Нафаслар ҳам совуқ, аммо чуқур-узун.  
Томир тез-тез уриб, гоҳо қизир бадан,  
Йўтал тутар келиб худди ғарғарадан.  
Доим юрак ўйноқ, гарчи оғир ётар,  
Сапчиб туриб, ўз-ўзича юриб кетар,  
Оғрир қизилўнгач, оғрир томоқ давом,  
Кўнгли айниб, маъюс, ғамгин боқар мудом.  
Гоҳ-гоҳ қовурға ёнида санчиқ бўлур,  
Оғриқ, алам ўткирланиб аччиқ бўлур.  
Қорин оғриб буйракка ҳам келади зўр,  
Бетоб учун бу хил оғриқ оғир келур.  
Зўрайса гар олатда оғриқ ул замон,  
Зирқирайди орқа тешиқ ё бачадон.  
Барча бўғинларга алам, оғриқ елур,  
Баъзиси типдан, баъзиси ичдан келур.  
Яхши буҳрон кези оғриқ, аламлар зўр  
Бўлса, билгил, бу яхшидур, дард тузалур.

### ЎЛИМДАН ДАРАҚ БЕРУВЧИ БЕЛГИЛАР ҲАҚИДА

Нурин ёқтиришмас, сўниқ қарашлари  
Юзни шартта бурар, оқар кўз ёшлари.  
Кўзнинг қири тораёди, тортиб кичик  
Эснов йўғу дарча мисол оғиз очиқ.  
Бўшашади икки қўлу икки оёқ,  
Чалқанчаси ухлаб қолар чарчаган чоғ.  
Бундай касал тўшагида ёта олмас,  
Уйқусираб оёқ-қўлни ёпа олмас.  
Илашгандек гавдасига гўё ип-тук,  
Гумонсирар, қилиқ қилар қизиқ-қизиқ.  
Дард сўнггида оғирлашур қўлу оёқ,  
Бир парсага тикилади жуда узоқ.

Икки қўли интилади ёстиқ сари,  
Тишларини гичирлатар ҳаддан нари,  
Кўзга нуқул кўринади бир қора қул,  
Уни бўғиб ўлдирмоқчи бўлар буткул.  
Дарди оғир келаверса, бундоқ касал,  
Чўкаверар, яқин бўлиб қолгай ажал.  
Аввалга жим ётиб, сўнгра бўлса гапдон,  
Вазмин ётган касал бўлса бесарамжон.  
Кўз-қулоқдан нолиса кўп, сўнг алқисса,  
Оғриғидан қувват кетиб гап демаса,  
Дардни тортиб, азобини чекиб буткул,  
Туш кўрганда устига қор ёгса нуқул.  
Ҳаяжонли, совуқ нафас олса бурун,  
Бу аломат — ҳалокатдан нишондир чин.  
Ухлай олмай, мижжа қоқмай чиқса туни,  
Ва уйқудан кўз очмаса кундуз куни,  
Оромини бериб, бўлса ҳоли ёмон,  
Аламига сабаб бўлса уйқу ҳамон,  
Ўлик юзига ўхшаса касал бети,  
Суягига чип ёпишса чакак эти,  
Дард совуғи таъсиридан қулоқ шалпанг,  
Киртайган кўз ичга тушиб боқса аранг.  
Қизаришлар, қорайишлар ҳаддан ошиб,  
Кўзлар туртиб чиқиб, лекин хиралашиб,  
Ҳаракати камаяди, бақраяди,  
Ҳар тарафга совуқ боқиб, ағраяди.  
Найзаланиб қийшаяди бурун учи,  
Тортишади асабланиб лаблар чети.  
Қўл-оёғи совуб борар мурда мисол,  
Тилда яра ва доғ-дуғлар тошар яққол.  
Содир бўлса безовталиқ ҳам изтироб  
Ёндирувчи иситмалар айлаб хароб.  
Тирноқ туси қизил-яшил тортиб, чиндан  
Танда яра тошса, қора доғлар билан.  
Еттинчи кун аввал сариқ касал келур,  
Қовурғалар узра ўша зоҳир бўлур.  
Кўринса гар соғ вақтидек юзу кўзи,  
Тузалиши аён бўлгай, аниқ ўзи.  
Еттинчи кун сариқ касал кўринса гар,  
Зеҳни соғлом бўлса, унга тушмас хатар.  
Сезгида ҳам, ҳаракатда қувват бўлса,  
Жисму жони энгилланиб нафас олса,

Ором, уйқу истар кўпроқ бундай киши,  
 Ухлаб, ором олсин, хўбдир бундоқ иши.  
 Уйқу дардин аритади, сен яхшў бил,  
 Алаҳлаш ҳам дард-аламни айлар енгил.  
 Мия дарди ҳамда унга шерик аъзо —  
 Барисининг касалига шудир даво.  
 Алаҳлашдан тинса бир кун соғ-саломат,  
 Бундай касал шифо топиб кетар албат,  
 Чучкиришлар бўлса агар бундай кези,  
 Бу тузалиш белгисининг худди ўзи.  
 Бошу мия касалида қулоқ, бурун —  
 Аъзолардан қон оқаркан шифо бутун.  
 Нафас олиш бўлса агар чин муътадил,  
 Энг яхши бир жараёнدير, хайрли бил.  
 Соғайишда томир уриш шитоб бўлмас,  
 Нафаси ҳам серҳарорат бўлмайди, бас.  
 Ҳазми дуруст, иштаҳа хўб, аҳвол ҳамон,  
 Ахлат қуюқ-суюқлиги — ўрта миён.  
 Ахлат туси ўртачадир, яъни саргил,  
 Ёки қора бўлмас, ёки яшил-заҳил.  
 Ёки буҳрон куни ахлат гар омухта —  
 Гижжа бирла чиқса, касал иши пухта.  
 Ўша ахлат туфайли у бўлмиш бетоб,  
 Бу ишдан сўнг дарду алам битди ҳисоб.  
 Карлик кетур агар шунда чиқса сафро,  
 Будир мия оғриғига тайин шифо.  
 Қора талоқ ва ланжликни даф этадир,  
 Бавосирдан қон келиши — хайрлидир.  
 «Сариқ сув» да<sup>31</sup> сув кўп келиши нораво,  
 Балғам унга аралашиб чиқса — шифо.  
 Бордию кўз оғриқ узра чиқса сафро;  
 Тез орада тузалишга будир гувоҳ.  
 Сийдигини утруж-лимон рангда кўрсанг,  
 Ундаги оқ қуйқумин чўкканда кўрсанг,  
 Касал кўрсанг, тер чиқаркан гар муътадил,  
 Бу қон иситмаси, буни дуруст деб бил.

АМАЛИЙ ҚИСМ ВА УНИНГ  
БУЛИНИШИ

Сен эшитган бу сўзларга азм айладим.  
Тиб ҳақида илмий<sup>32</sup> китоб назм айладим.  
Хоҳиш бўлган амалийни ёза бошлай,  
Уша қисмларни шеърга тиза бошлай.  
Бу китобнинг бош қисмида айтган эдим,  
Зарур бўлган барча гапни битган эдим.  
Икки хилдур амалий тиб қисми — йўли,  
Унинг барин бажо этур табиб қўли.  
Бошқа бири бажарилур даво билан,  
Ҳолга кўра тайинланган ғизо билан.  
Неки ўша тадбир ила чора этмиш,  
Қабул айлаб, амал этмоқ лозим эмиш —  
Биринчиси — соғлиқ сақлаш дейилади,  
Иккинчиси — касалликнинг тузалиши,  
Мана шулар табибларнинг гоя, иши.

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ — ГИГИЕНА  
ҲАҚИДА

Сенга айтсам сўзимизнинг рости чини:  
Соғлом одам доим сақлар сиҳатини.  
Одам бўлур тан узра бир белги билан,  
Андан аён касалланиш хавфида тан.  
Ё бўлмаса эту суяк ёки тери  
Узра сезарсан бир мараз нари-бери.  
Чун бир кишини кўрасан меъда заиф,  
Табъи совуқ ҳам нозигу шундан майиб.  
Баъзан она қорнидан ҳам офат келур,  
Бирор ортиқ ё шиш каби кулфат келур.  
Баъзан бўлур ёшга қараб нуқсони ҳам,  
Бир вақт бўлиб, бўлмайди бир замони ҳам.

Чун ҳўл миждоз ёшлик чоғи бўлган заиф,  
 Улғайганда бақувватдир, ҳушдир, зариф.  
 Заифлашур қуруқ миждоз куз фаслида,  
 Фасли баҳор заиф эмасдир аслида.  
 Соғлиқ сақлаш ишида бу амалий тиб —  
 Икки амалдан топмишдир шундоқ таркиб.  
 Гар истасанг миждознинг чин қолмоғини  
 Ўз ҳолида, мос эт ғизоси чоғини.  
 Гар истасанг ўзгартирмоқ таъби бадан,  
 Чора ахтар миждозингга тескаридан<sup>33</sup>.  
 Соғ кишининг соғ-саломат, вақтини чоғ  
 Айламоқни истасанг гар, англа мутлоқ,  
 Маскан ўлсин сенга доим шундоқ диёр,  
 Бир диёрки, ҳаволари соғ, берубор.  
 Маскан десанг юзинг бургил саҳро томон,  
 Шарқий шамол англа латифдир бегумон.  
 Ёз чоғида тоғ томонда, яъни шимол  
 Тевараги очиқ шундоқ ўлкада қол.  
 Тунда ўтир баланд жойда, ғир-ғир сабо,  
 Кундузи туш пастлик томон, хўбдир ҳаво.  
 Жун, пахталик усти-бошдан юзинг ўгир,  
 Кийим бўлсин енгил, чун пояйи зиғир.  
 Хушбўй ғиёҳ ишлат совуқ миждозини,  
 Ҳидли мойдан танла қизил гул мойини.  
 Кўзларингни эҳтиёт қил чанг-ғубордан,  
 Ҳам тутундан асра, ҳамда буг-биҳордан.  
 Самум, Қуёш шуъласи ва чўғ-аланга,  
 Қарши келса, зиён бўлур кўзгинангга.  
 Чаплашилган ажи-бужи хатга сира,  
 Боқа кўрма, майда хатдан кўзинг асра.

## ЕЙИЛАДИГАН НАРСАЛАР ТАДБИРИ ҲАҚИДА

Овқат емоқни одат эт сен бир маҳал,  
 Бўлмай десанг, лайлу наҳорда ҳеч касал,  
 Энг кўп емак икки бордир сенга мезон,  
 Икки кунда уч бор емак ўртамиён.  
 Ҳазм истасанг, шошмай егил, е майдалаб,  
 Муддатни чўз, чайнаб егил кўп маргалаб.

Оғир ўлса чайнамоқлик гар тиш билан,  
 Андин оғир ҳазми анинг ютиш била.  
 Кўнгил тусар ҳар нарсага жазм айласанг,  
 Лекин ани ҳазми оғир деб ўйласанг,  
 Зидди била иш тут, бўлсин акси мизож,  
 Шояд ўша бадҳазм ғизо топгай ривож.  
 Олдин суюқ, сўнгра қуюқ ишлат ҳар он,  
 Таъми чучук бўлса анга қўшгин нордон.  
 Қуруқликни ҳўлликка қўш, хуш қил, тузат,  
 Совуқликни иссиқликка чатиб, безат.  
 Совуғини қўшгил агар иссиқ мизож,  
 Ҳўл мижозга аксин қўшсанг бўлгай илож.  
 Агар таом бадҳазм ўлиб, ҳол бўлса танг,  
 Туз, мурч, қалампир сеп анга; хушхўр қилур,  
 Юмшоқ бўлиб таом, таъбинг масрур қилур.

### ТАОМ ЕЙИШ ВАҚТЛАРИ

Овқат егил доим риёзатдан кейин,  
 Сендан чиқиб кетган нажосатдан кейин.  
 Емакка вақтни бемалол чоғлаш керак,  
 Салқин шамол, тоза жойга боғлаш керак.  
 Бу иш учун совуқ кезни мўлжалга ол,  
 Доим шундай тадбир ила иш қила қол.

### ЕЗДА ОВҚАТЛАНИШ ВАҚТИ

Ез ҳавоси оз эмоқни кўрур лозим,  
 Танда ғизо бўлса, қайда енгил ҳазм?  
 Ғализ этдан ўзингни тий, ўгир юзинг,  
 Гиёҳ, кўкат, сутлар бўлсин ошу тузинг.  
 Янги балиқ билан етилган қўзичоқ,  
 Майли, таом ўлсин гоҳи, эркак улоқ.  
 Товуқ, жўжа, каклик эти ҳам қирғовул  
 Таом бўлсин, шуни доим қил тановул.

### ИЧИМЛИКЛАР ҲАҚИДА

Бўлмай десанг гар хомсемиз, кўпроқ ҳаёт,  
 Сен учга бўл қорин ичинг, келур нажот.  
 Учдан бир жой нафас учун зарур ҳар он,

Учдан бири овқат, боқий сувга макон,  
Ташналикка оз совуқ сув бўлгай даво,  
Турган, илиқ сув кўп ичмак бўлмас шифо.  
Ичимликка музни кўп ишлатган ёмон,  
Чунки андин асабларинг топгай зиён.  
Ичирмагил музли сувни чўлласа ҳам,  
Бўлмаса гар семиз, серқон, миқти одам.  
Дастурхонда тўкин бўлса ҳам қанчалик,  
Ичаверма, ҳирс қўйиб то бўкканчалик.  
Сув ичмагил эсинг бўлса баъдаз таом,  
Ташна бўлиб чиққач, ҳатто тушиб ҳаммом.  
Риёзатдан сўнг сув ичмак ўзи кулфат,  
Жимодан сўнг эса мисли бало-офат.  
Зарурат гар талаб этса, куйса андак,  
Шундагина тановул эт сувни андак.  
Қачон таом йўл олади ҳазм томон,  
Аста-секин паст қоринга тушгай ҳамон,  
Майли шунда ичкинг келса сув ва шароб,  
Қонгунча ич, тўйгунча ич, бўлса сероб.  
Шароб ичиб, ташна бўлиб ёнсанг агар,  
Сув кўп ичиб, чанқоқ кетиб, қонсанг агар,  
Оғзинг қуруқшаб чанқоғинг чандон эрур,  
Билгил ўшандай ташналик ёлғон эрур.

### МАЙ<sup>34</sup> ВА ШУНГА ЎХШАШ ИЧКИЛИКЛАР ҲАҚИДА

Кўп май ичиб жонингга кўп қасд қилмагил,  
Озроқ мусаллас бирла кўп қаноат қил.  
Одат қилиб ҳар кун ичиш — бир бедаво,  
Гар оч қорин эса, ичмак бўлмас раво.  
Еган бўлсанг енгил, латиф хуш бир таом,  
Ёки аччиқ, ўткир бўлса, ичма таом.  
Доим ичиб, маст юришдан бўлгил йироқ,  
Ичмакка кўп қасд айласанг, ойда бир боқ.  
Манфаат бор май ичилса аҳён-аҳён,  
Гар кўпайса анда зиён турли-туман.  
Ким боши оғрирки, майдан қизир бадан,  
Доим хумор тутиб турса кечу эртан,  
Анга райҳоний<sup>35</sup> ичирким, майли андак,  
Сўйгра анга нордон анор бўлсин газак.  
Беҳи, бодринг есин, ишни кўп пухта қил,

Берганингта анга май сув омукта қил.  
Майни ичиб нолиса ким боду елдан,  
Анга ичир майнинг ўзин, тоза хилдан.  
Бундайларга кучли сариқ май фойдалик,  
Шўртаъм газак ҳар чоқ анга бўлгай тузик.  
Опоқ тиниқ майлар дуруст ёз фаслида,  
Хушдир ютум бўлгай латифроқ аслида.  
Омукта қил сувни анга, нордонни тот,  
Есанг бўлур кўнгил агар тортса овқат.



## ФАЛСАФИЙ ҚИССАЛАР

---



Уз шаҳримда турган вақтимда унинг атрофидаги сайилгоҳ жойларнинг бирисига ўртоқларим билан саёҳат қилишга муваффақ бўлдим. Биз ўша ерни айланиб юрган вақтимизда кўзимизга бир нуроний, ёши ҳам анчага бориб қартайиб қолган, лекин ўзи ҳали барваста, тетик суяклари ҳам сусаймаган, ҳеч бир аъзоси бўшашмаган ва хуллас, соч оқаришдан бошқа ҳеч қандай қариллик нишонаси бўлмаган бир чол кўринди. Шунда менинг у билан гаплашишга ҳавасим келиб, ўзимдан-ўзим унинг пинжигга киргим ва у билан яқин бўлгим келиб қолди.



Ўз шаҳримда турган вақтимда<sup>36</sup> унинг атрофидаги сайилгоҳ жойларнинг бирисига ўртоқларим билан саёҳат қилишга<sup>37</sup> муваффақ бўлдим. Биз ўша ерни айланиб юрган вақтимизда<sup>38</sup> кўзимизга бир нуроний, ёши ҳам анчага бориб қартайиб қолган, лекин ўзи ҳали барваста, тетик, суяклари ҳам сусаймаган, ҳеч бир аъзоси бўшашмаган ва хуллас, соч оқаришдан бошқа ҳеч қандай қарилик нишонаси бўлмаган бир чол<sup>39</sup> кўринди. Шунда менинг у билан гаплашишга ҳавасим келиб, ўзимдан-ўзим унинг пинжига киргим ва у билан яқин бўлгим келиб қолди<sup>40</sup>. Кейин ўртоқларим билан унга қараб равона бўлдим<sup>41</sup>. Унга яқинлашган чоғимизда, у биздан аввал салом берди ва жуда дилга ёқар, маъқул гаплардан гапира бошлади<sup>42</sup>. Гапга киришиб кетибмиз, ҳатто гап айланиб, унинг ҳол-аҳволи, ёши, ҳунари, ҳаттоки унинг исми, насаби, шаҳрини билишгача ҳам бориб етди.

Кейин у жавоб бериб айтди:

— Исмин Тирик, насабимга келсак, Уйғоқ ўғлиман. Шаҳрим Байт ул-муқаддасдир<sup>43</sup>. Ҳунарим жаҳон теварагини саёҳат қилиш ва ҳатто оламнинг ҳамма томонларидан хабардор бўлиб юришдир. Шу саёҳатларимда юзимни отам томонга қаратганман. У тирикдир. Мен барча илмлар калидини ундан олганман. У менга олам чегараларига олиб борадиган йўлларни кўрсатган, саёҳат қилиш билан ҳатто ҳамма иқлим уфқлари менга кўриниб қолди<sup>44</sup>.

Анча маҳалгача у билан ҳар хил илм соҳаларида масалалар айтишардик ва уларнинг ҳақиқатини тунтириб беришни сўрардик, ниҳоят фаросат илмига<sup>45</sup>

етдик. Мен унинг бу илмда шунчалик тўғри фикр юритаётганини кўриб, жуда ҳам ҳайратда қолдим. Негаки, у биз келиб тўхтаган фаросат илмидан гап бошлаб, мана шундай деди:

— Фаросат илми фойдаси нақд бўлган илмлардандир. Сен бу илмни биллиб олсанг, у сенга кишиларнинг ўзлари яшириб юрган феълу атворларини билдиради. Мана шу фаросатнинг билдириши натижасида ўз билгинг билан унга бойланиб қоларсан, ё ундан юз ўгирарсан. Фаросат илми сенинг ўзингни аслигда бор бўлган инстинктив яратилмаларнинг, ўзгартирилмаган табиатларингни кўз ўнгингга келтириб қўяди. Агар сенга фаросатнинг тузатувчи қўли тегса, сен жуда ўткир бўлиб кетасан. Агар сени бир алдоқчи йўлдан оздириб, тузоғига тушира олса, алданасан.

Теварагингдаги сени ташлаб кетмайдиган бу кишилар сенинг ёмон ошналарингдирлар<sup>46</sup>. Сен улардан осонликча саломат қутулмайсан, улар сенга фитна қиладилар. Сени улар фитнасидан фақат тўла бир покликкина сақлаб қола олиши мумкин, холос.

Аmmo мана шу сенинг олдингда турган оғайнинг эса, сени ҳайратга солувчи, эзмадир<sup>47</sup>. У ёлгонни тўқиб чиқарадиган ва қалбаки ишларга уста бир уйдирмачидир. У йўл озиги берилмаган кишиларнинг сенга келтирган хабарига ўхшаган хабарларни келтиради<sup>48</sup>. У хабарларнинг ҳақиқатини уйдирма билан булғайди, ростни ёлгонга қориштиради. Тағин у сенинг жосусинг ва айғоқчингми? Сенга маълум бўлмаган ва сендан узоқ бўлган нарсаларнинг хабарларини сенга у шу йўл билан келтиради. Сен бунинг ростини ёлгондан ажратиш билан, сохтадан чинни фарқ қилиш билан, хато нардалар ортидан тўғриларини сайлаб олиш билан синаласан. Сенга бундай қилишдан бошқа чора йўқ. Гоҳо бахт қўлингни тутиб, адашув муҳитидан қутқаради, гоҳо унинг берган хабари сени ҳайратда қолдиради, гоҳо ёлгон сени алдайди<sup>49</sup>.

Мана бу ўнгингдаги ошнанг эса, сени йўлдан уришга жуда ҳам чоғлангандир. Агар у безовта бўлиб қўзғалиб қолса, уни насиҳат қилиш билан тўхтатиб ва юмшоқлик билан босиб бўлмайди. У худди қуруқ ўтинга тушган ўтдай ё босиб келаётган селдай, ё маст

туядай ва ё қасд оладиган шердай, унинг жиловини тутиб бўлмайди<sup>50</sup>.

Мана бу сўлингдаги ошнанг<sup>51</sup> эса, ўлгудай ифлос, очопат, вужуди билан шаҳватга берилган кишидир. Унинг қорнини тупроқдан бўлак ҳеч нарса тўлдиролмайди, очлигини гард, чангдан бўлак ҳеч нарса йўқота олмайди. У ўлгудай ялоқи, хўранда, ютоққан, мечкай ва ямлоқдир. У роса очиқтириб, кейин ахлатга қўйиб юборилган тўнғизга ўхшайди.

Эй, мискин! Бу ошналарингга сен шундай боғланиб қолгансанки, улар ва уларга ўхшаганларнинг оёғи ҳеч ҳам тегмаган мамлакатга чиқиб кетиб, улардан қутулмасанг, бошқа ҳеч нарса сени қутқаролмайди. Лекин ҳозир улардан ажралишнинг вақти ҳам эмас<sup>52</sup>, қочиб қутулишинг ҳам қийин. Энди қўлингни улардан узун қилиб юр. Сенинг ҳукминг улар ҳукмидан устун келсин. Сен ўз тизгинингни улар қўлига тутқазиб қўйишдан ёки уларнинг ўзингга етакчи бўлишларидан сақлан. Қайтангга уларга яхши тадбир қўллаб, устун келишга ҳаракат қил. Шунда сен уларни тўғри йўлга бошлаган бўласан. Агар сен қаттиқ турсанг, уларни ўзингга қаратасан, улар эса сени ўзларига қарата олмайдилар. Сен уларни эгаллаб оласан, улар сени эгаллай олмайдилар. Бу ўртоқ ва оғайниларинг ҳақида сенинг учун энг яхши ҳийла ва тадбир шуки, лаганбардорлик билан муомала қиладиган бу калтафаҳмга алданишдан иборат ғазаб аралаш ошифталик ва қийин ишни учратсанг, у бадхулқ билан бу калтафаҳмнинг бошига яхшилаб уриб синдирасан, шунда унинг мартабасини жуда пасайтирган бўласан. Аммо мана бу очкўзга у то тангрига катта қасам ичиб, сени ишонтирмагуингача унга мойил эканлигингни билдирма. Агар у қасам ичиб, ишонтирса, инон, унинг сенга келтираётган хабари рост-ёлғон аралаш бўлса ҳам эшитишдан қочма. Шунда сен унинг хабарларидан аниқ ва исботлашга лойиқ бўлганини йўқотмаган бўласан.

Шундай қилиб, у чол, менга оғайниларимдан гапириб, уларни менга тавсифлаб берганида ошналарим ҳақида билган нарсаларини, рост, деб қабул қилинганга шошилдим. Ахир, мен уни имтиҳон қила бошлаганимда, сўраган кишим улар ҳақидаги хабарларнинг тўғриси менга айтиб берди-да!

Мен машаққат тортиб, улар билан шуғуллана бошладим. Гоҳ менинг қўлим улардан, гоҳ уларнинг қўли мендан баланд келарди. То ажралиш пайти келгунга қадар бу ошналарим билан яхши қўшничилик қилишим учун тангридан ёрдам тилайман.

Сўнгра бу чолдан зўр бир орзу ва иштиёқ билан саёҳатда раҳнамолик қилишини истадим.

У менга айтди:

— Сен ва сенга ўхшаш кишилар менинг саёҳатимдек саёҳат қилмоқчи бўлишса, бунга йўл беркидир. У саёҳат йўли сенга ва сенга ўхшашларга ҳам беркилган. Яккаланиш сенга бахт-саодат бағишламасмикин?! Бахт учун белгиланган вақт бор; сен у вақтдан олдин бахтга эришолмайсан. Сен баъзи вақтлар қўним аралаш саёҳат қилишга ва баъзи вақтлар улар билан биргалашиб туришга кўник. Жуда иштиёқ билан саёҳатга чиққанингда сен мен билан бирга бўласан. Шунда сен уларни ўзинг билан бирга олмай, ташлаб кетарсан. Агар сен у ошналарингга мойил бўлсанг, улар томонга борарсан; то улардан юз ўгира олишлигинг муяссар бўлгунгача мендан алоқангни узиб турарсан.

Шундай қилиб, гап ҳар бир иқлим аҳволидан, тўла билган ва эшитган хабарларидан сўрашга келиб етди. Шунда у менга айтди:

— Ер чегараси учтадир:<sup>53</sup> бири Хофиқони<sup>54</sup> деб аниқланган чегарадир. Бу чегаранинг ҳақиқати маълум. У ҳақда кетма-кет очиқ ва ажойиб хабарлар келиб туради. У улуғ нарсаларни ўз ичига олган, яна иккита ажойиб чегара бор: бири Кунботар, бошқа бири Кунчиқардир<sup>55</sup>.

Буларнинг ҳар бирида биттадан мамлакат бор. Бу иккаласи оралиғи билан инсонлар олами оралиғини ажратиб турган чегара бор. У чегарадан худо томонидан, асли яратилишда ўтиш лаёқатини касб қилган, махсус одамлардан ташқари, ҳеч ким ўтолмайди. Бу чегаралардан ўтишда турғун ҳаёт чашмаси ёнида шариллаб оқиб турган чашмада чўмилиш фойда беради. Агар саёҳатчи<sup>56</sup> ўша чашмага йўл топса, унда ювиниб, тоза бўлса ва унинг ширин сувидан ичса,<sup>57</sup> у вақтда унинг аъзоларида ажойиб бир қувват пайдо бўлиб, у билан бу саҳроларни босиб ўтишга қодир бўлади. У Баҳр ул-Муҳитда<sup>58</sup> чўкмайди. Қоф<sup>59</sup> тоғи унинг йўлини тўсол-

майди. Забония<sup>60</sup> ҳам уни жаҳаннамга улоқтириб юбора олмайди. Биз булоқни яхшилаб тушунтириб беришни сўрадик. У айтди:

— Сен буни эшитгансан: Қутб томондаги турғун қоронғуликларнинг<sup>61</sup> ҳоли сенга маълум. Қуёш ҳар йили маълум муддатгача уни ёритишга қодир бўлолмайди. У қоронғуликларга кирган ва улардан тортинмаган киши, нурга тўлган чексиз бир бўшлиққа етиб боради. Шунда, унга, энг олдин, баландликка қараб, дарё бўлиб шариллаб оқаётган чашма<sup>62</sup> кўринади. Кимки бу чашмада чўмилса, сувда чўкмай, енгил юради; тоғ чўққиларига<sup>63</sup> қийналмай чиқиб, ниҳоят инсоният олаmidан ажралган ўша икки чегаранинг бирига эришади. Мамлакатимиз Мағриб чегарасидан узоқ бўлгани учун чегара ҳақида гапириб беришини сўрадик. Шунда у айтди:

— Мағрибнинг энг узоқ жойида катта ва иссиқ бир денгиз бор, уни тангри китобида<sup>64</sup> «Айнан ҳамиатан» иссиқ чашма<sup>65</sup> деб юритилади. Қуёш унинг яқинига ботади<sup>66</sup>. Бу денгиз чеки йўқ кенг бир хароб мамлакатдан бошланади. У иқлимга турли томондан ғариблар<sup>67</sup> келиб, уни обод қилиб турадилар, холос. Унинг ерларини доимий қоронғилик қоплаб олган, у ерга борадиган кўчманчилар қуёш ботганда керак бўлади, деб ўзлари билан бирга бир озгина нур<sup>68</sup> ҳам олиб борадилар. Унинг ерлари шўр тупроқдир. Бу ерга келиб қўниб қолганлар ўзлари учун у ерни обод қилиб, ариқлар қазийдилар, бинолар қуриб, кўчатлар экадилар. Бошқа бировлар иморат соладилар, кейин у бинолар қулайди, уни яна тиклашади, яна бузадилар<sup>69</sup>.

Бу ернинг одамлари ўртасида доимо жанжал, ҳатто уришлар ҳам юз бериб туради. Қайси бир тоифа зўр келса, бошқа тоифанинг уйларини эгаллаб олади. Шу билан бирга бу зўр келганлар уй эгаларини у ердан мажбурий равишда кўчириб юборадилар. Улар ўз ерларида қолишни исташса ҳам, хўрланишлари бунга йўл қўймайди. Буларнинг одатлари шудир, бундан қайтмайдилар. Бу иқлимга ҳар хил жонлилар келади, унда ўсимликлар ўсади. Лекин бу ерга келиб қарор топган жонлилар, бу ернинг ўтлоғидан ўтлаб, баҳраманд бўлиб юрса ва сувидан ичса, суратларидан анча узоқ (яъни ўхшамаган) бир тусга кириб қолиб, ўз

суратлари эса пардаланиб қолади. Шунда у мамлакатда инсонни жонивар териси билан ёпилганини ва унинг устида қалин ўтлар битишини,<sup>70</sup> шу билан бирга, қолган ҳамма нарсаларнинг ҳоли нима кечишини кўрасан. Бу иқлим хароб бир жой бўлиб, ерлари шўроб, серфитна, сержанжал, серғалаёндир.<sup>71</sup> Агар исталса, яхшилик ва хурсандчилик узоқ жойлардан олиб келинади<sup>72</sup>.

Мана шу иқлим билан сизнинг иқлимларингиз ўртасида бошқа иқлимлар ҳам бор<sup>73</sup>. Лекин осмон чети келиб туташган жойига ёндош мана шу иқлимнинг орқасида бир қанча нарсаларда худди шу иқлимга ўхшаш яна бир иқлим бор. Уларнинг бири ғариб ва узоқ ердан келган аҳолисидан бошқа ҳеч кимса йўқ, кимсасиз, бўм-бўш жойдир. Булардан яна бири, гарчи биз юқорида айтиб ўтган нур деразасига энг яқин бўлса ҳам, нурни бегона жойдан ўғирлайдиган иқлимдир. Бундан олдинги иқлим ернинг асоси ва қароргоҳи бўлганидек, кейингиси осмонларнинг қароргоҳидир.<sup>74</sup> Лекин бу кейинги иқлимда ободонлик йўлга қўйилган. Бу иқлимга келиб тушувчилар орасида ҳеч қандай келишмовчилик йўқ. Ҳар бир халқ учун тайинланган маълум ўлка бор. Улар устига ҳеч ким ғолиб бўлиб бостириб қирмайди<sup>75</sup>. Обод қилинган жойнинг бизга энг яқин қисмида яшовчи халқ кичик жуссали, серҳаракат кишилардир. Уларнинг шаҳарлари эса саккизта бўлади.<sup>76</sup>

Унга ёндашган мамлакат ақлларининг жуссаси эса булардан ҳам кичикроқ, юриш-туришлари оғирроқ бўлади. Улар ёзув-чизув ва нужум, найрангбозликлар, тилсимлар, нозик синоатлар, юксак ишларни биладилар ва шулар билан шуғулланишга ҳаракат қиладилар. Уларнинг шаҳарлари тўққизтадир<sup>77</sup>. Бу мамлакат аҳолиси ёқимли, жуда гўзал бўлади. Улар кайф-сафони жуда ҳам яхши кўришади, ғамдан озодлар, турли наъмаларни латиф қилиб чалишади, унинг турлитуман куйларини билишади. Бир хотин уларга подшоҳлик қилади. Эҳсон ва яхшилик улар учун табиийдир. Агар ёмон нарса гапирилиб қолинса, ундан нафратланишади. Бу хотин подшоҳнинг шаҳарлари саккизтадир<sup>78</sup>.

Унга туташган мамлакатда яшовчиларнинг жусса-



лари катта, юзлари сухсурдек; улардаги хислатлардан бири шуки, уларнинг бир-бирлари билан танишишлари жуда ҳам фойдасиз, яқинлашиш азиятли<sup>79</sup> бўлади. Уларнинг шаҳарлари бештадир.

Унга ёндашган мамлакатда дунёда ёмонлик қилдиган халқлар жойлашган. Улар бўғиш, қон тўкиш, ўлдириш ва оёқ-қўл кесишни яхши кўрадилар, ўйинкулгини севадилар. Уларнинг кулфат келтирадиган қотил, урадиган, қирмиз юзли, йўлдан урувчи подшоҳи бор<sup>80</sup>.

Бу қисса ривоятчиларининг айтишича, бу ҳоким юқорида айтганимиз чиройлик подшоҳ хотинга ошиқ экан, унинг муҳаббати бунини ошифта қилиб қўйган экан<sup>81</sup>. Уларнинг шаҳарлари еттитадир.

Унга ёндашган буюк мамлакат аҳллари ифбат, адолат, ҳикмат ва тақвога берилган, яхшиликни қўлга киритиш учун ҳар томонга боришга тайёр, узоқ ва яқин барча кишиларга шафқат кўрсатишга эътиқодлидирлар. Билган ва билмаганларига яхшилик кўрсатувчилардир. Нафосат ва гўзалликда буларнинг тенги йўқ. Буларнинг ҳам шаҳарлари еттитадир<sup>82</sup>.

Унга ёндашган мамлакат аҳолиси эса, чуқур фикр юритувчи, ёмонликка берилган халқдир. Агар яхшилик қилсалар, уни жуда ҳам удалайдилар. Булар бирон-бир тоифа устига юриш қилишса, шошган киши каби эмас, балки ақлли киши сингари тadbир кўрадилар; қиладиган ишларида сабрдан бошқа нарсага асосланмайдилар<sup>83</sup>. Уларнинг шаҳарлари еттитадир.

Ундан кейин, кенг ўлкали, кўп иморатли катта бир мамлакат бор. Бу мамлакатнинг обод қилувчилари кўп. Халқлари шаҳарларда туришмайди, саҳроларда яшашади. Уларнинг тураржойлари ўн икки бўлакка бўлинган қуруқ ердир<sup>84</sup>. Уларнинг йигирма саккиз қўноқ жойи бор<sup>85</sup>. Уларнинг ҳеч қайсиси бошқаларининг қўноғига боришмайди. Лекин олд томондаги уйлардан бирор тоифа кўчса, уларнинг орқаларидан бошқа бир тоифа бориб, уларнинг жойларини дарҳол эгаллаб олади. Бундан олдинги мамлакатларнинг халқлари бу мамлакатга келиб-кетиб турадилар.

Унга яна бир мамлакат ёндашган. Бу мамлакат уфқиға то ушбу вақтгача ҳеч ким етган эмас, пайқанган ҳам эмас. Унда на шаҳарлар бор, на қишлоқлар.

Кўз билан кўриладиган зотлар бу ерда туришмайди. Бу ерни обод қилиб турувчилар руҳоний фаришта-лардир<sup>86</sup>. Ҳеч бир инсон у ерга тушмайди. Бу мамла-катдан унга ёндаш бўлган мамлакатлардагиларга фар-монлар тушиб туради. Бунинг орқасида обод жой йўқ. Оламнинг Мағриб деб аталадиган чап томонидан бу икки иқлимга ерлар ва осмонлар туташган.

Агар ундан Машриқ томонга юзлансанг, сенга бир иқлим кўринади. Бу иқлимда на инсон, на ўт, на тош бор. Фақатгина у кенг бир саҳро, суви лиқ тўла денгиз, жиловланган шамоллар, алангаланган ўтдан иборат<sup>87</sup>, холос. Буни босиб ўтсанг, юксак тоғли, оқар дарёлар, физиллаган шамоллар, ёмғирли булутлари мавжуд бир жойга дуч келасан ва у ерда олтин, ку-муш, қимматли ва арзон гавҳарларнинг хил ва турла-рига эга бўласан. Лекин унда ҳеч бир ўсимлик йўқ.

Бу ердан ўтгач, бошқа бир иқлимга бориб қола-сан. Бу иқлим юқорида айtilган жойда бўлмаган нар-салар билан лиқ тўла. Унда ер бағирлаб ўсадиган ўсимликларнинг барча тури, мевали ва мевасиз, дон-ли ва уруғли дарахтлар бор. У ерда юрадиган ва овоз чиқарадиган жондорларни кўрмайсан. Ундан ўтиб, бошқа бир иқлимга бориб қоласан, тилсиз, сузувчи, судралувчи, тўғри учувчи ва туғилувчи ҳайвонларнинг ҳамма турларини кўрасан<sup>88</sup>. Унда сенга улфат бўла-диган кимса бўлмайди. Унда кўрган ва эшитганла-рингни уқиб олиб, ҳамжинсларинг оламига қутулиб чиқасан.

Агар Машриқ томонга йўналсанг, қуёшни шай-тоннинг<sup>89</sup> икки шохи ўртасидан чиқишининг шоҳиди бўласан. Чунки шайтоннинг иккита шохи бор: бири учади, бири юради<sup>90</sup>. Машриқ томонда юрадиган халқ-лар икки қабиладан иборатдир. Бирининг хулқи йирт-қич ҳайвонсифат, бошқасининг хулқи эса тўрт оёқли уй ҳайвони<sup>91</sup> сифатдир. Булар иккови орасида доим жанжаллар бўлиб туради. Буларнинг иккаласи Маш-риқнинг сўл томонидадир<sup>92</sup>. Учадиган шайтонларнинг жойлари эса Машриқнинг ўнг томонидадир. Булар бир хил жинсдан яратилмай, балки уларнинг ҳар бири де-ярлик бир-биридан ажратилган ҳолда, нодир кўриниш-да яратилгандир. Уларнинг баъзиси икки хил, баъзи-си уч, бошқа баъзиси тўрт хил қилиб учадиган инсон

ва чўчқа бошли илон каби яратилган<sup>93</sup>. Баъзиси ярим одам ва бошқа баъзиси бир кафти инсон қўлию, бошқа ҳамма жойлари ҳайвонларнинг аъзосидан иборат<sup>94</sup>. Расомлар тасвирлайдиган суратларнинг ўша иқлимдан олиб келинганлиги ҳақиқатдан узоқ эмас. Бу иқлимда голиб келган — подшоҳ бу ерда бешта чопар<sup>95</sup> — алоқа йўли ташкил қилган. Шунингдек, у ўша мамлакат учун қуролхоналар қурган ва унга қуролли кишилар қўйган. Булар бу олам аҳлидан кимки у ерга бориб қолса, уни шартта тутиб оладилар ва ўзларига етган барча хабарларни ўша орқали исботлайдилар. Кейин асирларни мамлакат эшигини тутиб турувчи ўша бешта чопарнинг бошлигига топширадилар. Асирларда бекитиб муҳрланган ёзма хабарлар бўлади, лекин ундан мудир ҳам хабардор бўлолмайди<sup>96</sup>. Бу мудирнинг вазифаси мактубларнинг барчасини подшоҳга билдириш учун хазиначига етказишдир. Асирларга эса мана шу хазиначи<sup>97</sup> қараб туради. Уларнинг қуроллари эса, бошқа хазиначига сақлаш учун топширилади<sup>98</sup>. Сизнинг оламнингиздан асир олинган инсонлар, ҳайвонлар ва бошқалар ўз суратлари билан ўша турларнинг бири бўлиб кўпаядилар.

Бу иккала шох ўртасидан бу иқлимнингизга сафар қилувчи киши инсонларнинг нафас йўлларида кириб, ҳатто уларнинг қалбларининг қора нуқтасигача боради. Аммо бу икки юривчи шохнинг йиртқич ҳайвон суратдагиси инсонга уни қийнайдиган бир азият етишини кутиб туради. Агар азият етса, уни бўрттиради ва инсонга ваҳшийлик қилиш, ўлдириш, қулоқ-бурунни кесиб сазойи қилиш, азоб бериб қийнаш каби ёмон ишларни яхши қилиб кўрсатади. У инсон вужудида жабр қилиш, зулм ва эзиш ҳисларини уйғотади, уни шунга мойил қилиб тарбиялайди. Лекин бу икки шохдан бошқа бир шох эса инсон боласига ёмонлик, ман қилинган иш, фиқсу фужурларни яхши қилиб кўрсатади ва шунга қизиқтиради. Ҳатто унинг елкасига миниб олади. Қизиқтиришда давом этиб, ниҳоят уни ўша томонга тортади.

Аммо у учадиган шох эса, кўзи билан кўрмагани ёлғондан кўрдим, деб алдайди, яратилган нарсаларга ибодат қилишни тасвирлаб беради. Инсоннинг дилига, ўлгандан кейин қайтиб тирилиш йўқ, оқибати

ёмонлик ва яхшиликни кўриш ҳам йўқ, бу мамлакатни яратувчиси ҳам йўқ, деб инсон қалбини қоралайди, фикрини бузади<sup>99</sup>.

Бу иккала шохдан буёғини иқлимнингиз ортидаги иқлим чегарасига яқин ер фаришталари обод қилишди, фаришталарнинг йўл кўрсатиши билан у тоифа тўғри йўлни топиб, динсизларнинг йўлидан чиқадилар, пок руҳлилар ахлоқига эга бўладилар. Булар агар инсонлар билан аралашсалар, уларга ёмон хулқларни ўргатмайдилар, йўлдан оздирмайдилар, инсонларнинг пок бўлишларига ёрдам берадилар. Улар жин ва ҳинлардир<sup>100</sup>. Қимки ушбу иқлим орқасига етса, ер фаришталари турадиган бир иқлимга боради. Булар икки табақага бўлинади: бири ўнг томондагиси бўлиб, бу билувчи ва буйруқ берувчидир. Рўбарўсидаги, чап томонда турувчи табақа эса, буйруқни қабул қилувчига ишловчилардир. Бу иккала табақа гоҳ жин ва инсон иқлимларига, пастга тушадилар, гоҳ кўкка кўтариладилар. Айтишларича, «хафазайи кироми котибийн»<sup>101</sup> шулардан эмиш. Булардан ўнгда ўтириб кузатувчиси эса, буйруқ берувчилардан бўлиб, ёздиршиши шуларнинг қўлида. Чапда ўтириб кузатувчиси ишловчилардан бўлиб, ёзиши шунинг қўлида<sup>102</sup>. Бу иқлимга ўтишга йўл топа олган киши осмоннинг нариги томонидан қутулиб чиқади. Шундан кейин у энг олдинги яратилганларни кўради. Уларнинг барчаси итоат қиладиган ягона подшоҳлари бор. Чегараларнинг биринчисида улуғ подшоҳларининг хизматкорлари унга яқинлаштирадиган амалларни қилиб турадилар. Улар очкўзлик, зиқналик, шаҳвоний иш, зулм ва ҳасад қилиш ҳамда ялқовлик қилишга мойиллик қилмайдиган покиза зотлардир. Улар бу мамлакат атрофларини обод қилиш учун қўйилган вакиллардир. Улар ўша ерда ҳар нарсадан огоҳ бўлиб турадилар. Булар маданий бўлиб, шаҳарларда, баланд-баланд кўшкларда, гўзал биноларда туришади<sup>103</sup>.

Бу ернинг тупроғи иқлимнингиз тупроғига ўхшамайди. Бу мамлакат ойна, ёқут ва шунга ўхшаган нарсалардан ҳам қаттиқроқдир. Уларнинг умрлари узун ва ўлим улардан йироқлаштирилган. Улар энг узоқ умр кўрадилар. Уларнинг вазифалари подшоҳлари билан жуда яқин ва жуда яхши аралашиниш бўлиб,

улар шоҳ мажлисига доим тайёр бўлиб турадилар. Подшоҳ хизматини қилишни ўзларига хорлик деб билишмайди ва қилаётган ишларини ўзгартиришмайди. Уларнинг ўзлари шоҳга яқин туришни исташади. Шоҳ олий мажлисининг даврасида ўтирадилар ва подшоҳдан ажралмайдиган бўлиб, унинг юзига қараш билан бахтга эришадилар. Буларнинг табиатлари гўзаллик ва зеҳн ўткирлиги, донолик, ростгўйлик билан ёқимлилик ва етуклик билан зийнатланган. Уларнинг ҳар бири учун алоҳида-алоҳида жой ажратилган, даражалари ҳам тайин, тураржойлари ҳам маълум чегаралар билан белгиланиб қўйилган. Улар бу даражаларда туриб, бир-бирларининг ўринларини тортиб олмайдилар ва бошқаларнинг ишларига аралашмайдилар ҳам. Уларнинг ҳар бири бошқасидан юқори бўлиб, ўзганинг ишига аралашмайди, ўзини ундан камситишни эп кўрмэйдди.

Подшоҳнинг битта энг яқин кишиси бўлиб, у ҳам бўлса уларнинг отасидир<sup>104</sup>. У кишилар ўша отанинг фарзанди ва невараларидир. Бу ота орқали улар подшоҳнинг буйруқ ва фармонларини олиб турадилар. Уларнинг ажойиб хусусиятларидан бири шуки, уларнинг табиатлари пир бўлиб, тез кексайишмайди.

Уларнинг отаси эса, гарчи улардан каттароқ бўлса-да, улардан ҳам кучга тўла, кўриниши ҳам ёшроқдир. Уларнинг ҳаммалари саҳрода туришади. Ҳамма нарса етарли, камчиликлари йўқ. Подшоҳлари эса, улардан ҳам эҳтиёжсиздир. Кимки уни бирор ирққа тааллуқли деб билса, у адашади, кимки унга лойиқ мақтовлар билан мақтай оламан деса, бекорларни айтибди. Унинг васфини қилишга кишининг кучи етмайди. У бирор нарсага ўхшатилишдан узоқ. Чунки ўхшатиш бўлак бир нарсага қиёслаш билан бўлади. Унда бўлса, бундай аъзолар йўқ. Шу сабабдан бутун вужуди ўзининг ҳусни учун чеҳра, сахийлиги учун қўлдир. Унинг ҳусни барча гўзалликларни йўқ қилиб юборадиган даражада бўлиб, унинг карами олдида барча нафис карамлар чиппакка чиқади. Агар бу подшоҳ атрофида хизматда бўладиганларнинг бирортаси фикр қилиб, уни кўраман деса, ҳасратида кўздан маҳрум бўлади ва шу кўйича мақсадга етмай қайтади. Унинг жамоли ўз ҳуснини пардасидир, ошкоралиги

унинг яширинлигига, нур сочиши бекиклигига сабабдир. Худди қуёш озроқ ниқобланганда, очилиши кўпроқ талаб қилинганидайдир.

Қуёш нурига синчиклаб қарамоқчи бўлинганда, нури нурига парда бўлиб қолади. Бу подшоҳ ўз кишиларига кўриниб туради, уларга ўзини кўрсатишга бахиллик қилмайди. Кимки уни кўра олмас экан, буни ўз мулоҳазасининг етшмаслигидан деб билсин. У кўп яхшилик, хайр-аҳсон қиладиган, мўл нарса ато қиладиган даргоҳи кенг, барчага баравардир. Кимки унинг жамолидан бир озгина баҳраманд бўлса, уни ҳар ҳолда танийди. Бир кўз очиб юмгунча ҳам ундан кўзини ололмайди.

Агар инсонлар у томонга ҳижрат қилиб турсалар, унинг фазилатларидан ўзларига кераклигини олишгади ва бу иқлимнингиз матоини бир пул қилишади. Мабодо, унинг ҳузуридан қайтишса, ўзларининг хоҳишига қараб эмас, балки мажбуран қайтишади.

Ниҳоят Уйғоқ ўғли Тирик қўшиб қўйди:

— Агар, сени уйғотиш мақсадида қилган бу ҳикоям мени унга яқинлаштирмаганда эди, мен бу ҳикоя билан машғул бўлмасдим ва сенга бу сўзларни гапириб ўтирмасдим. Ўстасанг менга эргаш, сени унга олиб бораин.

## ҚУШ ҲИКОЯТИ

---

Менинг қайғуларимдан бир озини эшитишга лойиқ даражада қулоқ тутадиган биродарларимдан бирортаси бормикин?! Агар менга ўртоғлиқ қилиб, у шундай қилганида менинг баъзи оғирликларимни кўтаришга шерик бўларди. Шунда ҳақиқатан ҳам чин дўст шод ва ғамгин пайтларингда ўз дилини кудуратдан тозалаб, соф дўстликни сақлаб қололган ҳисобларди.

Шундайлигингни билмай туриб мен сени қандай қилиб кўнглида кири йўқ, холис дўст дея оламан?

Агар дўстлик савдо-сотиққа ўхшаб, эҳтиёж талабига қараб исталса, унга зарурат бўлмаганда назарга илинмай тарк этилса, унда қандай дўстлик бўлади?

Дўст ўз дўстини бирон кулфат юз бергандан ўзга вақтда ҳеч зиёрат қилмаса, зарур бўлиб қолгандагина эслаб, бошқа вақт эсламаса, шу ҳам дўстлик бўлди-ми, ахир?

Эй, худо, майли, ахир илоҳий яқинлик бирлаштирган, ораларини олий меҳрибонлик яқинлаштирган дўстлар бор-ку! Улар ҳақиқатга тик қарайдилар, кўнгилдан ифлослик ва шак-шубҳа зангини қетказдилар, уларни бир-бирлари билан, холисанлиллоҳ, дўстликдан бошқа ҳеч нарса бирлаштирмаган.

Эй, биродарлар! Ҳақиқатни ёйинглар, баҳамжиҳат бўлинглар. Баъзиларингизни баъзи нарсаларни ўрганишларинг ва баъзиларингизни баъзи нарсалар билан камол топишларинг учун орангиздаги ҳар бир киши ўз биродарига нисбатан дилидаги пардани холис очиб ташласин.

Эй, ҳақиқий биродарлар! Қирпилар бошини ичига

тортгани каби, сиз ҳам бошингизни ичингизга тортинг. Ботинингизни юзага чиқаринг, зоҳирингизни эса, ичингизга олинг. Худо ҳаққи, ботинингиз равшан кўриниб турибди-ю, бироқ сиртингиз яширин<sup>105</sup>.

Эй, ҳақиқий биродарлар! Илонга ўхшаб ўз пўстларингиздан чиқинглар<sup>106</sup> ва қуртлар судралиб юргандек судралинглар<sup>107</sup>. Душманга қарши қуроли думида бўлган чиёндек бўлинглар. Чунки агар шайтон одамларни орқадан алдай олмаса, у ҳеч қачон алдашга муяссар бўла олмайди<sup>108</sup>.

Ажал заҳрини ютинглар, яшаяжаксиз; ўлимни севинглар, тирик бўлажаксиз<sup>109</sup>. Қўнадиган уя тутмай, учиб юринглар, чунки қушларнинг овланадиган жойлари инларидир. Агар қанотсизлик парвоз қилишингизга тўсқинлик қилса, қанот ўғирланглар, мақсадга етасиз<sup>110</sup>. Учишга ким моҳир бўлса, ўша энг яхши фазилатли саналади. Қизитилган тошларни ютадиган туяқуш бўлинглар. Қаттиқ суякларни ютиб юборадиган илондек<sup>111</sup>, оловнинг ичида дадил юрадиган самандардек<sup>112</sup>, ёруғлиққа чиқмайдиган кўршапалакдек бўлинг, чунки паррандаларнинг энг яхшиси кўршапалакдир<sup>113</sup>.

Эй ҳақиқий биродарлар! Одамларнинг ботири келажакдаги мушкулотдан қўрқмайди. Камолга етишдан четланган киши одамларнинг энг қўрқоғидир.

Эй ҳақиқий биродарлар! Фаришта ёмонликка юз тутса ёки ҳайвонлар хунук иш қилса, ажабланиш керак эмас. Мабодо агар инсоннинг вужуди ақл билан мунаввар бўла туриб, шаҳватларга берилсаю бу йўлда ўз инсонлигини йўқотиб, тоатини тарк қилган бўлса, бундай инсонга ажабланиш керак бўлади. Улай агар, ҳеч шак-шубҳа йўқки, одам фариштаси шаҳвоний ҳисларни йўқотишда собитқадамдир. Унинг оёқлари жимога юрмайди. Агар кишидаги инсонийликнинг ёмонликка тортадиган шаҳватни қайтаришга қурби етмаса, у ҳайвондан ҳам паст туради.

Энди сўз бошига қайтаман. Буни мен (Ибн Сино — А. И.) айтяпман.

Бир гуруҳ овчилар пайдо бўлиб, тузоқлар қўйиб, тўрларини ёйишди. Кейин уларга дон сепиб, ўзлари ўтлар орасида бекиниб туришди. Бу вақтда мен<sup>114</sup> пар-



рандалар галаси орасида эдим. Шунда овчилар бизни кўриб қолиб, қушларга ўхшаб ҳуштак чалиб чақирди. Биз у ерда жуда кўп донларни ва ўзимизга ўхшаш қушларни кўрдик. Кўнглимизда буида бирон ёмонлик бор, деб шубҳа ҳам туғилмади, иккиланиб, у ерга боришдан тортиниб ҳам турмадик. Биз ўша қушлар томонга боришга шошилдик ва ҳаммамиз — тўпимиз билан бирга тузоққа тушдик. Шу пайтда ҳалқалар бўйнимизга ўралишиб, тўрлар қанотларимизга ёпишар, оёқларимизга эса, тузоқлар илашар эди. Қутулишга шунча ҳаракат қилиб кўрсак ҳам, лекин бари бир уринишимиз зое кетди, қийинчиликдан бошқа нарсани орттирмади. Ҳалок бўлишга кўзимиз етди. Ўзимиз билан ўзимиз овора бўлиб, оғайниларимиз ҳолидан хабар олиш ва қайғуришни ҳам унутиб қўйибмиз. Ҳаммамиз бир лаҳза қутулиш йўлида ҳийлалар топишга бош қотирдик. Ҳатто бу ҳақда ўйлаб, ўзимизнинг тузоқда эканлигимиз ҳам эсимиздан чиқиб кетибди. Тузоққа кўникиб, қафасларда ором олдик. Бир кун тўр орасидан бир гала қушларни кўриб қолдим. Улар бош ва қанотларини тўрдан халос этиб, қафаслардан қутулиб учиб келишар, оёқларида эса ҳамон тузоқ қолдиқлари осилиб турар эди. Лекин бу қолдиқлар учинишга нажот топишга тўсқинлик қилмас эди. Тўсқинлик қилмаганига қарамай, учиб қутулиш осон эмасди, тинчгина ҳаёт кечиртирмас ҳам эди. Ана шу ҳолат унутган нарсамни ёдимга туширди. Шу билан бирга кўникиб қолган нарсанинг ёмонлигини ҳам кўрсатди. Бўшайман, деб уринавериб, уринавериб, жуда тавбамга таяндим ҳатто, ҳасрату надоматдан куйиб, ўлай дедим. Кейин мен, зора улар менга яқинроқ келиб роҳат топиш йўлини кўрсатсалар, деган умидда қафас ичида туриб уларни чақирдим. Ахир қафасда узоқ туриш мени қийнаб юборди-да. Улар овчиларнинг ҳийлаларини эслашиб, қайтанга мендан баттар қочдилар. Кейин мен уларга қадимги дўстлигимиз ва ҳаммамиз бир гуруҳданлигимизни айтгач, уларнинг дилларида яна шубҳа пайдо бўлди. Мен эса қасам ичиб, гапимнинг ростлигига уларни ишонтирдим. Шундай қилганимдан кейингина улар менинг олдимга келишди. Мен улардан ҳол-аҳвол сўраган эдим, шунда мен мубтало бўлган нарсага улар ҳам мубтало бўлганлик-

ларини, кейин умид узиб шу уқубатга кўникиб қолганликларини гапириб беришди. Сўнгра менга ҳам ёрдам қилишди; бўйнимдан тузоқ, қанотларимдан тўрни узоқлаштиришди, қафас эшигини очишди. Кейин менга: «Ғанимат билиб, қутулиб қол!» — дейишди. Мен улардан оёқларимни ҳалқалардан озод қилишларини сўрадим. Улар: «Агар биз бундай ишга қодир бўлганимизда, аввал ўз оёғимизни бўшатиб олган бўлардик, касал табиб касални даволай олармиди», — дейишди. Қафасдан чиқиб, учмоқчи бўлдим. Улар менга шундай дейишди: «Сенинг олдингда жуда кўп буқъалар<sup>115</sup> бор. Агар у буқъалар устидан бўлганиб-бўлиниб ўтмасак, қийинчиликдан қутулолмаймиз, бизнинг изимиздан уч, биз сени қутқарамиз ва сенга тўғри йўлни кўрсатиб юборамиз».

Серўт, серҳосил водий, йўғ-е, аксинча, қуруқ хароб водийдаги бир юксак тоғнинг икки баланд чўққиси, оралиғидан учдик. Ҳатто водий орқамизда қолиб, ҳалиги тоғ чўққисига етдик. Бирдан олдимизга қарасак, яна саккизта баланд тоғлар турибди, буларнинг чўққиларини кўз илғамас эди. Шунда орамиздаги баъзилар, бу тоғлардан тезроқ, шошилиб ўтиб олмасак, биз ҳеч омонлик тополмаймиз, дейишди. Шундан кейин тез учиб, олти чўққидан ўтиб, еттинчисига етдик. Еттинчи тоғ чегарасига киргач, баъзи қушлар, ҳеч тоқат қилиб бўлмапти-ку, ором оласизларми-йўқми?! Ахир бу қийинчиликлар тинкамизни қуритди-ку. Биз билан душманларимиз ораси узоқ бўлиб қолди, баданларимизга ҳам бир оз ором беришимиз керак-ку, ахир, дам олиб-дам олиб учиб тўхтовсиз учибдан кўра нажотга тезроқ етказди, дейишди.

Шундай қилиб, ўша тоғ чўққисига келиб қўндик. Бундай қарасак, кўз олдимизда ҳаммаёғи кўм-кўк, обод, мевазор, анҳорлар оқиб турган боглар турибди. Унинг неъматлари ўз кўриниши билан кўзларни қамаштириб, фикрларни ҳайратда қолдиради. Қулоқларингга ашула куйлари, мунгли нағмалар эшитилади; на ўткир мушқда ва на анбарда бўлмайдиган ҳидлар димогингга урилиб туради. Биз у бог меваларидан едик, сувларидан ичдик ва то ҳордиқ чиққунча шу ерда турдик. Баъзилар, шошилайллик, чунки хотиржам-

ликдек алданиш, эҳтиёткорликдек қутулиш йўли ва шубҳа қилишдек маҳкам қўрғон йўқ, дейишди.

Бу жойда гафлатда қолиб, узоқ туриб қолдик, орқамиздан душманлар изма-из биз турган жойни ахтариб келяпти. Гарчи бу жойда туриш биз учун яхши бўлса ҳам, лекин бу ерда саломат қолишимиз қийин. Шунинг учун, келинлар, бу буқъани ташлаб, тезроқ бу ердан кетайлик.

Шундай қилиб, ҳаммамиз учишга қарор қилдик. У ердан учиб, саккизинчи тоққа етиб келдик. Бундай қарасам, чўққиси осмон бағрини ёриб кириб кетган баланд тоғ, унинг теварагида қушлар учиб юрибди. Мен умримда бундай хушнаво, гўзал, хушсурат, дилкаш қушларни учратмаганман. Уларнинг ёнига қўнганимиздан кейин, биз илгари ҳеч кимдан кўрмаган ва эшитмаган эҳсон, лутф ва одамгарчиликни кўрдик, самимий ёрдамни ҳис қилдик. Ҳатто биз умр бўйи уринсак ҳам, борингки, умримизга бир неча бор умр қўшиб берилганда ҳам, уларнинг бизга берган ёрдамларининг кичик бир улушини бажо келтиролмаимиз. Улар билан танишиб бўлгач, биз уларни ўзимизга азоб бераётган воқеадан огоҳ қилдик. Шунда улардан бири сўзимизга эътибор бериб, «Мана шу тоғнинг орқасида бир шаҳар бор. Уша ерда буюк подшоҳ истиқомат қилади. Ҳар бир зулмдийда унга сиғинса ва таваккул қилса; унинг қудрат ва мадади билан бахтсизлик ундан йироқлашади», — деди.

Биз уларнинг ишорасига биноан подшоҳ шаҳрига равона бўлдик. Ниҳоят унинг даргоҳига қўниб, унинг рухсатига мунтазир бўлиб турдик. Кейин киришга рухсат берилди. Бизни унинг қасрига олиб кирдилар. Бундай қарасак, биз шундай саройга тушиб қолибмизки, унинг кенглиги ва гўзаллигини тавсифлаб бериш қийин. У саҳндан ўтганимиздан кейин кенг ва ярақлаган яна бир саҳн дарвозаси очилди. Бу саҳнни кўрганимизда бундан олдинги кўрган саҳнимиз ҳам анча торроқ, ҳатто кичикроқ ҳам кўринди. Ниҳоят биз подшоҳ ҳужрасига етдик. Парда кўтарилиб, подшоҳ жамолга кўзимиз тушгач, унга кўнглимиз тушиб, ҳаммамиз ҳушимиздан кетиб, шикоят қилишга ҳам қодир бўлмай қолдик. Ҳайтовур унинг ўзи бизнинг дардимиздан огоҳ бўлиб, ўз лутфи билан ҳушимизга кел-

тирди. Ниҳоят у билан гаплашишга журъат этиб, унга ўз кечмишларимизни гапириб бердик. Кейин у айтди:

— Оёқларингиздаги тузоқни қўйган кишидан бўлак ҳеч ким ечолмайди. Мен уларга бир элчи юбораман. У элчи сизларни тузоқдан қутқаришни овчидан илтимос қилади. Гап тамом. Шоду хуррам бўлиб тарқалинглар.

Ана шундан сўнг биз элчи билан бирга йўлга тушдик.

Биродарларим подшоҳнинг гўзаллиги ва унинг даргоҳи ҳақида ҳикоя қилиб беришимни мендан қаттиқ туриб талаб қилдилар. Мен унинг васфини қисқача иборатлар билан тўла-тўкис таърифлаб бераман: у подшоҳ шундай бир подшоҳки, қачон сен дилиннга завол аралашмаган бир жамолни, камчилиги бўлмаган бир камолни келтирсанг, ундаги<sup>116</sup> бор жамол ва камолга дуч келган бўласан.

Ҳақиқатан ҳам ҳар бир камолот унда пайдо, ҳар бир нуқсон, гарчи мажозий бўлса ҳам, ундан узоқ. Камолнинг ҳаммаси унинг ҳусни учун юз, эҳсони учун қўлдир. Кимки унга хизмат қилса, у энг олий бахтга эришади. Кимки ундан узоқлашса, дунё ва охиратда зиён кўради.

Менинг қанчалар биродарларим ҳикоямни эшитиб:

— Сенинг эсинг оғиб қолибди, — дейишди. — Ақлу ҳушинг учиб, девона бўлиб қолибсан. Худо ҳаққи, сен учмаган экансан, балки сенинг ақлинг учган экан, сен овланмаган экансан, балки сенинг ақлу ҳушинг овланган экан. Кишилар қачон учгану, қуш қачон гапирган! Гўё мизожингда сафро ғалаба қилганга, димоғингни қуруқлик эгаллаб олганга ўхшайди<sup>117</sup>. Сен энди девпечак<sup>118</sup> қайнатмасини ичиб тур, сучук сувли иссиқ ҳаммомга вақт-вақти билан тушиб тур, нилуфар<sup>119</sup> ёғини ҳидлаб тур. Кейин яхши овқатларни танлаб, шошилмай егин, жинсий алоқадан, уйқусизликдан сақлан ва камроқ фикрла. Ахир биз илгари сенинг ақллилигингни кўрган, сенинг фатонат ва заковатингга қойил қолган эдик. Кўнглимиздан тангринг ўзи огоҳдир. Энди сенинг бу аҳволингни кўриб, биз сендан ранжидик. Аҳволингга халал етгани сабабли бизнинг аҳволимизга ҳам халал етди.

Уларнинг гаплари қанча кўп бўлса, фойдаси шунча оз эди; сўзнинг энг ёмони амал қилинмай зое кетганидир. Тангридан мадад, одамлардан айбга буюрмасликни сўрайман. Ундан бошқага ишонган киши охи-ратда ҳам, ундан аввал ҳам зарар кўради. Зулм қилганлар келгусида қаерга ағдарилишларини билишади.

## САЛОМОН ВА ИБСОЛ

---

Ўтган замонларда Саломон деган кишининг бир ота ва бир онадан туғишган укаси бор эди. Саломон укасини ўз ўғлидай тарбиялади ва юриш-туришида ножўялик топмай, унга одамлар биладиган ва ўргатадиган ҳамма фанлардан таълим берди.

Тангри унга гўзал кўрк ва шайдойи ҳусн берди. Бола балоғатга етгач, шайтон янгасининг кўзини унга буриб юборди, кетидан кўнглини ҳам унга боғлади. Хотин унга ошиқ бўлиб қолдию, ўз дардини ичига сиғдиришга чидай олмади.

Бир куни Саломонга хотини шундай деди:

— Уканг Ибсол, сўзсиз, олижаноб бола, у сенга ўз фарзандингдек яқин. Унинг дину диёнати устивор, яхши хулқли қилиб етиштирдинг. Энди, уни менинг олдимда, болаларингга қўшиб қўйгин, уларга хулқу одоб ва яхши феъл-атворлардан ўргатсин.

Саломон, хўб, сен айтгандай бўлади, деди.

Кейин Саломон Ибсолга ҳар бир пайшанба ва жума кунлари<sup>120</sup> янга қасрга<sup>121</sup> келиб туришни тайинлади. Бунда Ибсол бирор шумлик борлигини сезиб қолади ва Саломонга шундай дейди:

— Э, ака, мен қаёқдаю, қасрдаги хотинлар қаёқда! Мен бу ишни кўнгилдагидек бажо келтиролмайман. Болаларингга ўзинг бош бўлиб, назорат қилиб турсанг, зарур бўлганда мен улардан хабар олиб турсам, бу дурустроқ ва яхшироқ бўларди.

Укасининг бу гапларини эшитган Саломон укасига:

— Бу гапинг дурустку-я, лекин янганг сен билан хурсанд бўлади. — деди, — очиқ юз билан унинг олди-га кириб турсанг, у буни хуш кўради. Шундай қилсанг, сенга у яхши илтифотлар қилади, сендан хур-

санд бўлади. Кўнгли кўтарилиб, сенга совгалар беради. Сен ҳам энди шўртумшўқлик қилиб, янгандан ўзингни олиб қочмагин-да. Ахир у сени ўз бағрида катта қилди, сен бола эдинг, у сенга оналик кўзи билан қаради. Сен ҳам энди қўлингдан келадиган ёрдамнингни аямай, уни хурсанд қилгин-да.

Шундай қилиб, воқеа айтгандай бўлиб, Ибсол янгасининг хонасига киргач, қанчадан-қанча тиллау қимматбаҳо нарсалар сочилиб ётганини кўрди. Шайтон хотиннинг болага бўлган муҳаббатини яна ҳам ошириб юборган эди, хотин қайнисига устма-уст гавҳар ва дурлар қадалган ипаклик саруполар қўйди.

Аёл ўзини Ибсолга энг яқин қилиб кўрсатиб, бу ҳаракатига уни ишонтирмоқ учун ўзини вазмин тутиб турди, тилига эрк бермади, зўрма-зўраки бўлса ҳам ўзини тутиб туришга уринди. Натижада Ибсол ўзининг алданганига фаросати етмай, хотиннинг хатти-ҳаракатини самимий деб билди, унга меҳрибонлик қилаётганлигига шубҳа қилмади.

Ниҳоят хотин уни бир неча марта шундай синаб кўриб, хотиржам бўлиб, кўнгли жойига тушгач, хилватда унга дилидаги сирини очиб шундай деди:

— Э, Ибсол, тангрининг тақдир қилгани бўлади, мен ва сен яратилишимиздан олдин, мен сени севишим белгиланиб қўйилган. Тангри таолонинг тақдир қилгани шу. Рабб ул-оламининг тақдиридан қочиб қутуладиган одам ҳам, қочадиган жой ҳам йўқ.

Янгадан бу гапларни эшитган Ибсол ҳайрон бўлганича, бошини қуйи солди. Қўлини тангридан берилган ва шу ҳолга тушишга сабаб бўлган чиройли юзига уриб, энди нима қилсамикин, деб чуқур ўйга чўмиб қолди.

Кейин у ўзича ўйланиб қолиб айтди: «Агар мен унинг талабига очиқ-ойдин буйсунмасам, мендан бурungi ростгўйларга хотинлар макр қилганидек, бу ҳам менга макр қилиши мумкин. Агар тангрим ва акам раъйига қарши иш қилиб, хотинга ширин сўзларимни айтсам, амалга ошмайдиган ваъда устидан чиққан бўлишимдан қўрқаман. Э, тангрим, менга ўзинг йўл кўрсат, кушойиш бер!»

Хотиннинг олдига киришни Ибсолнинг кўнглига солдик<sup>122</sup>. Шундан кейин хотин олдига кириш фикри Ибсол хаёлидан кечди. Кейин Ибсол ўзига-ўзи шундай деди: «Тақдир шу экан, энди пешонамда ёзилганидан бўлак ҳеч нарса бўлмайди».

Кейин хотинга қараб, тангрининг тақдирини кутгин, балки у сепдан бу фикрни қайтарар ёки бошқа бирор иш қилишга менга йўл-йўриқ кўрсатар, деди. Э, тангрим, ўзинг кушойиш бер, ўзинг ярлақа. У ўзича айтди:

«Э, тангрим, қалбимни ихтиёрингга топширдим, уни ўзинг рози бўлган нарсага барқарор қил. Бу дунё ва охирада менинг ягона вакилимсан, илоим сен хотинларни менинг устимдан хўжайинлик қилишига йўл қўйма!»

Ибсолнинг юқорида, тангри тақдирини кутиб тур, деб хотинга айтган гапи унинг ўйлаб қўйган ҳийлаю макрини бузгач, хотин бирмунча қизишди ва йиғламосираб қизарган кўзларини ундан ўгирди. Хотин қайнисидан аразлади. Ибсол тагин хотин дод-вой солмасин учун бу гап билан ўз муддаосини яширди ва вақт-вақти билан унинг ҳузурига кириб турадиган бўлди. Бунинг натижасида хотин бир қанча вақт сабр қилиб юриб, унга қайтиб гинахонлик қилмай қўйди. Бу билан хотин гўё Ибсолдан тийилгандай бўлди. Ибсол бўлса шундай бўлганидан хурсанд бўлиб, тангрига шукурлар қиларди.

Кўп ўтмасданоқ хотин қалби исён қилиб, Ибсол ишқи уни яна ўзига тортаётгандай бўлди. Шу пайтда, унинг кўнгли чопиб, Ибсол бўйнига қўлини ташлади. Шунда Ибсол хотинни жеркиб берди; шу билан Ибсол хотиндан юз ўгирди, хотин эса ўз ишқида жафо чекиб юрди. Шу тариқа Ибсол хотиндан бир оз узоқлашди, хотин эса ноқулай ҳолатга тушиб катта-катта қасамлар ичди ва шундай деди:

— Ростини айтсам, сени синаб кўрмоқчи эдим, ундан бўлак мақсадим ҳам йўқ эди, йигитликнинг энг авж пайтида бўла туриб қилаётган тақвойингнинг сабабини билгани шундай қилган эдим, натижада, сенинг чинакам тақводорлигингга ишондим. Эгамга қасам ичиб айтаманки, бу воқеадан кейин қулоғинг хафа қиладиган нарсани мендан эшитмайди.



У шу дақиқада бир кўнмас-бир кун ўз қасамини бузишини ва алдаш нияти борлигини яшириб турарди.

Хотин эрига айтди:

— Мен уканг Ибсолни йигитлар айна етилаётган пайтда синаладиган йўл билан синадим. Уни номусли эканини билсам, синглимни олгин, деб айтмоқчи эдим; синглим билан бирга жуда кўп сеп ҳам юбормоқчи эдим. Уни синаб кўриб, маъқул топдим, энди синглимни унга никоҳлаб бермоқчиман. Зора бу иш танграмга хуш келиб, доимий осойишталик бахш этса.

Кейин хотин ўз синглисига кенгашиб айтди:

— Агар сен олдинга келган Ибсолдек меҳмонингга севилиб қолсанг, менга ҳам у билан бирга бўлишга рухсат берасанми? Мен буни унга айтмайман, ўзи ҳам сезмайди. Мен уни ўзимга керак бўлгани учунгина сенга танлаяпман. Агар хоҳласанг, шунга рози бўласан, хоҳламасанг буни сендан қайтараман, яна ўзинг биласан.

Хотин келиб Ибсолга айтди:

— Синглим уятчан, ҳали эр кўрмаган, сен уни хурсанд қил, олдига тим-қоронғу кечада кир; то танишиб, бир ой ўтмагунча, ундан бир оғиз ҳам сўз сўрама.

Хотин дарров синглиси ётадиган жойга бориб ётди.

Ибсол, ҳали кўнглидаги шубҳаси кетмасданоқ, қоронғу кечада хотин олдига кирган заҳоти янга уни бағрига босишдан ўзини тиёлмади.

У: «Ҳей»,— деб қаттиқ бақариб юборди, кейин унга айтди:

— Агар сен уятчан қиз бўлганинга эдинг, эр кишидан олдин талпинмасдинг, сен бошқа бўлсанг керак.

Ана шу пайтда чақмоқ чақадиган тизма булутлардан бир қисмини пайдо қилдик<sup>123</sup>. У булут чақмоқ чақиб Ибсолга хотин юзини кўрсатди. Ибсол норози бўлганича у ердан қочиб чиқиб кетди.

Ибсол жуда довжорак, паҳлавон йигит эди. У бирон аскар устига юриш қилганида уни несу нобуд қилмай қўймасди. У аскарлари кўп лашкар устига бостириб келганида уларни ер билан яксон қилар, уларни теваарак-атрофга тумтарақай қилмасдан қўймасди.

Унинг ўзини довжорак, хулқи атворини расо ва ўзини эса яширин илмларга ошно қилган эдик<sup>124</sup>. У ўша яширин илмларни очди.

Ибсол, хотин мени унутар, деган умидда акаси ва янгаси даргоҳини бир қанча вақт ташлаб кетмоқчи бўлди, кейин бориб акасига айтди:

— Сенга Машриқдан тортиб Мағрибгача бўлган ўлкаларни фатҳ қилиб, тангри динини кофирларга ёйсам, нима дейсан? Зора, тангрим менга ёрдам берса.

Саломон укасининг гапини маъқул кўриб, рози бўлди.

Кейин Ибсол Қутб томондаги ўлкаларга юриш қилди. Ундан кейин Шарқ томондаги ўлкаларни босиб олишга жазм этди. У энг иззатли ва энг кучли халқни қидириб бориб, улар устидан ҳукмдорлигини ўрнатмоқчи бўлди. Кейин Қай<sup>125</sup> ўлкаларига, ундан кейин то Чингача бўлган, унинг орқа томонларига ва бу ўлкага ёндаш Ҳинд ўлкаларига юрди. Кейин акасининг ўлкалари чегарасига етиб, акаси эгаллаёлмаган ўлкаларни то Рофидонгача<sup>126</sup> фатҳ қилди. Кейин кемага миниб, денгизга тушади. Кейин ортга қайтиб, кунчиқиш томонга қараб йўл олади. Қатор оролларга дуч келади ва қирғоқ бўйлаб юради. Шундай қилиб, кунчиқиш оролларини олиб бўлгач, яна бошқа томонга бурилиб, у ерда ҳам ўшандай иш қилди, ниҳоят, Ҳумр ўлкаларига етиб<sup>127</sup>, денгиздан қуруқликка чиқади ва у баъзи гуруҳларни бирин-кетин қўлга олиш учун уларнинг ерларини ахтаради. Кейин Тайҳо<sup>128</sup> чўлларга кириб, то чуқур денгизга боргунча йўлларни улардан тозалади. Улар билан уришиб, подшоҳларини асир олди. Ундан кейин соҳил бўйлаб чуқур денгизни Аҳзомгача ёриб ўтишдан олдин Сабта<sup>129</sup> мамлакатларига йўл олди. У текисликларда тошқин бўлиб, ундаги мамлакатларни босиб ўтди. Кейин шимол денгизлари бўйлаб шарқ томонга узоқ йўл юрди ва ниҳоят, кетган жойинга қайтиб келди<sup>130</sup>. У ўзича, энди хотин мени унутган бўлса керак, ҳатто эсламаса ҳам керак, деб ўйлаган эди.

Ибсол Ҳофиқонга<sup>131</sup> эга қилганимиз Зулқарнайн<sup>132</sup> подшоҳларнинг энг аввалгиси эди. Сўнгра Ибсол акасининг олдига йўл олди. Ибсол бутун уфқни тим-қоронгулик босганда акаси олдига қайтиб келди.

У акасига айтди:

— Э, ака, сенга фатҳ қилиб берган ўлкаларим кўзимга тупроқдан илашган бир гардча ҳам эмас. Менга уни мутлоқ қадри йўқ. Мен фатҳ қилган мамлакатларга эга бўлган тоифа аҳволидан хабардор бўлган киши ерни ва ерда бор нарсаларни назар-писанд қилмайди.

Хотин Ибсолнинг сафардан қайтиб келганини эшитгач, устомонлик қилиб, қучоқламоқчи бўлиб унга қулочини ёзди. Бу ҳаракати билан у гўё унга ишқивозлик қилмаётгандай бўлиб кўринмоқчи эди.

Ибсол хотинга айтди:

— Салом, тангрим сени пок сақласин, менга яқинлашма! Мен ўша билганинг Ибсолман. Тангрим рабб ул-оламийн ўз паноҳида асрасин, барча ёмон кирдикорларни ўзи аритсин. Эгамга таваккул қиламан.

Саломон хонадонига бобилликлардан душман чиқиб, уларнинг қўри қутларини тугатадиган бўлди. Уларнинг жазосини бермоқ учун акаси Ибсолни ўша томонга юбормоқчи бўлиб, унга аскар тўплаб берди. Хотин эса Ибсолни унутиб, унга яқинлаша олмаслигига кўзи етди. Натижада хотин Саломон аскар бошлиқларига хазинадан пора бериб, Ибсолни боши берк кўчага киргизиб, душманга рўпара қилишга ва ўзлари унинг кўзига кўринмай кетиб қолишларини тайинлади. Ибсол қочиб кетиши мумкин бўлган ҳар бир йўл душман аскарлари томонидан тўсиб қўйилган бўлиши керак эди. Хотин лашкарбошиларга шуларни шарт қилиб қўйди; Ибсол аскарларга қаршилик қилмоқчи бўлса, улар уни қийма-қийма қилиб ташлашлари керак.

Хотин аскарларга нима буюрган бўлса, улар ўшани қилдилар.

Агар биз унинг бошидан бахтсизликни кўтармаганимизда, қиличлар Ибсолни бўлиб ташлаб, соғ қўймаган бўлар эди. Улар Ибсолни қонга бўяб ташлаб кетишди. У хўрланиб қолди. Биз уларни Ибсол аҳволдан беҳабар қолдирдик. Кейин улар устига жуда ҳам интидиган ёмонлик ёмғирини ёғдирдик. Унга ваҳший

хайвонларнинг энг ғамхўри бўлган — оқ кийикни эмизувчи қилиб юбордик<sup>133</sup>. Кийикнинг унга меҳри келиб, Ибсол оғзига ўз эмчагини солди ва шундай қилиб у бирмунча вақт кийикни эмди.

Ибсолнинг акаси душманлар томонидан ўраб олиниб, унинг ҳукмронлиги кучсизланиб қолган ва укаси Ибсолни йўқотганидан қайғу-ҳасратда ранги сомон бўлган эди.

Ибсол ўзига келиб, дуч келган кишидан сўраб-суриштириб бошига тушган кулфатлардан огоҳ бўлди, уни қийин аҳволга ташлаб кетган аскарлар тўдасининг кетиб қолганини билгач, жуда ҳам афсусланди.

— Э, тангрим, ўзинг менга кўмак бер. Сен менга меҳрибонсан, менга берган неъматингни санаб тугатолмайман; менга чексиз меҳрибонлик қилдинг! — деб тангрига нолиди, унинг меҳрибонлигига шукрона билдирди.

Шундан кейин у акасининг ўлкаси томон йўл олиб, ниҳоят, акасига душман қўллари етаёзганда юртга етиб келди. Шунда Ибсол акасига меҳрибонлик қилиб:

— Мен уканг Ибсолман, сен гирифтор бўлган балони сендан даф қилишим ва балога тўғаноқ бўлишим учун тангрим мени олдингга юборди, — деди.

Саломон Ибсолга пароканда бўлган қавмларни керакли озиқ-овқатлари билан йиғиб берди. Ибсол шаҳар чеккасига, аскарлар олдига чиқиб айтди:

— Мана мен, хизматингизга тайёр ўша Ибсолман. Тангрим мени соғайтирди. У энг кароматли ва раҳмдил, у ваъдасига энг садоқатли ва энг вафоли ёрдамчи ва қодир, меҳрибон ва шифо берувчи. Ҳар қандай махфий нарсалар ҳам унга аёнدير.

Ибсол одамларининг юраклари довланиб, душманлар билан курашиш учун тўпландилар, дилларида ҳеч бир хавф қолмади. Душманни ўз ерларидан суриб чиқардилар, душманлар қочиша бошлагач, уларнинг рўпараларидан чиқиб қаршилик қилдилар, ниҳоят, уларни енгиб, уларга қаттиқ шикаст етказдилар. Ҳали етилмаган экинларни ўргандек қириб ташладилар.

Ибсол урушга шундай киришдики, ўз қўли билан

ҳатто душман тўдаларининг улуғини асир қилиб олди. Кейин у Бобилга қараб юрди. Бобил Ибсолга дарҳол муяссар бўлди. Кон ва бойликларининг ҳаммаси Ибсол қўлига кирди ва ҳамма томонларга Ибсол ововаси тарқаб, шону шавкати зўрайди. Ибсол садоқатли, тақводор ва номусли подшоҳ эди.

Шундай қилиб, Ибсол ўз акаси олдига қайтиб келса, хотин уни очиқ-ойдин алдаш пайига тушиб, бу ишга қаттиқ киришади. Ниҳоят, Ибсолни алдай олмаслигига кўзи етгач, хотин энди ҳинд сунбули дорисидан ёки зараб ул азракдан<sup>134</sup> Ибсолга ичириглар, деб ошпаз ва дастёрга буюради. Иккови хотиннинг буйруғини бажо келтириб, унга миқдоридан кўпроқ заҳар ичиришади. Бу тадбир сабрли кишиларни ҳам бесабр қилди, кўпчиликни мусибатга чўмдирди. Бундан ҳатто ер титраёзди; ер юзидаги ҳар бир жонли нарса Ибсолнинг ҳалок бўлишидан ғаму ҳасратга тушиб, ҳатто Ибсолнинг ўзи эгалик қилган мамлакатлардаги ва қилич билан қўлга олган юртлардаги кишилар ҳам ҳасратланиб, бу иш содир бўлганидан ғазабга келишди. Чунки Ибсол ҳар бир жонлининг назарида энг олижаноб, асл инсон, билим-маърифатли улуғ киши тимсоли эди.

Шундан кейин акаси бутун қулларидан воз кечди. У қулларини озод қилиб, уларга худди ўз қариндошуруғларидек илтифот қилди...

Шундай қилиб, тангри Саломонга бир ҳукм орқали хотиннинг бу қилган ишини ошкор қилди. Натижада унга хотин, ошпаз, овқат ташувчилар томонидан қилинган махфий ишлар маълум бўлди. Улар зулм қилувчи киши учун биздаги бор бўлган азобу уқубатларни билмадилар. Уларнинг учаласига ҳам Ибсолга ичирилгандек ҳўплаб заҳар ичирилди. Уларнинг учаласи ҳам ўлиб, ўз жойларидаёқ чириб кетдилар. Бундайларнинг ҳар бир қилган ишларига яраша жазонмиз ҳам бор. Биз кичик ва катта гуноҳлардан беҳабар эмасмиз. Аниқ ҳисобланмаган ҳеч бир нарса йўқ. Қайси бир дўстимизни ҳузуримизда бор ҳукмлардан истагани билан имтиҳон қилсак, у сабр қилса, шунга яраша мукофотга сазовор бўлади. Озмунча кишилар ўлдирилмаганмиди-ю, озмунчаси шаҳид қилинмаганмиди?! Ҳар бир жон эгаси учун маълум муддат бор. Даҳрга

қазо чиқаришдан олдин биз ҳар бир жон учун маълум бир муддат ўлчаб берганмиз ва буни қазо китобида ёзганмиз. Бу ўша ўлчаб берган муддатдан ортиқча бўлмайди. Энди раббингга таваккул қил! Раббинг сен эшитган ва билган кишилардан ҳеч бирига қилмаган инъомларини сенга қилмадимми?! Сен ўрганишинг керак бўлган ҳар бир жойда ҳақ нима эканини очиб кўрсатди, сени ҳақ йўлга йўллади ва сенга ҳамма ёрдамни кўрсатди.

## ШЕЪР САНЪАТИ

---



Энг аввало биз шуларни айтмоқчимиз:

Шеър одатда образли сўзлардан иборат бўлиб, у бир-бирига тенг ҳамда вазли гаплардан тузилади. Арабларда эса шеър қофияли, бундан шеърларда маълум ҳисобда ритм бўлиши тушунилади. Бир-бирига тенг бўлишнинг маъносига келсак, бунда ундаги ҳар бир гапнинг ритмли қисмлардан тузилганлиги тушунилади.





ШЕЪР ҲАҚИДА УМУМИЙ ТУШУНЧА,  
ШЕЪРИЙ ФОРМА ҲАМДА  
ЮНОН ШЕЪР НАВЛАРИ ҲАҚИДА<sup>136</sup>

Энг аввало биз шуларни айтмоқчимиз:<sup>137</sup>

Шеър одатда образли сўзлардан<sup>138</sup> иборат бўлиб, у бир-бирига тенг ҳамда вазнли гаплардан тузилади. Арабларда эса шеър қофияли, бунда шеърларда маълум ҳисобда ритм бўлиши тушунилади. Бир-бирига тенг бўлишнинг маъносига келсак, бунда ундаги ҳар бир гапнинг ритмли қисмлардан тузилганлиги тушунилади.

Одатда бунда сўзнинг аввалги ритми билан кейинги ритмининг вақтлари бир хил келиши керак<sup>139</sup>.

Шеърнинг қофияли бўлиши маъносига келганда шуни айтиш керакки, ҳар бир қофиядош сўзларнинг охири бир хил ҳарф — товушлар билан тугалланиши керак. Шунинг учун мантиқшунос назари аслида шеърнинг хусусиятига қаратилиши керак эмас, бордию унга қаратиладиган тақдирда ҳам, у фақат шеърга образли айтилган сўзлар бўлгани учунгина, фақат у шу нуқтаи назардангина қарамоғи мумкин, холос.

Аммо шеърдаги вазн нуқтаи назаридан қарашга келганимизда, у ҳолда мусиқашунос вазнга мусиқавийлик назарияси ва гармония нуқтаи назардан қарайди, арузшунос эса унинг бўлак-бўлакка ажраладиганлиги ва ундай нарсалар дунёдаги ҳар бир халқда қандай усулда ишлатилаётганлиги нуқтаи назаридан эътибор беради, қофия илми билан шуғулланувчи — қофияшунос эса шеърга қофияни қандай қўйилганлиги нуқтаи назаридан қарайди. Шунинг учун мантиқшунос шеърга уни образлилиги жиҳатидангина диққат қилмоғи керак. Образли қилиб айтилган сўз киши руҳини ўзига бўйсундирадиган бир ҳолат касб этади. Бу

шундайки, маълум бир ишлар кишига кўринмасдан, улар ҳақида бирор фикр юритилмасидан ва уни эътироф этилмасдан туриб, улар кишига хуш келади, баъзиларидан эса киши ўзини тияди. Бир сўз билан айтганда, бундай нарсадан одам безовталанади, лекин бу безовталлик онгли равишда бўлмай, балки нафсоний — руҳий таъсирланганлик натижасида бўлади. Бундай ҳолатда ўша айтилган сўзлар<sup>140</sup> тўғрими ё нотўғрими унинг учун бунинг аҳамияти бўлмайди. Чунки асли — табиатида рост сўз ҳеч маҳал образли айтилган ва ё образли айтилмаган сўзларга ўхшамайди.

Бордию ундай сўзларга ишонилладиган тақдирда ҳам унинг таъсир кучи сезилмайди. Бунда у нарса иккинчи марта, ҳатто бошқа бир йўсинда айтилса ҳам шундай бўлади.

Кўпинча шеър ўз таъсир кучини кўрсатиб, кишини безовта қилолган тақдирда ҳам, бироқ шеър бу таъсири билан одамда ҳали ишонч ҳосил қилолмайди. Баъзида шеърда айтилганларнинг ёлғондан иборатлилиги очиқ-ойдин сезилиб туради. Агар муҳокот — тақлид икки нарса ўртасида бўлиб қолгудай бўлса, гарчи у ёлғон бўлса ҳам нафс ҳаракатга келади. Шунинг учун бир нарсанинг тавсифи нафсни ҳаракатга келтирадиган нарса хусусида бўлса, бунга ажабланиш керак ҳам эмас, чунки у тўғри бўлган бўлади, ҳатто шундай бўлиши зарур ҳам туюлади. Шуниси ҳам борки, одамлар тасдиқ — ишончга қараганда ҳам, ўз табиати бўйича, образли фикр қилишга мойилроқ бўлишади. Одамларнинг кўпчилиги мабодо тасдиқни эшитиб қолгудай бўлса, уни ёмонлайдилар ва ҳатто уни рад этадилар. Тақлид қилишда одамни таажжубга келтирадиган бир нарса бор, лекин бу таажжуб рост учун бўлмайди, албатта. Чунки ростнинг ўзи машҳур нарса, у бамисоли ҳаммага мутлақ маълумга ўхшаб кетади, унинг унчалик таровати — қизиги ҳам йўқдай туюлади.

Мажҳул сидқ — номаълум рост эса унчалик диққатни ўзинга тортадиган ҳодиса ҳам эмас. Мабодо тўғри сўз сал ўзгартирилсаю, одатдагидай айтилмайдиган бўлса ва бунинг устига унга унча-мунча нарсалар қўшилган бўлса, у ҳолда бу нарса инсон руҳига хуш келади. Балки бундай сўзларни образли қилиб ва

рост айтиш ҳам мумкин. Эҳтимол, шу билан образли гаплар орқали эътибор рост ва туйғулар томонга қаратилган ҳам бўлади. Натижада, образли гап ҳам, рост ҳам маъқул бўлади. Бундай ҳолда образли гаплар таажжубга сазовор бўлади ва ундан киши руҳи лаззатланиб, енгил тортади. Нарса ёки ҳодиса айтилганга мувофиқ келгудай бўлса, уни рост деб қабул қилинади. Образли гап эса, сўз қандай айтилган бўлса, ўшандай ҳаракат қилишга қаратилган бўлади. Рост эса, гап нима хусусида бораётган бўлса, ўшанга қаратилган бўлади, яъни у гапнинг асосидаги ҳолатнинг руҳи ҳақида фикр юритади.

Шеър фақат одамларни таажжубга солиш учунгина айтилиши мумкин. Яна шуниси ҳам борки, шеър ижтимоий бурч мақсадлари учун ёзилади. Юнон шеърлари ҳам худди шу мақсадларни рўёбга чиқарган. Ижтимоий бурч мақсадлари эса уч хил жинсдаги ишларнинг биридан иборат: яъни машварат — маслаҳатлашиш, келишмовчилик ва қарама-қаршилиқдир. Шеърдаги хитоба — риторика шу мақсадларни амалга ошириш учун қатнашади. Бироқ шуниси ҳам борки, хитоба тасдиқ — тўғрини қўллайди, шеър эса образли фикрлашни ишга туширади. Эҳтимол тутилган рост чекланган ва чегараланган бўлади. Уларни навларга бўлиб, ўз жойларига жойлаштириш мумкин.

Аммо образли гаплар ва тақлидлар чекланмайди ҳам, уларнинг чегараси ҳам бўлмайди. Нимаики чекланган бўлса у ё машҳур бўлади, ё бўлмаса у яқин — танниш бўлади. Бунда машҳур ҳам, таниш ҳам шеърда таҳсинга сазовор бўлмайди, таҳсинга фақат баднийлик ва ижодийлик сазовор бўлади, холос.

Одатда хаёл сурилиб образли қилиб айтилган гаплар кўп нарсаларни бажаради, улардан бир хиллари сўзларнинг айтилган вақти ва бу вақтнинг муддати билан алоқадор бўлади<sup>141</sup>. Вақтнинг муддати эса вазн деганидир. Бошқалари эса сўзлар мусиқаси, оҳангидан эшитилган товушлар билан, ундан бошқалари эса мавҳум тушунчалар билан боғлиқ, яна бошқалари эса ўша эшитилган товушлар ва тушунчалар ўртасида айланиб юради...

...Таажжубли бўлишининг боиси шуки, айтилган сўз — мулоҳазаларда ҳийла — усул ишлатилмаган бў-

лади, ҳатто фасиҳ сўзининг ўзи ҳам ҳеч қандай сунъийлик ишлатилмай талаффуз қилинса гўзал чиқади.

Ё бўлмаса ҳеч қандай сунъийлик ишлатилмаса, шу сўзнинг маъноси таажжубли ҳолда ғариб кўринади. Маънода бўлган одатдан ташқари ҳайратланиш ўша тақлид ва образли фикр қилишдан, ундан юзага келадиган таажжубланиш эса маънода қўл келган ҳийла — усулдан келиб чиқади<sup>142</sup>. Бу эса ё жумлада мавжуд бўлган жўн — соддалик ва ё ундаги мураккаблик натижаси ўлароқ содир бўлади. Лафзда қўлланиладиган усталликлар сажъда, вазн ўхшашликларида, сўзларни нафис қилиб тизишда, тарсий, унинг маънолари ўзгариш кабиларда ва «ал-Хитоба»да<sup>143</sup> айтилган ҳолатлар орқали юз беради. Бу ерда бўладиган барча ҳийла усуллар сўз бўлакларининг ўзаро муносабати, уларнинг бир-бирига бўлган нисбатида содир бўлади. Бу нисбат ё уларнинг шаклан бир-бирига ўхшашлигида, ё бир-бирига тескари — мухолиф келишлигида кўринади. Бир-бирига ўхшашлиги эса ё тўла-тўқис бўлади, ё нуқсон — камчилиги бўлади. Бир-бирига тескарилиқ ҳам худди шунга ўхшаб ё тўла-тўқис, ё бўлмаса нуқсонли бўлади. Буларнинг ҳаммаси ё лафзларга қараб, ё унда келган маънога қараб бўлади. Лафз — сўзлар бўйича содир бўлса ё сўзларда бирор нарсага ишора қилишга ноқислик сезилади, ё бўлмаса бу сўзлар бирор маънога далолат қилишдан маҳрум бўлади.

Чунончи, адавот — бўлак ва ҳарфларни олсак, булар сўзларнинг бўгинлари саналади ё бўлмаса бу лафзлар жўнгина бир нарсага, ё мураккаб бир лафзга далолат қилади. Маънога қараб бўладиганлари эса ё маънолари жўнлиги, ё маънолари мураккаблиги билан бўлади.

Буларни биринчи қисмидан бошлаймиз. Дастлаб шунни айтиш керакки, биринчи қисм бўйича бўладиган сийғаларда сўз бўгинларининг ё олди, ё охири ўхшаш бўлади. Тизим — мурассаъ деб аталган тартиб худди мана шундай бўлади:

Дами кетгач кесмайди қилич,  
Тиғи бўлмас борганда куннинг<sup>144</sup>.

Бу ерда адавот — частицалар уйқашиб келадилар, улар ё шаклда бир-бирига ўхшайдилар, ё бўлмаса бир-бирига қарама-қарши маънода бўладилар. Масалан, араб тилидаги «мин» (дан) ва «ила» (га) бир-бирига қарама-қарши маънода бўлса, «мин» (дан) ва «айн» ҳамда «нун»дан иборат «ан» (дан) бир-бирига ўхшаш шакллардаги частицалар саналади.

Аммо иккинчи қисм бўйича келадиган ва бир-бирига шакл жиҳатдан тўла-тўқис ўхшаш сийға — шаклларга келсак, улар байтларда такрорланадиган сўзлар бўлиб, улар, грамматик жиҳатдан бир-бирига мос келса ҳам, бироқ асл маъно жиҳатидан тескари келадиган сўзлардир, ё бўлмаса маъно жиҳатдан тўғри келса ҳам, грамматик жиҳатдан бир-бирларига мос келмайди.

Бир-бирига ноқислиги билан ўхшаш бўлган шаклларга келсак, булар ё негизи бир-бирига яқин бўлган сўзлар, ё бўлмаса ҳам маъно жиҳатдан, ҳам грамматик жиҳатдан бир-бирига яқин бўлган сўзлар бўлади. Биринчисига мисол қилиб «айн» (булоқ) ва «айн» (кўзлар)ни келтирсак бўлади. Иккинчисига мисол қилиб «шамл» (гуруҳ, бирлик) билан «шимол» (томон)ни олсак бўлади, учинчи ва тўртинчига мисол қилиб «ал-фориҳ» (хушқомат, тезювар от) билан «ал-ҳориф» (ўтқир, моҳир)<sup>145</sup>, «азим» (буюк) билан «алим» ёки «ас-собих» (янги, тоза) билан «ас-собих» (сузувчи) ва ёки «ас-сиҳод» (уйқусизлик) билан «ас-суҳо» (мудраш, эътиборсизлик, кичик айиқ юлдузи)ни келтириш мумкин.

Булар сўзларда учрайдиган ҳамоҳанглик жиҳатидангина бир-бирига ўхшайди. Мана шундай ўхшашликлар сўзларда маъно жиҳатидан ҳам бўлиши мумкин. Бундай ҳолда улар бир-бирига мутародиф — синоним бўлган икки сўздан иборат бўлади. Ҳа икки сўзнинг бири бошқа сўз муносабати билан айтилган ёки бўлмаса, унга ўхшаш бўлганлиги жиҳатидан айтилган ва янгича муносабат-ла бу сўз ундан бошқароқ маънода истеъмол қилинган бўлиши ҳам мумкин.

Чунончи, «кавқаб» (юлдуз) билан «нажм» (юлдуз, ўт)ни олсак, кейингисидан унинг «ўсимлик» маъноси назарда тутилган бўлиши ва бу сўз аввалгисига сино-

ним бўлиб келиши ҳам мумкин. Ё бўлмаса ўқ билан камонни олайлик. Баъзан булар билан осмон жисмлари — маъдан ҳам назарда тугилади.

Шакли бир хилу маъноси бир-бирига ўхшамаган сўзларга келсак, у ҳолда бундай сўзлар ўзининг сўзлиги жиҳатидан бири иккинчисидан фарқ қилмайди. Бу ҳолда у ўша ўзи донг чиқарган маънода келган бўлади. Бу усулда ишлатилган сийға — шаклларда сўз бирикмаси ё икки сўз келса, уларнинг бири муайян бир маънога, иккинчиси унинг тескари маъносига ёки унга ўхшаш маънога тўғри келади, бу унга муносиб ҳам келади, ҳатто унга яқин маънода бўлади. Бу ҳолатда у ўз айтилмоқчи бўлинган маъносидан ўзгарақ маънода истеъмол қилинган бўлади. Чунончи, «Савод» (қоронғулик) деганда қишлоқлар<sup>146</sup> тушунилади. «Баёд» (оқ), «ар-Раҳма», «жаҳаннам» ва шунга ўхшаш сўзлар ҳам худди шундай кўчма маънода ишлатилади.

Учинчи қисм бўйича келадиган шаклларга келсак, улар бир-бирига ўхшаш сўзлардан иборат бўлади. Бу хил сўзлар якка ҳолда турланадиган бўлақлардан тузилган бўлади, улардан тартибли жумлалар яратилади ва улар ўзларига ўхшаганлар билан таққосланади, ё бўлмаса уларнинг сўзлари содда — жўн бўлган шаклларнинг биридан тузилган бўлади ва ўзига ўхшагани билан таққосланади.

Бир-бирига ўхшамаган жумлаларга келсак, уларда иккита мураккаб жумла ўртасидаги бўлақлар тартиби бир-биридан бошқа-бошқа йўсинда келади, бунда ё гап бўлақлари қатнашади, ё бўлмаса бўлақлар бу ишда қатнашмайди.

Тўртинчи қисм бўйича келган шаклларга келсак, уларда бутунлай бир-бирига ўхшаган шаклларда келадиган байтдаги бир маъноли сўз турли шаклда такрорланиб ишлатилади.

Ўхшашликлари тўла бўлмаган сўзларга келсак, улар алоҳида ва бир-бирига қарама-қарши бўлган ҳолда, ё бўлмаса мутаносиб бўлган ҳолда келади. Бу худди камон билан найза — ўқ ҳамда ота билан ўғил маънолари каби. Булар бир-бирининг нисбатида, мутаносибликда бир-бирига ўхшаб кетади<sup>147</sup> ҳамда улар истеъмол қилиниш нуқтаи назаридан ҳам бир-бирига

муносиб келади<sup>148</sup>, бир-биридаги мавжуд маънони юзага чиқаришда<sup>149</sup>, шу билан бирга ҳам исмда, ҳам нисбийликда иштирок этади. Биринчи мисол: Малик — подшоҳ ва ақл, иккинчи мисол, камон ва найза, учинчи мисол, қуёш ва ёмғир<sup>150</sup>.

Шеърда буларнинг бир-бирига ўхшаш бўлганликлари сабаблари кўрсатилади<sup>151</sup>, балки кўрсатилмайди ҳам. Бордию унинг сабабларига ишора қилинган (яъни кўрсатилган) бўлса, эҳтимол, у ўзича шундай чиқиб қолгандир ёки зарурат тақозоси билан шундай бўлгандир.

Сўзлар бир-бирига зид маънода келадиган бўлса ё улар бутунлай тескари маънода, ё бўлмаса шунга ўхшаш бўлади. Бордию қарама-қарши маънода келиши ноқис — тўла юзага чиқмаса, у икки нарса ўртасида — унинг аксига ўхшаши ё бўлмаса шунга муносиб келадигани билан ўхшаш бўлиши керак. Ёки иккита аксига ўхшаши ва ё шу икковига муносиб бўладиганларга ўхшаши лозим. Баъзан шеърдаги зид маънолилик сабаблари айtilган, баъзида унинг сабаблари айtilмаган, яъни сўзнинг ўзида бўлади.

Бешинчи қисмдагиларга келсак, улар бир-бирига ўхшаш жиҳатидан мураккаб маънолардан тузилган бўлади, лекин уларнинг бошқалари эса тартиб<sup>152</sup> нуқтаи назаридангина бир-бирларига ўхшаб кетадилар ё икковининг ҳам сўз бўлаклари бунда иштирок этади<sup>153</sup>.

Бир-бирига тескари бўлиб келадиганларга келсак, улар тузиллиш жиҳатидангина бир-бирига тескари келади ё бўлмаса сўз бўлаклари иштирок этгандан кейин тартибда тескари келади. Ё бўлмаса бўлакларда иштирок этмаган ҳолда ҳам тескари келиши мумкин. Бу тақсимоатга кирганлар, худди ўша айtilгандек ё ундай, ё бундай, бўлмаса у бундай, бу ундай бўлганлар қаторига киради<sup>154</sup>. Бунда худди жам ва ажратишда «сен, фалончи ва биз» ибораси ишлатилганидек ҳолат содир бўлади. Гўё сен «ғимора» (ичиладиган, тотли сув) сану, лекин анови киши бўлса, «зиоқа» (ичиб бўлмайдиган шўр сув) дейилганидек. Бу худди яшаш учун у нарса орзу этилади-ю, лекин унинг яшиндан чўчиб туриладиган нарса нима<sup>155</sup>, дейилганининг баёнида ишлатиладиган «юражжи» ва «юттақий» сўзлари билан мақсад ифодаланган кабидир.

Қисқа қилиб айтганда, бир қанча шеър шакллари мана шулардан иборат. Юнонлар ўзларининг муайян бир истакларини шеър билан ифодалашга интилганлар. Улар ҳар бир мақсадни алоҳида-алоҳида вазн билан<sup>156</sup> чегаралаганлар. Ана шундай шеър турларининг бирини трагедия деб атайдилар. Унинг гўзал ва ёқимли вазни бор, у ўзида яхшилик ва яхши одамлар билан инсоний фазилятларни қамраб олган бўлиб, унда ўшалар куйланади. Бу барча тавсифларнинг устига устак бошлиқ<sup>157</sup> бўрттирилиб мадҳ этилиши назарда тутилади. Бу вазнлар билан подшоҳларнинг ҳузурида ана ўшалар куйланган. Кўпинча, асарда подшоҳлари ҳалок бўлса аза тутишганда навҳа тортиб — ўкириб йиғлашган ва марсия (элегия)ларига нағмалар қўшиб кучайтиришган.

Юнон шеърятни навларидан яна бири дифирамба деб аталади. Уни ҳам мисоли трагедиянинг ўзидек деса бўлади. Бироқ унинг ўзига хос алоҳида хусусияти бор, у ҳам бўлса шуки, бу нав шеър муайян бир инсон ё бўлмаса муайян бир халқни мақташгагина қаратилган бўлмай, балки умуман одамларни куйлайди.

Шеърятнинг яна бошқа навларидан бири комедия деб аталади. Шеърятнинг бу навида ёмонликлар, разилликлар ва ҳажв қилинадиганлар зикр қилинади. Баъзан эса унга нағмалар — мусиқа ё ашула қўшилиб, шеърятнинг бу навида одамлар ва турли-туман ҳайвонлар қатнашиб, қабих одамларнинг хулқ-атвори зикр этилади.

Шеърятнинг яна бир тури ямб деб аталади, унда жамиятнинг ҳар бир соҳасида машҳур бўлган воқеалар, элга таниқ бўлган масалалар<sup>158</sup> зикр қилинади. Бу нав шеърлар ўзида тортишувли масалаларни ифодалайди, унда уруш, жанжал, ғазабланиш, гижиниш каби кайфиятлар тасвирланади.

Шеър навларидан яна бирини драма деб аталади. Бу нав ҳам худди ямбнинг ўзи, фақат шуниси борки, бу нав — жанр воситасида эл аро танилган бир шахс ёки маълум кишилар ҳақида ҳикоя қилинади.

Шеърятнинг яна бир тури диақрама дейилади. Бу қонуншунослар томонидан ҳаётда ёмон ишлар билан машғул бўлган кишиларни нариги дунё тушунчаси билан қўрқитиш учун ишлатилган жанрдир.



Шеърятнинг яна бир тури эфи деб аталади<sup>159</sup>. У якка навлардан бўлиб, бу нав ўзида олижаноб ва одатдан ташқари қизиқ ҳамда қувноқ воқеаларни баён қилади.

Бошқа бир шеър навига эпик-риторик<sup>160</sup> дейилади. Бу нав шеър сиёсат, қонуншунослик ва подшоҳлар ҳақидаги хабарларни баён қилишда ишлатилади.

Яна бошқа бир шеър нави сатира (сатура) деб аталади. Буни мусиқорлар ўз ритмлари, куй ҳамда бу билан боғлиқ бўлган нарсаларни бир-бирига уйқаштириш учун махсус ихтиро қилганлар. Одамларнинг айтишларича, мана шу навда ашула куйланганда уни эшитган ҳайвонларда одатдан ташқари бўлган ҳаракатлар юз берар эмиш.

Шеър навларидан яна бирини фиюмута — поэма дейишади. Бунда яхши ва ёмон шеърлар битилади. Бу нав шеър ҳам ўзи ҳамжинс бўлганларга ўхшаб кетади.

Шеър навларидан яна бири эфижонасовус дейилади, буни Эмпедоклус (Эмпедокл) ихтиро қилган. Бунда табиий ва бошқа тур илмлар ҳақида фикр юритилади.

Шеър навларининг яна бирига акустика дейилади. Бу нав шеър билан музика санъати ўргатилади. Бундан бошқа жойларда унинг фойдаси тегмайди.

## ШЕЪРДАГИ УМУМИЙ ҒАРАЗ<sup>161</sup> ТУРЛАРИ ВА ТАҚЛИДЛАР ҲАҚИДА

Энди биз биринчи таълимдан<sup>162</sup> тушуниб улгурган нарсаларимизни бу ерда ифодалаб ўтамиз. Юнонларга хос бўлган шеър ва расмлар ҳақида кўп гаплар гапирилди. Юнонлар орасида бу гаплар тушунарли ва маълум бўлгани учун бу ҳақда кўп гапириб, уларни шарҳ ва ифодалаб ўтиришнинг ҳожати йўқ.

Бизга етиб келган хабарларга қараганда, юнонларда маълум санокдаги шеър навларида ўзига хос маълум ғаразлари бўлган, Ҳар бир мақсаднинг ўз вазни ҳам бўлган.

Арабларда худди диёрини эслаш, севгили ёрини куйлаш, чўлу биёбонлар васфини битиш ва шунга ўхшаш кайфиятларни ифодалашда бўлган одатлари каби, юнонларда ҳам шеърларни рўёбга чиқаришда ҳар бир навига тегишли махсус одатлари бўлган. Шундай бўлиши маълум ва тушунарли бир ҳол.

Энди Аристотель айтган фикрни келтирамиз.

Шеър ҳақидаги сўзлар ва унинг турлари, айниқса у турларнинг ҳар бирида шеър ижод қилишдаги масалалар, шеърий афсона (миф)лар — ҳаммаси образли қилиб айтиладиган сўзлар саналади. Ундан ташқари, ҳар бир жанр бўлакларини қанчалиги ва улар қандай сифатлардан иборатлиги гапирилади.

Энди бу борада сенга айтсак, шеъриятдаги ҳар бир масал ва афсона ўзидан бошқа бир нарсага ташбиҳ қилиб олинган бўлади, ё бўлмаса ўша нарсанинг ўзини қандай бўлса, ўша тарзда олмасдан, балки аксинча, уни бирмунча ўзгартирилган ҳолатда олинади. Нарсанинг ўзи қандай бўлса, ўшандайлигича олмасдан, уни сал ўзгартирилган тарзда олинганига истиора ё мажоз дейилади. Шеър мана шу истиора билан мажознинг таркибидан ҳосил бўлади. Чунки тақлид қилиш-

нинг ўзи инсондаги табиий бир хусусиятдир. Тақлид нарсанинг ўзи бўлмай, балки ўша нарсанинг ўхшашидир. Шунинг учун инсон табиий бирон-бир ҳайвонга тақлид қилганида, у кўринишда худди ўша ҳайвонга ўхшаган ҳаракатлар қилади. Баъзи одамлар ўз юриштиришларида бошқа бирларига тақлид қиладилар. Баъзилари бошқа бирларига тақлид қилишса, ўз навбатида улар ҳам яна бошқа бировларига тақлид қиладилар. Мана шундай санъат — маҳоратдан нимаки содир бўладиган бўлса, тақлид содир бўлади, шунингдек, одатга бўйсунган тақлидлар ҳам юз беради, яна хатти-ҳаракат билан бўладиган тақлидлар ҳам бўладики, булардан гап — ёзув билан бўладиган тақлидлар юзага келади.

Шеър уч хил нарса билан хаёлга таъсир этади<sup>163</sup> ва тақлид қилинади; уларнинг биричиси лаҳн — гармония<sup>164</sup> бўлиб, бу билан шеър куйланади. Гармония эса, шак-шубҳасиз, инсон руҳига таъсир этади. Ҳар бир мақсаднинг ҳолатига қараб лаҳн мос келаверади. Бунда фақат унинг ғализлиги ё майинлиги, ё бўлмаса, ўртамиёна бўлишлигига қаралади. Худди шу тахлитда тақлид — ташбиҳнинг ўзи ҳам киши руҳига таъсир этади. Шу таъсир натижасида киши руҳи ё ғамли, ё ғазабли, ё ундан бошқа бир йўсиндаги ҳолатга тушади.

Иккинчиси сўзлар таъсирида содир бўлади, фақат бунда сўзлар образли ва ташбиҳли айтилган бўлиши шарт.

Учинчиси вазни билан бўладиган тақлид. Чиндан ҳам бунда енгил, шу билан бирга виқор билан эшитиладиган вазнлар бўлиши мумкин. Баъзан буларнинг учалови бирлашиб, ё бўлмаса вазн билан образли қилиб айтилган сўзлар алоҳида-алоҳида келиши ҳам мумкин. Мана шу нарсаларнинг ҳаммаси бир-биридан фарқли бўлиши ҳам мумкин. Бир-бирига муносиб келган нағмалар билан ритмдан гармония тузилади, бу овоз эса қўшнайн билан уд асбобларида<sup>165</sup> мавжуд бўлса эҳтимолдан холи эмас.

Ритми бўлмаган якка гармониялар эса, муносабат тўғри келиб чолғувчи қўшнайнни чалаётганда унинг тешиклари устига бармоқларини қўймасдан чалганда чиқадиган овозда учрайди. Гармониясиз ритм эса рақс-

да учрайди. Шу сабабдан рақсни киши руҳига таъсир этишини мўлжаллаб, уни гармония — лаҳн билан бирга тузадилар.

Образли сўзлар насрий, шу билан бирга уларнинг вазилари хаёлга таъсир этмайдиган бўлиши ҳам мумкин. Зеро бунда вазининг ўзи сўзи бўлмаган жўн ва маъносиз бир нарсага ўхшаб қолади. Шеърда эса образли айтилган сўз билан вазн бирга келади. Аммо бир қанча файласуфлар вазини сўзлар туздилар, бундайлардан бири Суқрот бўлди. Бунда сўзлар ўн тўрт бўгинли шеърдан иборат бўлган элегия триаметридан<sup>166</sup> тузилган ё бўлмаса туркий рубой — тетраметр вазни билан ўн олти бўгиндан тузилган ва шунга ўхшаш каби. Ҳақиқатни олганда, бундайлар ҳеч маҳал шеър бўлолмайди, балки шеърга ўхшаш тизма сўзлар бўлиши мумкин. Бу ҳолат худди Эмпедоклнинг табиат ҳақида асар ёзиб, вазнга солган йиғма сўзларига ўхшаб кетади.<sup>167</sup> Бунда вазидан бошқа ҳеч қандай шеърий аломат йўқ. Эмпедокл билан Гомер иккаласи ўртасида ҳам вазидан бошқа ҳеч қандай ўхшашлик бўлмаган.<sup>168</sup> Эмпедоклнинг ёзганлари вазининг мавжуд бўлишига қарамай табиий гаплардан иборат бўлиб қолган<sup>169</sup>, холос. Гомернинг вазини гаплари эса, шеърий сўзлар тусини олган<sup>170</sup>. Шунинг учун Эмпедокл сўзлари ҳеч қачон шеър бўлолмайди.

Шунингдек, яна шу нарса ҳам борки, кимда-ким сўзларини назмга тизмоқчи бўлса, у ўз гапларини биргина вазнга солиб қўя қолмайди. Унинг гапларининг ҳар бир бўлаги бошқа вазнларда келади,<sup>171</sup> бу ҳам ҳали шеър бўлмайди. Шунинг учун кимда-ким шеър айтиб куйламоқчи бўлса, албатта, уни оҳангли лаҳн билан бажо келтиради.

Шу сабабдан ҳам юнонларнинг бир хил шеъри дифирамб деб аталган. Менимча, дифирамб юнон шеърийатининг бир тури бўлиб, унда муайян бир одам ё бўлмаса маълум бир гуруҳ мақталган эмас, балки умуман яхши ва олижаноб одамлар мақталган. Бу эса йигирма тўрт бўгинли туроқлардан тузилади.

Худди шунингдек, юнон қонуншуносларининг<sup>172</sup> одамларни нариги дунёдаги ёмон руҳлардан қўрқитиб, уларнинг юрагига ваҳима солиб туриш учун қўллай-

диган шеърлари ҳам бўлган. Менимча, буни диақрама деб аташган.

Трагедияда ҳам худди шундай йўл тутганлар. Трагедия — мадиҳ<sup>173</sup> бўлиб, унда тирик ё ўлик бирон одам ҳақидаги тавсиф битилган бўлади. Бунда жуда ажойиб қўшиқлар куйланган. Улар дастлаб бир қўшиқни куйлашга киришганлар, унга яхши фазилатлар, хулқ-атворлар билан зеб берганлар, кейин буларнинг ҳаммасини бир кишига нисбат берганлар<sup>174</sup>. Бордию у одам ўлган бўлса, у ҳолда байтни узайтириб, байтга байт қўшганлар ё бўлмаса, нағмаларини орттирганлар, шундан бўлса керак, бу нағма марсия ва ниёҳа<sup>175</sup> эканлигини кўрсатади.

Комедияга келсак, у шеърнинг бир нави бўлиб, унда ҳажв қилинадиган нарса ва воқеаларга истеҳзо ва масхара уйғунлашган бўлиб, уларнинг устидан куладилар. Бунда ҳажв қилишдан муддао, кўзлаган мақсад инсон бўлади. У трагедияга қарама-қарши саналади, чунки трагедия, мелодия ва назмга ўхшаш воситаларнинг барчасини ўзида бирлаштириб иш кўрса, комедия эса ўзига мелодияни сингдиrolмайди, чунки истеҳзога куй мос тушмайди.

Ҳар бир тақлиддан ё таҳсинни кўрсатиш кўзланади, ё бўлмаса қабиҳликни акс эттириш назарда тутилади. Зеро, бир нарсага ташбиҳ қилинганида ё таҳсинга сазовор этилади, ё унинг қабиҳлиги кўрсатилади.

Бироқ шуниси ҳам борки, юнон шеъриятида ташбиҳ кўпинча феъл-атвор ва ҳол-аҳволга қараб қўлланади, ундан бошқа мақсадни кўзламайди ҳам. Юнонлар ташбиҳ қўллаганларида ҳеч вақт арабларга ўхшаб ишлатмаганлар.

Араблар шеърни икки мақсадни кўзлаб ёзганлар: уларнинг бири киши руҳига таъсир этиш; бу билан уларни муайян бир йўналиш ва эмоцияга чоғлаш, инфюлга шеър айтишдан, иккинчи мақсад эса, одамларни таажжубга солиш бўлган. Чунки, араблар ҳар бир нарсага ташбиҳ ишлатиб, бу билан одамларни ҳайратга солмоқчи бўлганлар. Юнонлар эса, ўз сўзлари (яъни шеър воситаси) билан одамлар феъл-атворига таъсир этишни мақсад қилиб олганлар ё бўлмаса шу сўз ёрдами билан ноҳўя ҳаракатдан тийишмоқчи бўлишган.

Буни юнонлар гоҳ хитоба — риторика, гоҳ шеърда ифодалаш йўли билан амалга оширмоқчи бўлишган.

Шу сабабдан юнонларда бўлган шеърый ўхшатиш ҳаракат ва аҳволларнинг тақлиди бўлган, холос. Бу нарсалар ўша хатти-ҳаракат ва унга боғлиқ бўлган ҳолатга қараб бўлган. Зеро ҳар бир хатти-ҳаракат ё қабиҳ, ё гўзал бўлган... ..Ҳар бир ташбиҳ ва тақлид уларча ёмонлаш ва яхшилаш, бир сўз билан айтганда, мақташ ва мазаммат қилишдай нақд гап эди. Юнонлар худди рассомлардай иш тутганлар. Маълумки, рассомлар подшоҳни чиройли, шайтонни эса хунук қилиб чизганлар. Худди шунингдек, рассомларнинг бир қисми мисоли моний тарафдорлари ғазаб ва раҳмат аҳволини тасвирлагандек чизишга уринганлар. Чунки монавийлар ғазабни хунук — қабиҳ, раҳматни гўзал шаклда чизганлар. Юнон шоирлари орасидан чиққан баъзи бирлари бу ишга берилиб, гарчи қабиҳ ё гўзал шаклда хаёл қилинса ҳам, бари бир, улар фақат мутобақа учунгина ташбиҳни ҳаракатга айлантирмоқчи бўлишган.

Кўринишича, ташбиҳ фасллари уч хил бўлган: таҳсин, тақбиҳ, мутобақа.<sup>176</sup> Бу уч хусусият содда куйларда ҳам, содда вазнларда ҳам, содда ритмларда ҳам бўлмай, фақат сўзлардагина бўлади, холос.

Буларнинг учинчи фасли саналган мутобақа воситаси билан шоир хунукликни ҳам, гўзалликни ҳам васф этиши мумкин. Бу тақлиднинг нақд ўзгинасидир. Чунончи, шоир ғазабли нафс шавқини шернинг сакрашига ўхшатмоқчи бўлса, бу ҳолда мутобақани икки йўсинда қўллаши мумкин. Масалан, «золим йиртқич шер сакради» ё бўлмаса «довжорак шер сакради», дейилганда, олдингисида мазаммат қилиш, иккинчисида мақтов тушунилади.

Мутобақа бирикмадаги салгина бир ортиқчалик билан ҳам яхшига, ҳам ёмонга айланиши мумкин. Бу Гомернинг типидир. Бордию унга на довжорак ва на йиртқичлик сифатини қўшмай, ўзи қандай бўлган бўлса, шундайлигича қўлланса, у ҳолда мутобақа мутобақалигича қолади.

Мана шу юқорида тилга олинган уч хил тақлидлар ҳақида ўтмишдагилар керагича айтиб ўтишган. Баъзи юнон шоирлари эса уларга фақат ўхшатишмоқ-

чи бўлишган. Гомерга ўхшаган баъзи бир шоирлар эса кўпроқ инсоннинг яхши фазилатларига тақлид қилишган. Баъзи бирлари иккаловига ҳам, яъни инсоннинг яхши ва қабих фазилатларига тақлид қилишган.

Кейин Аристотель ўша даврда юнонларда бўлган характерларни эслаб ўтади.

Тақлиддан кузатилган мақсадни ифодалаш учун битилган фасл мана шулардан иборат.

Тақлидлар уч хил — ташбиҳ, истиора ва таркибдан, ғаразлар ҳам учта — таҳсин, тақбиҳ ва мутобақадан иборатдир.

## ШЕЪРНИНГ ДАСТЛАБ ПАЙДО БЎЛИШ КАЙФИЯТИ ВА ШЕЪР ТУРЛАРИ ҲАҚИДА

Инсон қувватида шеър туғилишининг икки сабаби бўлади: уларнинг бири тақлид — ташбиҳ билан лаззатланиш, иккинчиси эса ёшликдан бошлаб шу тақлиднинг инсон фаолиятида ишлатилиб келиниши. Мана шу хислат билан инсон барча тилсиз ҳайвонлардан фарқ қилади. Шу билан бирга инсон тақлид бора-сида тирик мавжудотларнинг энг қобилиятлиси саналади. Уларнинг баъзиларида ҳеч қандай тақлид бўлмайди, баъзиларида эса мутлақ кам учрайди. Бу ё нағма билан чунончи, тўтиқуш каби ва ёки маймунга ўхшаб лаёқат ҳосил қилиш билан бўлади.

Инсонда бор бўлган тақлид фойдалидир. Бу билан инсон бирор нарсага ўхшатма қилиб, маълум бир маънога ишора қилади. Уша ишоралар эса таълим ўрнини эгаллайди.

Ҳатто агар ишораларга ибора (интерпретация) жўр бўлса, у вақтда киши онгида ёрқин ритмли мазмун пайдо бўлади. Бу ҳолатнинг сабаби шундаки, руҳ бундан энгил тортади, шавққа тўлади ва тақлид билан лаззатланади, демак, тақлид лаззатланишга сабаб бўлади, шундай ҳолда ишора энг ўринли жойга тушган саналади. Одамлар жирканч ва ифлос ҳайвонларнинг суратларини кўрганда, у ҳақда ўйлаб, фикр юритиб бу манзарадан завқланадилар. Уша суратларни кўраётган одамлар ҳайвонларнинг асли ўзини кузатганларида, улардан жирканишиб юз ўгирган бўлишарди. Бу ўринда завқ берадиган нарса, чизилган суратнинг ўзи, чизилганлиги ҳам эмас, балки уларни бошқа нарсаларга жуда моҳирлик билан тақлид қилинишидир.

Шу сабабдан билим эгаллаш<sup>177</sup> фақат файласуфлар учунгина эмас, балки, умуман, кўпчиликка завқ бахш этади. Тўғри билим эгаллаш тақлид воситасида юзага



келяпти. Бу билим киши руҳида мавжуд бўлган муайян бир фаолиятнинг акси саналади.

Шунинг учун ҳам одамлар бу чизилган расмларга қараб, тасвир ҳам ўша аслига ўхшаш қилиб яратилганлигини ҳис этишгач, кўпроқ, яна ҳам кўпроқ қизиқадилар. Бордию улар аслини олдинроқ кўришиб, уларни пайқашмаганида завқланиш тўла-тўқис бўлмас эди. Шундай экан, улар ўша чизилган расмлар сифати, ҳолати ва ҳоказоларни кўриб, улардан олинадиган лаззат олдингисига яқинроқ бўлган тақдирда ҳам завқлана оладилар.

Иккинчи сабаб эса, одамлар табиатидаги композиция ва куйлар таълифига бўлган муҳаббатдир. Сўнгра асосий гап куйларга муносиб вазнлар топишда қолган. Уларга эса кишиларнинг руҳлари майл этади. Нафслар уларга мойил бўладигина эмас, ахтариб топади ҳам.

Мана шу икки сабаб юз бергач, шеър туғилади. У киши табиатига аста-секин сингиб, уна бошлайди. У кўпроқ табиатан шоир бўлганларда кутилмаганда ва табиий равишда яратилади. Уларнинг ҳар бирида бўлган табиий сезги ва ўзига хос бўлган қобилиятга, ўз хулқи ва одатига кўра шеър яратиш хусусияти пайдо бўлади. Қайси шоир ифбатли ва покиза бўлса, у яхши хулқ-атвор ва шунга ўхшаш фазилатлари билан тақлидга майл этади; бордию шоирлар табиати паст, тубан хусусиятли бўлса, ҳажвга майл этганлар, шу тариқа улар ёмонликни ҳажв қилишга ўтганлар<sup>178</sup>.

Улар бу ёмонларнинг ҳар бирини алоҳида-алоҳида ҳажв қилганларида уларни энг яхши хулқ-одоб ва мақтовлар билан мадҳ этганлар, натижада улар қаламида тасвирланган ўша разиллар энг қабиҳ одамлар тоифасидан жой олганлар даражасига тушиб қолганлар. Шуниси борки, кимда-ким фисқ-фужур разолатдир, деган бўлсаю, ундан нарига ўтмаса, бу ҳол одам руҳига заррача таъсир этмайди. Бу ифбат ўз олижаноблиги билан кишини безайдиган нарса, деган сўзларнинг таъсирига ўхшаб кетади<sup>179</sup>.

Аристотель айтган:

— Шуниси ҳам борки, Гомергача шеърятда бундай фазилятларни ўзида қамраб олган бирорта шоир-

ни тополмаймиз. Шу билан бирга, ундан олдин бу фазилатлар борасида шунчалик кенг гапиролган шахсни ҳам эслолмаймиз. Шунингдек, унгача бундай фазилатларни битган бошқа шоирлар бўлганини инкор ҳам этолмаймиз. Шунга қарамай, Гомер биринчи ва бошловчи шоир эди.

Бунга ҳажвия ёзган қадим шоирларнинг шеърлари таржимасини мисол қилиб олсак бўлади:

«Фоҳиша ва бузғунчилик муайян бир ҳолдир», дейилганидек.

Шу кабиларга ўхшаш гаплар ямб деб машҳур бўлган шеър турида ҳам айтилган. Ямб ўзига хос бир шеърӣй вазн бўлиб, у мужода — тортишувлар, истеҳзо ва зажар (172-б.)лардан баҳс этади, лекин бунда муайян бир инсонни асосли мақсад қилиб олинмайди. Бу вазн ўн икки бўғинли туроқдан иборат. Унда шоирлар асосан дилозо ва пародиялар яратганлар.

Энди Гомерга келайлик. Трагедияда энг аввал қойил қилиб сўз айтган киши ҳам, ўша фазилатлар ҳақида жуда кенг гапирган киши ҳам Гомер эди. У драмотраёотда — бу ямб маъносида келяпти — дастлаб ижод қилиб, қўриқ очган эди. Бундан кузатилган асосий мақсад ўзига ўхшаш муайян инсон ё ўзларига ўхшаган бир қанча одамларнинг тасвири эди, холос. Шунинг учун «Одиссея» трагедияга қандай нисбат берилган бўлса, комедияга ҳам шундай нисбат берилган эди. Бу ҳар иккаласининг ҳам ҳар бири бошқа ўзига ўхшаган шеър навларига қараганда умумийроқ ва қадимийроқ эканлигини кўрсатади...

Бундан сўнг Аристотель бу навларнинг тарихига кўра, бир турдан иккинчисига ўтиш жараёнига тўхтаб ўтади.

Буларнинг барчасини Аристотель навма-нав изоҳлаб, ҳатто унинг ёзган трагедия ва комедиялари бошқа навлардан ажралиб чиққунгача юзага келди ва шу билан у асар мукамал бир тус олишга муваффақ бўлганини таъкид этади. Трагедия қадимги дифирамбдан келиб чиқди. Комедия эса паст — тубан ҳажвий шеърлардан юзага келди...

Трагедия пайдо бўлган кезларда уни эътиборсиз ташлаб қўйишмади, у баъзи ўзгаришлар билан такомиллашаверди, унга қўшимчалар қўшилиб, унинг та-

биатига сингиб борди. Кейин унга ижро этиш санъати келиб қўшилди. Сўнг эса шоирлар ижро этишни сўз билан қўшиб юбордилар. Ҳатто бир нарсанинг ўзини икки нуқтаи назардан тушуна бошладилар: бири сўз нуқтаи назаридан бўлса, иккинчиси ўша сўзни ижро этиш жараёнининг шакли нуқтаи назаридан эди.

Кейин ўша қадимги Асхилос (Эсхил) майдонга келди. У трагедияга куйни мослаштирди. Натижада трагедияларда куйни ижро этиш ашулачи ва раққослар зиммасига тушди. Бу киши, яъни Эсхил рақибни шеър билан дафн қилишни, яъни саҳнадаги айтишув ва тортишувларни худди «ал-Хитоба»да айтилганидек расм қилган. Софокл бўлса, трагедияга кеча — тантаналарда ҳазил-мутойиба ва масхара тариқасида ижро этиладиган ҳар хил куйларни қўшади. Бу аввалги трагедиянависларда камдан-кам учрайдиган воқеа эди.

Кейин буларга сатира яратганлар келиб қўшилди. Сатира ҳам ямб рубоиётларидандир. Сўнг сатира ҳазил-мутойибасиз ишлатиладиган бўлди...

Менимча, унинг рубоиёт — тетраметрлари — вазилари қисқа бўлиб, унинг ҳар бир байтида тўртта асоси бўлади. Ҳар бир мисрада иккита асос бор. Бордию рубойларда вазн тўрт марта орттирилади, деган гап учраб қолса, бу таржима бўлган гапга унчалик эътибор берманглар, тўғри таржимада, аксинча, бунга ҳеч қандай зидлик бўлмайди. Бу нақл ўша рубоиётларнинг қадимийлигини ва сотуриқо деб аталган рақс ўшанга нисбат берилганини кўрсатади. Шеърларнинг қадимийси энг қисқа ва энг кам учрайдиган бўлади. Шеър қачон энг енгил бўлса, у рақсда иш беради.

Аристотель айтган:

-- Шеърнинг бу навини сатира деб аталганининг сабаби шуки, сотуриқо деб аталган рақсга бу вазнда айтиладиган шеър тасодифан мос келиб қолган... Шу билан у куйга солинган. Байт бўлақларининг ҳар бир бўлаги маълум оҳангга мос вазн билан чегараланган...

Комедия нимаики ёмон деб тан олинса, уни қораллайвермайди, балки бузуқликка олиб борадиган ёмонлик турларини қоралайди. Бундан кузатилган мақсад ундай ҳолатни истеҳзо қилиш ва менсимасликдир. Комедия ана шу истеҳзо турига киради... Сен буни масха-

ра қилиб куладиган одам юзида юз берган ўзгартишларда кўришинг мумкин.

Шунда, у қўйидаги уч турли истеҳзоларнинг тўп-лаишидан шаклу шамойилини ўзгартиради: биринчиси, қабоҳат бўлиб, унинг қандайлигини кўрсатиш учун ижро этаётган одам ўзининг табиий юз кўринишларини бемаъни тусга солиб ўзгартиради, иккинчиси, накад — бебахт бўлиб, бу билан одамлар орасида шалвираб ва лоқайдлигини билдирмай, бу хусусиятларини яшириб юрган шахслар башарасидан пардаларни очиб ташлаш ва уларнинг ўжарликларини фон этиш мақсад қилиб қўйилади. Шунинг учун накадни ижро этувчи санъаткордан юзида истеҳзо юзага келтириш аломатларини бажаролиш тақозо қилинади.

Учинчиси эса хилв — бўшлик бўлиб, у ғам-қайғудан бўш ва боқибегам бўлиб, ғазабдагига ўхшамайди, чунки ғазаб қайғули ва ҳақоратланган бўлиб кўринадиган юз тусларини ўзида бирлаштирган афт-ангор саналади. Истеҳзонин ижро этаётган кишининг юз кўриниши ҳаётдан мамнун киши кўринишини ифодалаш керак. У қайғусиз хурсанд ва ўз қайғусини яширган ёки азият чеккан қилиб кўрсатилади.

Энди комедияга келганимизда унинг қачон пайдо бўлгани номаълум бўлиб, ҳатто унинг тарихи ҳам ва яратилиш кайфиятлари ҳам унутилди. Усус подшоҳи комедиядан фойдаланишни тақиқлаб, уни қўймасликка фармон берганидан сўнг яна қайта қўйишга рухсат берилгач, куйловчилар чинакам шеърин қонунқондага риоя қилишмаган, ўзлари ихтиро қилган нарсалардан фойдаланишга уринганлар... Улар тасодифан шеърни оладилар-да, унга ашула ва ритм қўшадилар. Баъзи кўринишларда топган шеърларидаги қадимги вазли сўзларни қисқартирадилар. Бунин ижро этиш санъатига ёрдам бўлсин деган андишада амалга оширганлар. Улар ўз даврида комедия ҳақида мавжуд бўлган билимларни суриштиришга уринмаганлар ҳам. Ўз давридаги билимни ўрганишга киришмаганидан кейин, комедия борасидаги илгариги тадқиқотлар олдида улар қандай аҳволда бўларди дейсиз?!

БАЙТЛАР МИҚДОРНИНГ  
ҒАРАЗЛАР БИЛАН МУНОСАБАТИ,  
ХУСУСАН, ТРАГЕДИЯ ҲАҚИДА,  
ТРАГЕДИЯ БЎЛИМЛАРИ БАЊИ

Эпос<sup>180</sup> қофияли яратилади, кўпинча узун арузларда шаклланади. Юнонларда бир ўлка билан иккинчи ўлка ўртасида жанг бўлиб, бир қавм иккинчиси юртини эгаллаб олса, улар қадимги қисқа вазиларда шеър айтишни ўзларига эп кўрмай, унинг ўрнига узун ва чўзиқ шеър айтиб жавоб қилганлар. Шу билан улар эпос ва масалларни анчагина кенгайтирганлар. Шу сабабдан улар ямб вазини тапламадилар, чунки бу вазн ундай фикрни ифодалашга уларча қисқалик қилган, ҳатто қисқа бўлганлиги учун ямб вазидан воз кечганлар.

Эпопея<sup>181</sup> вазнига келсак, у ҳам ўша қисқа вазн саналади, ўн олти бўғинли туроқдан иборат. Буни кўпроқ трагедияга ўхшатганлар ва узунлигини яна орттирганлар. Бу ҳам шеър навларининг бир тури бўлиб, унда жуда ҳам гўзал ва камёб, беназир ва хуштаб, кўнгилочар қувноқ ва нафис фикрлар зикр қилинади. Бунда диалог<sup>182</sup> ва насиҳатлар ишлатилган бўлса ҳам ажаб эмас. Бу содда ва енгил вазидан иборатдир. Унинг ритми содда тузилган бўлиши керак. Шундай бўлса, у мураккаб ритмдан ҳам таъсирлироқ бўлади. Ҳар бир жўн ва содда вазннинг талаффузи учун ўзига хос маълум бир муддати ҳам бор. Уларнинг ҳар бирининг ўзига хос мазмуни бўлгани учун, ўз навбатида, уларнинг ўзига хос муддати ҳам бўлади<sup>183</sup>.

Бу икки вазидан<sup>184</sup> бошқасига келсак, баъзан бу вазндаги асар воқеасининг узунлигини бир кеча-кундузга етказиш ҳоллари ҳам учраб қолади<sup>185</sup>. Шунга қарамай, эпопеянинг вазн миқдори ҳеч чегараланган эмас, шунинг учун бўлса керак, у орта-орта, ниҳоят, орттириб бўлмайдиган даражага етиб қолган. Шу са-

бабли вазилар орасида ҳажм борасида номутаносиблик юзага келган.

Аристотель айтади: агар эпопеянинг вазни ортирилган бўлса, бу ортиришлар кейинги даврда пайдо бўлган. Трагедиялар эса, қадимдаёқ ўша юқорида айтиб ўтганимиздай эди...

Эпопея ва трагедиянинг баъзи бир қисмлари уларнинг ҳар иккаласи учун ҳам умумий, баъзилари эса фақат трагедияга хос бўлган. Шуниси ҳам борки, трагедияга яроқли ҳар қандай нарса ҳам эпопеяга мос тушавермаган.

Гексаметр — олтиликлар ва комедиялар хусусидаги гапни кейинга қолдирамиз. Зеро трагедия ва у орқали тақлид қилинадиган фазилатлар ҳақида гапириш ҳажв ва истехзолардан муҳимдир.

Энди трагедияга таъриф берайлик. Трагедия бу афзаллиги мукамал бўлган юқори даражали муайян бир ҳодисага тақлид қилишдир. Бу тақлид ўта мулоҳим сўз ва шеър билан ифодаланган бўлиши керак. Бу сўз бўлаклари ўзининг оралиғи билангина ажралиб турмайди. У бўлақларга малака жиҳатидан таъсир этган бўлмай, балки хатти-ҳаракат ва феъл-атвор жиҳатидан таъсир қилади. Бу ўринда тақлид киши руҳини раҳм-шафқат ё хавфдан чўчитишга олиб борадиган ҳаракатни бажаради<sup>186</sup>.

Бу таъриф трагедиянинг вазифасини аниқ тавсифлаб беради. Кўринадики, трагедияда барча кўтаринки фазилатлар вазли, таъсирчан сўзлар билан ифода этилади. Бу одамлар руҳи майлини назокатли ва эҳтиёткор қилиб тарбия этади. Унинг тақлидлари ҳаракатларга қаратилган бўлади... Юнонларда трагедия хулқ-атворларни ритм билан мукамал қилишни мақсад қилиб олган ва куйни ниҳоясига етказиш учун нағма билан ҳамоҳанг қилинган. Шу сабабдан трагедиянинг ўша вазн навларига қараб қўшимча ритмлар ишланган. Юнонлар трагедиянинг яратиш жараёнида содир бўлган бир қанча бошқа ишларни бажариш ва ижро этиш масалалари устида ҳам ишлаб, тақлидни тўлатқис ниҳоясига етказганлар.

Трагедия бўлақларида энг авзал образли қилиб айтилган сўз маъноларидан кўзланган мақсад асосий саналади. Кейин ўша маънога куй ва сўз ишланади.

Мана шу куй ва сўз йиғиндиси билан тақлид қилинади. Сўз — вазли жумладир, куй эса, шеър ёзиш учун пайдо бўладиган ва маънога боғлиқ бўлган кайфият кучидир...

Куй қандайдир бир таъсирли ҳаракатдан дарак беради. У ўзинга хос маъноси бўлган ҳаракатга ўхшатилади... Худди шунингдек, куй бўлаклари гоҳ у ҳолатга, гоҳ бу ҳолатга мос келаверади. Одамлар наздида бу куйлар билан янги ишлар содир бўлади, улар худди ўша хулқ эгаси мажбуран қандай қилиб шу ҳолга тушган бўлса, булар ҳам ўшандай кўринишда куйлайдилар, ўшандай ҳолатга тушиб ашула айтадилар. Ўша ҳаракат унда муайян тушунчани пайдо қилади. Шунинг учун фалончи худди ўша ҳолат ўзида содир бўлган кишидай таъсирланиб куйлайди, ё бўлмаса худди ўша ҳолга тушадиган одамдай кулади, дейишади.

Шеър айтувчи икки хил бўлади, бири ўз табиатидан келиб чиқиб ғазаб ёки мулойимлик билан гапирди... Бошқа бири эса ўзидаги ишончини кўрсатади, чунончи, таҳқиқли — чин ё бўлмаса гумон, шубҳага ишора қилувчи жумлаларни айтади. Ижро этишда булардан ўзгача кўриниш бўлмайди. Ижрочи таъбири билан ифодаланаётган эпос сўзлари шу йўсиндаги тақлид билан кўрсатилади. Бунда ҳар бир ижрочи ўзининг ҳақиқий тушунчасини чинакам ижро этаётганлардек ҳаракат қилади.

Мабодо ижрочи уни ҳазил тариқасида ижро этаётган бўлса ҳам, у бунинг ростдан ҳам жиддий, худди шундай эканлигини юзага чиқариши лозим... У нарсани кўрсатганда тушунарли, маъқул бўлган мазмунни ҳаётда учрайдиган оддий бир хабар тарзида намойиш қилмаслиги керак, балки уни ифодалаб кўрсатаётган одам бу аҳволни жуда теран тушунган ва у воқеадан ўта хабардор бўлиши ва унинг оқибати нималарга олиб боришини ёрқин ифодалаши керак.

...Трагедия амалга оширадиган энг улуғ ишлар шундан иборатки, у ҳам бўлса трагедия фақат одамларнинг ўзларига тақлид қилиш учунгина эмас, балки уларнинг характерлари, ҳаракатлари ҳаёт тарзлари ва бахт-саодатларига тақлид қилишдан иборатдир<sup>187</sup>. Бу ўринда сўз кўпроқ ахлоққа қараганда ҳара-

катлар ҳақида боради. Бордию ахлоқни гапирришганда ҳам, аслида яхши ҳаракатларни айтмоқчи бўлишган. Шунинг учун трагедия қисмларида ахлоқ эмас, балки характерларни ўз ичига қамраб олган ҳаракатлар ҳам эслатилган. Ахлоқ эса ташқаридан кўринадиган нарсаларни ўзида қамраб олган.

Чунки «ахлоқ» дейилган сўзнинг ўзида феъллар қамраб олинмайди, юнонлар ўз трагедияларида феълларни зарурий равишда гапирганлар. Лекин ахлоқни эса унда ғайризарурий равишда гапирганлар. Улар трагедияларида, кўпинча, уларнинг янгиларида шундай қилганлар. Лекин улар бу орада феълларнинг на зикр қилганлар. Лекин у билан ахлоқни ўйламаганлар. Шуниси ҳам борки, ҳар бир киши ҳам хулқни фазилат эканлигини сезавермайди, балки у феълларнинг фазилатлигини тушунади. Фазилатлар ҳақида ёзган кўп муаллиф ва шоирлар ахлоқ ҳақида битмаганлар, балки биз айтгандай баён қилганлар. Агар эпос, характер ва алоқа-муомалалар ва бошқа нарсаларни намойиш қилиш ё ифодалаш керак бўлса, у ҳолда илгарилари бу нарсаларни трагедияда жамлаганлар. Бордию трагедияда қамрашга олдин айтганларимизнинг қурби етмаган бўлса ва орқада қолиб ниҳоят, булар муаллими аввал — Аристотель замоннда бўлган ҳолатга тушган. Аристотелдан кейингилар бўлса ҳақиқатдан ҳам трагедия билан бош қотирмаганлар, трагедик асар ёзмаганлар. Балки улар ўша нарсаларнинг қандайдир бир таркиби — синтези бўлиб, ҳў ўша комил трагедия кўринишига келтиролмаганлар. Буларнинг ҳаммаси қадимда ёзилган трагедияларда бажо келтирилган бўлиб, унда воқеий эпослар ва трагедия шуғулланадиган бошқа қандай нарса бўлса, ҳаммаси бўлган. Улар киши руҳига жуда кучли таъсир кўрсатар эди, ҳатто унда мусибатга учраганлар сабр этган, қайғудорлар эса тасалли топган.

Эпос бўлаклари икки хил бўлади: биринчиси иш-тимол — ривожланиш бўлиб, бу қарама-қаршиликларнинг ўзгаришидир. Бу эса бизнинг давримизда «мусобақа» — қарама-қарши қўйиш деб аталаётган нарсага яқин, лекин бу нарса юнон трагедияларида тадрижий равишда, аста-секин гўзал бўлмаган ҳолатдан гўзал



ҳолатга кўчишда ишлатилади. Шунда ёмон ҳолатни ёмонлаш билан яхши ҳолатга айлантрилади.

Иккинчи бўлаги далола (маъно) бўлиб, ўз муқобилидагини ёмонлаш ҳисобига гўзал ҳолдагини яхшилаш — мақташни ўз олдига мақсад қилиб олади<sup>188</sup>.

Қадимги юнон шоирлари бу ишда вазн ва куйга зўр бўлганлар. Кейинги шоирлар эса вазн ва куй ижод қилишда улардан ҳам кучлироқ бўлганлар. Бунда уларнинг кучлилиги эпоснинг иккала турида ҳам образли фикр юритишда, ўйлаб иш қилишда бўлган. Бунда энг биринчи ва асосий нарса эпосдир. Ундан кейин ўша эпосдаги характерлар орқали яхшилангунга ва бунга қаноат ҳосил қилингунга қадар ҳаётга яқин бўлиб тушади. Чунки тақлид кишига хурсандчилик бахш этади. Бунга далил шуки, сен қандайдир бир одамни кўриб, ундан хурсанд бўлмайсан, санамга ибодат қилувчи ҳам ўзи ўрганган санамини кўриб, ундан севинмайди, гарчи у санъат ва зийнатда етук суратда ишланган бўлса ҳам, буларда сен худди бир нарсага ўхшатилиб, тақлид қилиниб чизилган расмга тикилиб хурсанд бўлганингдай севинмайсан. Бу борада кўплав масал ва ҳикоялар тўқилган<sup>189</sup>.

Бу бўлақларнинг учинчисида раъй — фикр юритиш келади<sup>190</sup>. Чунки образли қилиб фикр юритиш характерлардан энг узоғи саналади. Чунки образ билан фикрлаш киши руҳини маълум ҳолатда тутиб туришга, уни туширмаслигига қобил нарса. Бу эса инсон кўп ишларни қилиш учун интилганига ўхшайди. Юнонларда шеърий йўл билан фикр ифодалаш мақтовга сазовор бўлар экан, у ҳолда улар ўз фикрларини шеърий тақлид билан ифодалашга қодирдирлар. Бу шеър эса мавжуд бўладиган нарсанинг энг яхшисига мос келадиган сўздир. Ва ниҳоят, аввалгилар одамлардаги руҳий тушунчаларни образли қилиб яратилган шеърий йўл билан аниқлаганлар. Бундан кейин хитоба санъати — риторика келиб чиққан, шу билан улар одамларни ўз тушунчаларига ишойтиришга интилганлар. Шеърий тақлид ва хитоба — иккаласи ҳам сўз — иборага тааллуқлидир. Раъй — фикрдаги сўз билан характер, хулқдаги сўз бир-биридан фарқ қилади. Уларнинг бири иродани қўзғайди, бошқаси эса бир нарсанинг мавжуд ва мавжуд эмаслиги ҳақидаги фикрни қўзғайди, уни ис-

таши ё бўлмаса, ундан четланишидан қатъи назар шундай қилади. Ундан кейин унда бир нарсанинг бор ё йўқлигидан қатъи назар сўз характер ва хулққа тааллуқли бўлмайди, балки агар оддий бир ишда бирор тушунча эсланилса, унда муаллиф бирор нарсага чақирган бўлади ё бўлмаса ундан чекинишга даъват қилган бўлади. Лекин раъй фақат нарсанинг мавжудлиги ё мавжуд эмаслиги, ё шунга ўхшашлиги ҳақида бўлган тушунчасини ойдинлаштиради.

Тўртинчисига келсак, у муқобала — қарама-қарши ҳолда бўлишдир. Бунда ҳар бир мақсад ўзининг маълум вазни билан ифодаланади. Бу вазн эса унга муносиб келади. Бу вазнга оид ўзгаришлар бўлса, унга тўғри келади...

Тўртинчидан кейин таҳлил — куйга солиш келади. Бу ҳамма нарсанинг энг улкани ва киши руҳига жуда қаттиқ таъсир этади...

Санъаткорлик эса шеъриятнинг энг олий даражасидир. Чунки санъаткорлик шундай нарсаки, у трагедияни безашга (декорациясига) хизмат қиладиган асбобларнинг фойдасидан иборатдир. Ундан трагедия манфаат топади. Ундан кейин унга шеър қўл келади.

Чунки санъаткорлик шундайки, унинг ёрдами билан яхшиланадиган асбобларга унинг фойдаси тегади ва бу ўринда у бу ишга қўл келади... Шеър бўлса.

Шунин билгинки, образли фикр қилиш аслида «Ал-Хитоба»дан оллинган, чунки у хитобада тасдиққа хизмат қилиши ва унга бўйсунуши керак. Кейин ундаги хизмат қилиш аслида у шеър бўлгани ва айниқса трагедия бўлгани учунгина шундай, холос, йўқса ундай бўлмайди ҳам.

1

<sup>1</sup> Ушбу рубойи Эркин Воҳидов таржимасида берилмоқда.

<sup>2</sup> 20 — 25 рубойлар Ш. Шомуҳамедов таржимасида берилди.

<sup>3</sup> Ибн Сино бир сабаб бўлиб қамоққа гирифтор бўлади. Шунда у ўз ҳолини баён этиб қасида — шеър ёзади. Албатта бу шеърни кимгадир йўллаб нажот истаган бўлса керак.

Тарихий манбаларда араб тилида ёзилган шу қасиданинг бир байти сақланиб қолган, унда шайх Абу Али ибн Сино юқоридаги байтни келтиради — А. И.

<sup>4</sup> Манбаларнинг хабар беришича, Ибн Сионинг замондоши вазир Абу Толиб ал-Алавийнинг боши, пешонасига яра тошиб кетган. У даво истаб Ибн Синога арабча шеър ёзиб, шундай мурожаат қилган:

Мавлоно шайхимиз, биздек соҳиб алам,  
Сиздек соҳиб саховатга бўлмиш қарам.  
Бошим билан пешонамга тошган яра,  
Умри узоқ бўлур шайхдан истар қарам.  
Шояд топиб берсалар бу дард чорасин,  
Дуо олиб, бўлсинлар яна муҳтарам...

Ибн Сино вазирнинг бу илтимосига кўра даво буюради, шунда шайх ҳам вазирдан «қарз» бўлиб қолмай деган андишага бориб, ушбу шеърни араб тилида битиб, унга йўллайди.

<sup>5</sup> А р а з — симптом; касалнинг ташқи кўриниши, аломатлари.

<sup>6</sup> Илмий деганда Ибн Сино назарий медицинани назарда тутаяди.

<sup>7</sup> Бунга руқн, мизож, хилт (соқ)лар, аъзолар руқлар, қувватлар киради. Руқларга эса Ибн Сино таъбирича, турли жисмларни пайдо қилувчи тўртта асосий унсур — тупроқ, сув, олов, ҳаво киради.

<sup>8</sup> Бунга: ҳаво, ейиш ва ичиш, уйқу ва уйғоқлик, ҳаракат ва ҳаракатсизлик, бўшаниш, нафсоний кайфиятлар киради.

- <sup>9</sup> Замонга йилнинг тўрт фасли киради.
- <sup>10</sup> Усар нарсаларга ҳамма жониворлар киради.
- <sup>11</sup> М а к о н — бунга ер юзидаги яшаш мумкин бўлган ҳамма жойлар киради.
- <sup>12</sup> У с т и қ у с — унсур ёки бадан таркибий қисмининг дастлабки асоси.
- <sup>13</sup> Б у л у т — бунда ҳавони назарда тутяпти.
- <sup>14</sup> Катта артерия.
- <sup>15</sup> С а б о — Шарқ томондан, дабур эса ғарб томондан эсадиган шамол.
- <sup>16</sup> Горчица.
- <sup>17</sup> Ҳазми оғир таом, масалан, Ибн Сино фикрича, мол, от гўшти — ғализ, ҳазми оғир таомга киради, парранда, қўзи гўшти — ғализга кирмайди.
- <sup>18</sup> С и к а н ж а б и н — асал ва узум сиркасидан ясалган ичимлик.
- <sup>19</sup> Х и л т — Шарқ табобатида инсон баданида тўрт хил хилт бор дейилади: қон, балғам, сафро ва савдо. Бу хилтлар (буни соқ ҳам дейишади) аралашгандан ва ўртача аҳволда бўлганидан киши соғ-саломат бўлади. Бу хилт — соқлар нормал ҳолда аралашмаса киши касал бўлади.
- <sup>20</sup> Р и ё з а т — бадантарбияни оғир ё енгилини эмас, ўртачасини танла, демоқчи.
- <sup>21</sup> Усиш.
- <sup>22</sup> Бу ерда ортиқча бадан тарбия қилиш билан баданда бегона иссиқлик пайдо бўлиб, кишини бетоб қилиши мумкин, дейилмоқчи.
- <sup>23</sup> Тиш чўткаси.
- <sup>24</sup> Подагра касали.
- <sup>25</sup> Арабча иборада наша билқувва совуқлик, қор эса билфеъл совуқлик дейилган. Демак, наша истеъмол қилинганда унинг қуввати совуқликка хизмат қилади. Қор табиатан ўзи совуқлик саналади.
- <sup>26</sup> Киши тўқ бўлса руҳи ҳам тетик бўлади, оч бўлса акси. Бунда киши руҳи нурга ўхшатишган, ғизо чироғ ёғига, гўё ёғи камайиши билан чироғ пасайиб, ниҳоят ўчиб қолиши, ғизосиз бўлганда киши руҳи тушиб, ниҳоят руҳсиз бўлиб кетишига ўхшатишган.
- <sup>27</sup> Баданда ғовак бор бўлса, худди тешиқдан ҳарорат чиқиб кетгандай бўлади.
- <sup>28</sup> Қ а й л у с — ошқозонда биринчи ҳазмдан ўтган таомларнинг сутга ўхшаш шираси.
- <sup>29</sup> Т и ш — ташқари.
- <sup>30</sup> Ибн Рўшднинг шу байтларга берган изоҳига қараганда бешинчи ва олтинчи бўҳроннинг ҳар бири юқоридаги тўрт бўҳроннинг иккитасидан, яъни яхши-си яхшисидан ва ёмони ёмонидан таркиб топган.
- <sup>31</sup> Бу ерда «сариқ сув» касаллигини айтяпти, сариқ сув кўп келиб, бу сувга балғам аралашиб чиқса, бу — касал учун яхши бўлар экан.
- <sup>32</sup> Илмийдан мурод назарий табобатдир.

<sup>33</sup> Совуқ мизож бўлса иссиқ мизож овқат бер, аксин бўлса аксинча қил, демоқчи.

<sup>34</sup> Ма й — Ибн Сино буни набиз (набид) деб атаган. Бу биздаги мусалласга тўғри келади.

<sup>35</sup> Ра й ҳ о н и й — мусаллас, майнинг бир тури.

<sup>36</sup> Ибн Синонинг «Ҳайй ибн Яқзон» қиссасининг мавжуд барча нусхалари бошида бир абзац, яъни: «Э, менинг ёру биродарларим! Сизнинг «Ҳайй ибн Яқзон» қиссасини шарҳлаб беринг, деб қилган қаттиқ талабингиз менинг йўқ, деб оёқ тираб олишимни, рад қилиб пайсалга солаверишимни енгди. Сизларга ёрдам бўлсин, деб тангрининг бўллаши билан юмшадим», дейилган жумла қиссага янглиш кириб қолган. Бу жумла аслида бу қиссага эмас, балки бу қиссанинг шайх томонидан қилинган шарҳига тааллуқли бўлиши керак. Ибн Синонинг бу асарга ёзган шарҳининг Оксфорддаги нусхасини нашр қилган Муҳаммад Сағир Ҳасан ал-Маъсумий ҳам шундай хулосага келади. (Қаранг: «Мажма ул-илмий-ал Арабий» журнали, Т. 29, № 3. 1954. 406 — 408-бет.) Маъсумий кўрган ва нашр қилган шарҳ биз юқорида келтирган парча билан бошланади.

«Ҳайй ибн Яқзон» қиссаси икки вариантда тарқалган бўлиши керак: бири асл қисса, бошқа бири шарҳи билан. Шу орада шарҳ бошидаги абзац асл қиссага ўтиб қолган бўлиши эҳтимол. Натижада ҳозир нашр қилинган ва қилинмаган барча нусхаларда дейрлик ушбу ҳолни кўриш мумкин.

Шулардан келиб чиқиб биз бу парчани қиссага киритмадик.

Бу ерда «ўз шаҳримда» дейишдан мурод инсон баданидир, яъни тириклик чоғимда, демоқчи.

<sup>37</sup> Билим — маърифат билан банд бўлишга, демоқчи. Уртоқлар билан ички сезгилар, Ибн Сино ибораси билан айтсак, ақлий қувватлардир. Буларга ғазаб, истак, ҳаёл қилиш кабилар киради.

<sup>38</sup> Яъни, ақлий мулоҳаза юритаётган чоғимизда, демоқчи.

<sup>39</sup> Бу билан Шарқ фалсафасидаги ақли фаол — актив ақлни айтмоқчи. Барча мавжудот шу ақл воситаси билан вужудга келган, у моддаларга сурат — шакл беришга лойиқ қилиб ҳозирлайди. Форсча шарҳда бундан Жабраил назарда тутилади, дейди. Қиссадаги «чол кўринди» иборасидан ақлий мулоҳаза юритаётган чоғимизда илм-маърифат кўринди, деган маъно англашилади.

<sup>40</sup> Бу билан илм-маърифатга яқин, ошина бўлишни хоҳиш этдим, демоқчи.

<sup>41</sup> Уртоқлар кишидаги сезгилардир. Демак, ички (истак, ғазаб ва ҳ. з.) ва ташқи (кўриш, эшитиш, татиш, ҳидлаш, ҳис қилиш) сезгилар ишлаётган пайтида, эҳушим бор пайтида илмга қараб равона бўлдим, демоқчи.

<sup>42</sup> Бу билан муаллиф, ким илм истаб унга интилка, илм дарвозаси очилади, демоқчи.

<sup>43</sup> Б а й т у л - м у қ а д д а с — Муқаддас уй, Фаластиндаги бир шаҳар исми, Қуддус-Ерусалим. Бу ўринда соф ақл олами.

Бу асар рамз-ишораларига қизиқувчи ва у билан батафсил танишмоқчи бўлганлар Ибн Зайланинг бунга битган шарҳига «Ҳайй ибн Яқзон»нинг Меҳрен нашрига, Дейден, 1889, ёки Аҳмад Амин нашри, Миср, 1952 ва ё Муҳаммад Сағир Ҳасан ал-Маъсумийнинг «Рисолату Ҳайй ибн Яқзон маа шарҳиҳо ли Ибн Сино» мақоласига («Мажма ул-илмий Ал-Арабий», Дамашқда чиқадиган Араб академияси журнали, Т. 29, № 3 — 4, 1954, т. 30, № 1 — 2, 1955) ёки УзФАШИ китоб фондидаги 2385 номерли қўлёзма (18 б — 32 а)га мурожаат қилишлари мумкин.

<sup>44</sup> Бу билан муаллиф илмга саёҳат қилган эдим, дарҳол илм уфқлари менга кўриниб қолди, демоқчи.

<sup>45</sup> Ф а р о с а т и л м и — мантиқ илми дейилмоқчи.

<sup>46</sup> О ш н а л а р — бу билан муаллиф кишидаги ички ва ташқи сезгиларни назарда тутди.

<sup>47</sup> Бу билан кишидаги хаёл суриш — фантазия назарда тutilган.

<sup>48</sup> Илгари вақтларда бошқа мамлакатлардан ишончли хабар, маълумот олиш керак бўлса, бир кишининг йўл харажати, озигини кўтарганлар. Шундай қилинган тақдирда у киши ишончли маълумот келтирган. Йўл озиги берилмаган кишиларга ишонч кам бўлган. Шайх бу ўринда йўл озиги берилмаган киши келтирган хабарларга ўхшаш нарсаларга ишора қилмоқчи.

<sup>49</sup> Бу ерда муаллиф дунёни ҳислар орқали билишни айтмоқчи: ҳам ички, ҳам ташқи сезгилар шунга киради.

<sup>50</sup> Бу ерда сўз кишидаги ғазабланиш кайфияти устида борапти.

<sup>51</sup> Бу ерда кишидаги истакка берилиш кайфиятлари айтилмоқчи.

<sup>52</sup> Бу асарга битилган форсча шарҳда кўрсатилишича, киши нафси доимо ўша қувват-сезгилар билан бирга бўлади. Нафс дунёдан юзланса, яъни нафс эгаси вафот этса, қувват-сезгилар ундан ажралади. Бу ажралиш ҳам вақти соати билан бўлади, демоқчи.

<sup>53</sup> Бу билан модда, шакл ва икковидан юзага келган нарса назарда тutilмоқда.

<sup>54</sup> Х о ф и қ о н и — Шарқ ва Ғарб ўртаси, тўғрироғи, кунчиқар ва кунботар оралиги. Бу ерда ер ва осмон жисмларини айтмоқчи.

<sup>55</sup> Кунботардан мурод ҳаюло — модда кунчиқардан мурод сурат — шаклдир.

<sup>56</sup> Бу ерда илм аҳлини айтмоқчи.

- <sup>57</sup> Яъни мантиқ илмини эгалласа, демоқчи.
- <sup>58</sup> Дунёни ўраб олган океан, Атлантика. Бу ерда илм, мантиқни яхшилаб ўрганса, барча илми ўрганишга йўл очилади, демоқчи.
- <sup>59</sup> Қ о ф т оғ и. Айтишларича, дунёни ўраб олган зумраддан иборат бўлган тоғ эмиш. Ш. Сомий «қоф» билан «қафқаз» сўзини солиштириб, бир-бировининг ўхшашлигидан, Қоф Қафқаз тоғининг исмидан бўлак нарса эмас, дейди. (Қаранг: Шамсиддин Сомий. Қомуси турк. Истамбул, 1318 ҳижрий, 1030-бет). Ибн Сино бу ерда Қоф тоғи воситасида илм ўрганишдаги қийинчиликни айтмоқчи.
- <sup>60</sup> Д ў з а х ф а р и ш т а л а р и. Бу ерда автор билимсиз нодонларнинг йўлдан озишини назарда тутди. Кимки мантиқни эгалласа, маърифатдан хабардор бўлса, у қийинчилик оловида ёнмайди, яъни жаҳаннамга тушмайди, демоқчи.
- <sup>61</sup> Қоронғулик дейиш билан нодонлик ва жоҳилликни назарда тутди.
- <sup>62</sup> Мантиқ илмини айтмоқчи.
- <sup>63</sup> Бу ерда илм эгаллашдаги машаққатлар назарда тutilмоқда.
- <sup>64</sup> Яъни Қуръонда.
- <sup>65</sup> А й н а н ҳ а м н а т а н. «Қуръон»даги қаҳф сурасининг 34-бадигга ишора, Ибн Сино бу ерда моддани назарда тутди.
- <sup>66</sup> Бу ерда автор модданинг сурат — шаклига киришини айтмоқчи.
- <sup>67</sup> Бу ерда элемент — унсурларни назарда тутмоқда.
- <sup>68</sup> Бу билан модданинг шакл олишини айтмоқчи.
- <sup>69</sup> Бу ерда элементларнинг ҳаракати, модданинг бир шаклдан иккинчи шаклга ўтиши айтилмоқчи.
- <sup>70</sup> Бу билан одам баданида соч — туклар ўсиши айтилмоқчи.
- <sup>71</sup> Бу билан модданинг бир тусдан иккинчи тусга ўтиши ва унинг ҳар хил шакл олиши айтилмоқчи.
- <sup>72</sup> Бу билан киши ақли ўша моддадан бирор нарса (лойдан кўза, чинни идиш ва ҳ. з.) ясаш қудратига эга эканлигини таъкидламоқчи. Яъни моддага фикр билан шакл беришни узоқдан олиб келиш деб тушутирмоқчи.
- <sup>73</sup> Бу билан инсонлар оламидан ташқари ҳайвонлар билан ўсимликлар олами борлигини айтмоқчи бўлади.
- <sup>74</sup> Ер ва осмон (яъни бошқа планеталар) жисмлари назарда тutilлади.
- <sup>75</sup> Бу ерда кеча-кундузнинг баробарлиги ҳақида гап бормоқда, яъни кеча узайиб, кундуз қисқармайди ёки кундуз узайиб, кеча қисқармайди, демоқчи.
- <sup>76</sup> Бу ерда Ой фалаги назарда тutilган. Шунинг учун унинг жуссаси кичик дейди, чунки Ой Ердан кичик саналади.

77 Бу ерда Уторид фалаги ҳақида гап бормоқда. Чунки Уторидни фалаклар котиби дейилган. Шунинг учун бу ерда ёзув-чизув ва бошқа нарсаларни яхши билади, дейилмоқда.

78 Бу ерда Зуҳро фалаги назарда тutilган. Шунинг учун ҳам подшоси хотин сифатида тасвирланмоқда.

79 Бунда Қуёш ҳақида гап боряпти, чунки яқинлашса ёниб кетади.

80 Бундан мурод Миррих — Марс. Чунки Миррих қадимда уруш худоси деб аталган. Шунинг учун уруш, қон тўкиш, ўлдириш унинг касб-ҳунари, дейилган.

81 Бу билан қадимги ривоятдаги Миррихнинг Зуҳрога ошиқлигини назарда тutilмоқда.

82 Бу билан автор Муштарий (Юпитер)ни айтмоқчи. Чунки, нақлларга кўра, донолик, яхшилик қилиш Муштарийга хос хислат эмиш.

83 Бу ўринда Зуҳал назарда тutilган. Чунки у ёмонлик қилиш билан машҳур.

84 Бу ерда буржлар фалагини айтмоқчи. Буржлар ўн иккига бўлиниб, улар: ҳамал, савр, жавзо, саратон, асад, сунбула, мезон, ақраб, қавс, жадди, далв, хут кабилардан иборат.

85 Ой ҳаракати ва унинг манзилларини айтмоқчи.

86 Бу билан автор тўққизинчи фалакни айтмоқчи. Қадимги космографияда айтилишича, бу фалакда юлдузлар бўлмас эмиш, шунинг учун автор бу ерни барча жисмдан холи жой деб кўрсатади.

87 Бу ерда автор тўрт унсур элемент (сув, ҳаво, тупроқ ва олов)ни назарда тутмоқда.

88 Бу ўринда гап ўсимликлар дунёси билан маъдан (минерал)лар дунёси устида бормоқда.

89 Шайтон, дев, ажина, умуман ёмон нарсалар тимсоли.

90 Биринчиси билан инсоннинг идрок қилиш хусусиятини айтмоқчи, чунки, у идрок билан жуда узоқ жойдаги нарсаларга бир зумда етади: иккинчиси орқали эса яқиндаги нарсаларни кўз билан кўриш хусусиятини айтмоқчи.

91 Бу ерда газабланиш билан шаҳвоний ҳисни айтмоқчи.

92 Бу ўринда кишидаги хаёлни айтмоқчи.

93 Бу ўринда гап модданинг бир неча нарсалардан таркиб топгани ҳақида бормоқда.

94 Бу ўринда инсон, унинг хулқи, турли-туман феъл-атвори назарда тutilган.

95 Бу билан автор кишидаги беш ҳис (эшитиш, ҳидлаш, кўриш, таъм билиш, сезиш)ни айтмоқчи.

96 Гап инсоннинг ҳис билан билиб бўлмайдиган фазилатлари устида бормоқда.

97 Бу ерда автор кишидаги ҳифз қуввати, яъни



ҳотирани назарда тутмоқда. Асир эса кишига билиниб, маълум бўлган нарса, билим.

<sup>98</sup> Бунда киши тафаккур билан бир нарсани билгач, сўнг уни ифодалаб, тил билан айтди, дейилмоқчи.

<sup>99</sup> Бу билан муаллиф кишидаги ғазаб, истак, хаёл каби руҳий сезгиларни айтмоқчи.

<sup>100</sup> Жин ва ҳишлар. Жин — ёмон руҳлар. Ҳиш — жинларнинг бир тури. Улар гўё инсон билан жинлар ўртасидаги бир шаклда эмиш. Бунда «Қуръон»нинг жин сурасининг бешинчи бандига ишора қилинмоқда.

<sup>101</sup> Афсонавий икки фаришта. Булар инсоннинг икки елкасида туриб, қилинган яхшилик ва ёмонлик (номаи аъмол)ларни ёзиб борар эмиш. «Қуръон» инфитор сурасининг 13 — 14-бандига ишора.

<sup>102</sup> Бу ерда қадимги фалсафадаги «пазарий ақл» билан «амалий ақл»ни айтмоқчи. Бунда кишининг рост-ёлгонга рағбати, ўйлаб-ўйламай иш қилиш қайфияти, қабул қилган нарсаларни ақл билан ифодалаш хусусиятлари назарда тутилади. Чунки ҳис ёрдами билан маълум бўлган нарсалар ақлга бориб етади. Бу ўриндаги ер фариштаси рамзда инсоннинг ўзи назарда тутилган.

<sup>103</sup> Бу ерда ақл ҳақида гап борапти. Чунки нақл қилинишича, энг олдин ақл, кейин ақл даражалари яратилган эмиш.

<sup>104</sup> Бу билан автор Шарқ фалсафасидаги «фаол ақл»ни айтмоқчи. Ура асрдаги файласуфларнинг талқинича, у — ҳамма нарсанинг асоси, бошланғичи.

<sup>105</sup> Бу ерда автор: «Усти ялтироқ, ичи қалтироқ» бўлманглар демоқчи, чунки кирлининг сирти тикон бўлса ҳам, ичи юмшоқ, тоза. Баъзи кишиларнинг афт-башараси дуруст кўринса-да, кўнгли фитна, фиқу фу-жур билан тўла бўлади. Улар тиканга ўхшаган томонларини яшириб, силлиқ томонларини кўрсатиб юрадилар. Ибн Сино бу ерда ўзингизнинг ёмонлигингизни ўзингиз била туриб, иккинчи сўз билан айтганда, ўзингиз ёмон бўла туриб хўжакўрсинга ўзингизни яхши кўрсатишга уриниб юрманг, ҳақиқий, чин башарангизни кўрсатиб юринг, демоқчи.

<sup>106</sup> Киши ўзидаги ёмон хулқ-атворларни ташласа, яъни ўз пўстидан чиқса, шундагина у соф инсонга хос иш қилган бўлади. Шайх мана шу ёмон хулқни илоннинг ортиқча, керак бўлмаган пўстига ўхшатмоқда. Умар ибн Соҳлон Совий, илон пўсти — инсон танаси, жисми, пўстдан чиққан илон эса инсон жони — руҳи, деб шарҳлайди.

<sup>107</sup> Шайх бу ерда камтарликка ундамоқчи, жуда кеккайиб юрманг, одобли бўлинг, демоқчи.

<sup>108</sup> Шайтон ёмон истакларга ўхшатмадир. Кишидаги ёмон хулқлар киши кўзига кўринмай, яширинча ҳужум қилади. Унинг ҳужумини сезиш қийин, у сиз билмайдиган йўллар, хаёлингизга келмаган усуллар

билан ҳужум қилади, ана шундан сақланинг, деб таъкидланмоқда.

<sup>109</sup> Бу ерда кўп риёзат, алам чекиб бўлса ҳам, илм ўрганинг; бу йўлда ўлсангиз ҳам номингиз боқий қолади, дейилмоқчи.

<sup>110</sup> Бу ердаги қанот — илм-маърифат маъносида. Шайх одамларга қарата, илмингиз озлиги сезилиб қолса, камолга етиш учун ҳаракат қилинг, ҳар бир фан соҳасида қанотли, унинг даргоҳида учиб, парвоз қилиб юрадиган бўлинг, демоқчи. Шайхнинг қанотсиз бўлсангиз, қанот ўғирланг, дегани, илмни олимлардан қандай бўлмасин иложини топиб ўрганинг, ана шундай қилсангиз, мақсадга етасиз, деган таъкидга ишорадир.

<sup>111</sup> Туяқуш қум ейди, қизиган тошлар унинг қорнида совиб, ҳазм бўлиб кетади, деган нақл бор. Илон эса қаттиқ суякларни ютиб ҳазм қилиб юборади. Бундаги туяқуш ва илондан ва шу каби жондорлардан мурод — одам. Шайх бу ерда қизиган тошни кишида бўладиган жаҳл-ғазабга, қаттиқ суякни шахвоний истакка ўхшатмоқчи. Шайх, туяқуш каби қизиган тошни ютинг, яъни жаҳлингизни ютинг, ғазабингиздан тушинг, юшанг, мулойим бўлинг, бемаъни истаклардан юз ўгириг, демоқчи бўлади.

<sup>112</sup> Самандар (самодил ё самандил), афсоналарда айтилишича, оловда ёнмайдиган, фақат тупроқ еб, кўп яшайдиган қушдир. Оловдан мурод илм-тафаккур. Сен тафаккурни шу даражада ишлатгинки, унинг ичида оловда юрган самандардек дадил юр. Бундан Ибн Синонинг кишиларга илмнинг ниҳоясигача эгалла, бенуқсон, чуқур билимдон бўл, деган ғояси келиб чиқади.

<sup>113</sup> Кўршапалак замирида олимлар ётади. Ибн Сино олим бўлиб, сарсон-саргардон бўлди. Уз олимлиги уни қийноққа солди. Шу сабабдан у кишиларга қарата, агар олим бўлсанг, кўршапалакка ўхшаб эҳтиёткор бўл, одамлар кўзига кундузи кўринма, яъни олимлигингни ҳаммага билдираверма, махфий тутиб юрсанг, омон юрасан, демоқчи.

<sup>114</sup> Бир қуш номидан ҳикоя қилиняпти.

<sup>115</sup> Водийлар, тоғлар маъносида.

<sup>116</sup> Яъни, тангридаги.

<sup>117</sup> Сафро ғалаба қилса, мия қурийди, бунда кишининг фикр қилиши яна ҳам чуқурлашади, бу ҳам нормал ҳолатдан юқори бўлгани сабабли касаллик ҳисобланади. Ундан ташқари, сафро ғалабасидан кейин димоқда қуруқшаш содир бўлади. Бунда ҳам ўртача нормалликдан пасайиб, киши чуқур ўйчанлик ҳолатига киради.

<sup>118</sup> Девпечак савдодан бўлган касалликларни кетказади; меланхолия ва тутқаноққа фойда беради, мижозларида сафро ғолиб бўлганларни беҳузур ва ғамгин қилади, қустиради. Ундан ташқари, девпечакни сут билан ичилса, савдони ҳайдайди.

<sup>119</sup> Нилуфар димоғ қуруқшашинни даф қилиш учун, шишларнинг иссиғини пасайтириш учун ишлатилади. Нилуфар сафродан бўлган бош оғриғига фойда қилади.

<sup>120</sup> Ибн Сино матнда пайшанба ва жума сўзлари ўрнига арабларда исломдан аввал — Жоҳилия даврида ишлатиладиган сўзларни ишлатади. Исломдан олдин пайшанбани муънис, жумани аруба дейишган. Ибн Сино негадир бу сўзларнинг энг қадимги, ўзи яшаган даврида аллақачонлар истеъмолдан чиқиб кетганларини ишлатади.

<sup>121</sup> Қ а с р — бу ерда зикр қилинаётган оилани зодагонлардан эканлигини назарда тутмоқ керак. Саломон — подшоҳ, янга эса унинг хотини, шунинг учун уни алоҳида қасрда туриши таъкидланмоқда.

<sup>122</sup> Асарнинг бир неча жойида қуръонга ўхшаш шундай иборалар, жумлалар бор. Бу ерда муаллиф ўз асари услубини қуръоннамо қилишга уринганлигини пайқаш мумкин. Унга мана шу каби жумлалар мисол бўла олади. Чунки бу асар жанр жиҳатидан «Хутба» деб аталади.

<sup>123</sup> — <sup>124</sup> Булар ҳам тангри номидан айтилаётган жумла, асарнинг хутбалигига ишора ўринлар.

<sup>125</sup> Қ а й — мўғуллар юрти.

<sup>126</sup> Р о ф и д а й н — Дажла, Тигр ва Фрот дарёси Рофидони деб аталган. Шу дарёларга нисбат берилиб, бу жойлар ҳам Рофидони дейилган. Ҳозир Ироқнинг бир ўлкаси шу номда.

<sup>127</sup> Х у м р — Ямандаги водий, Басрада туриб қолган ажалларга берилган ном.

<sup>128</sup> Т а й ҳ о — кенг чўл маъносида. Чексиз чўлнинг номи. Афсоналарга кўра, Мусо ўн икки Бани Исроил уруғи билан (ҳар уруғ эллик минг кишидан иборат эмиш) қирқ йил шу чўлда қолиб кетиб, сарсон бўлиб юрган эмиш.

<sup>129</sup> С а б т а ё С и б т а — Африка қитъасида, Гибралтарга яқин жой номи.

<sup>130</sup> Матнда, кетаётганда отини туёғи ботиб ҳосил қилган чуқурчасига яна қайтиб келди, дейилган.

<sup>131</sup> Кунчиқиш ва кунботиш орасини Ҳофиқон деб айтишган.

<sup>132</sup> З у л қ а р н а й н — луғавий маъноси икки шохли дегани. Бундан мурод македониялик Исқандар. Афсоналарда айтилишича, Исқандарнинг бошида шишга ўхшаган иккита қабариқ бўртма нарса бор эмиш, шу нарса уни икки шохли дейишга олиб келган бўлиши мумкин. Лекин бу ерда муаллиф ўша македониялик Исқандарни айтмоқчи эмас, балки ўшандай дунёни эгаллаган, Исқандарга ўхшаган фотиҳларнинг энг дастлабкиси, энг бурунгиши шу киши эди, демоқчи. Чунки тарихда Исқандар каби ер юзини эгаллаганлар кўп, деган нақл бор. Ҳатто Исқандар ўлганда уни ҳеч ким кўмилмаган жойга кўмишни васият қилганмиш.

Шундай жойни тошиб кўмишаётганда, маълум бўлишича, бу ерга ундан олдин еттита Искандар кўмилган экан. Ибн Сино Ибсолни йирик фотиҳ, деб шундай таъкидлапти.

<sup>133</sup> Бу ерда биринчи шахс номидан айтилаётган сўзлар тангри номидан гапириляпти. Бу асарнинг хутбалигига ишора.

<sup>134</sup> З а р а б — қуюқ оқ асал номи, балки заҳарли бир дорининг номи бўлса эҳтимол.

<sup>135</sup> Миср олими Абдураҳмон Бадавий 1953 йили Аристотелнинг «Фанн аш-шеър» (Поэтика) асарини араб тилида нашр эттириб, унга Форобий, Ибн Сино ва Ибн Рўшдларнинг бу хусусда ёзганларини ҳам киритган. Шу нашрда Ибн Сино асари китобнинг 159—198-бетларидан ўрин олган. 1966 йили А. Бадавий Ибн Синонинг бу асарини Қоҳирада яна алоҳида китоб ҳолида ҳам нашр этган. Биз бу ерда бажарган ўзбекча таржимамизда ўша асарнинг ана шу ҳар икки нашридан фойдаландик. Бу ерда кўрсатилган тузатишлар, изоҳлар ҳам ўша иккала нашрдан чиқиб бажарилган мулоҳаза маҳсули, десак бўлади. Аввалги нашрида Бадавий фаслларни тартибли рақам билан келтирмаган эди, кейингисида китобнинг ҳар бир фасл дейилган жойига рақам қўйиб чиқади, натижада Ибн Сино асари саккиз фаслдан иборат эканлиги маълум бўлади.

<sup>136</sup> Бу сарлавҳа асар қўлғизмаларида турлича келган. Чунончи, «Асноф ас-синоат аш-шеърят» (шеър санъати турлари), «Асноф ас-сияғ» (форма турлари), «Асноф аш-шеър ал-юнония» (Юнон шеър турлари), ҳошиясида эса «Фуэтиқо» (Поэтика) деб ёзиб қўйилган.

<sup>137</sup> Ибн Синонинг «Шеър санъати» асарида беш фаслнинг айрим ўринлари қисқартиб таржима қилинди — т а р ж и м о н.

<sup>138</sup> Матнда «калом мухаййал» келган.

<sup>139</sup> Бунда рукнларни назарда тутаётган бўлса керак.

<sup>140</sup> Муаллиф байт ё умуман шеърин асарни назарда тутмоқда.

<sup>141</sup> Бу ерда рукннинг узун-қисқалиги, бўғини ва ҳижоларни айтмоқчи.

<sup>142</sup> Ҳ и й л а — бу ерда Ибн Сино ҳийла деганда адабиётда ишлатиладиган поэтик усулларни маҳоратни назарда тутган.

<sup>143</sup> Ибн Сино бу ўринда «Аш-Шифо» асарининг бир қисми «Ал-Хитба» («Риторика»)ни назарда тутган.

<sup>144</sup> Қуёш ўз ҳижрони — айрилиғидан сўнг жароҳатлангиролмайди, демоқчи.

<sup>145</sup> Бу иккала сўз ҳарфлари бир хилу, лекин турли шаклда тузилган.

<sup>146</sup> А с с а в о д — таниқари маъносида. «Харижу ила савод ал-мадания» теварағи қипилоқлар билан

ўралган шаҳар ташқарисига чиқилди. Куфа билан Басра шаҳри ўртасида «Савод ал-ироқ» деган жой ҳам бор.

<sup>147</sup> Ибн Сино қуйироқда мисол сифатида «подшоҳ» ва «ақл» сўзларини келтиради.

«Подшоҳ» деганда мамлакатни идора қиладиган шахс тушунилса, «ақл» инсон баданига (баданни бир ўлка — мамлакат деб тушунилса) подшоҳ саналади, у баданни идора қилади. Ана шу икки нарсанинг бир-бирига умумий ўхшашлиги, яъни таносиби бор, иккала сўз бир-бирига мутаносиб.

<sup>148</sup> Бу ўринда Ибн Сино камон ва найзани мисолга келтиради. Уларнинг таъкидланишига сабаб, камон билан найза икковни бир-бирисиз ишлатилмайди, қаерда камон бўлса, ўша ерда найза, қаерда найза бўлса, ўша ерда камон бўлиши шарт. Демак, улар бир-бирисиз ишлатилмагандек, бу сўзлар ҳам бир-бирисиз ишлатилмайди. Шунингдек, Ибн Сино: «Нарсалар истеъмол қилиниш нуқтан назаридан бир-бирига мутаносиб бўлади», дейди.

<sup>149</sup> Ибн Сино бу ўринда сўзлардаги маънавий умумийликни айтмоқчи. Масалан, эн ва ёҳуд бўй, шимол ёки жануб каби сўзлар ўзларига хос бўлган маъноларини ўзи билан олиб юриши назарда тутилмоқда. Улар шундай маъноси билан бир-бирига ўхшаш, умумий.

<sup>150</sup> Ибн Сино нарсанинг номидаги ўхшашликни айтмоқчи. Биринчисида, яъни қуёш деганда ёруғликни тасаввур қилсак, иккинчисида қоронғулик, ҳавонинг паст келиши, очиқ эмаслиги тушунилади. Шунинг учун Ибн Сино уларни исмда мутаносиб бўлган сўзлар, деб келтиради.

<sup>151</sup> Бу билан Ибн Сино шеърда ўша сўз ёнида ундан англашиладиган маънони билдирадиган сўзлар ва жумлалар бўлишини ва улар ёрдамида у сўзни тўғри тушуниш мумкинлигини айтмоқчи.

<sup>152</sup> Т а р т и б — бу ерда назмдаги ҳижо маъносида келган, бунда биринчи байт қандай бўлса, иккинчи байт ҳижолари ҳам унга ўхшаш керак.

<sup>153</sup> И ш т и р о к э т и ш — яъни байт, шеърнинг ичиде бир сўзнинг бир неча марта ўша маънода ва хилма-хил маънода қўлланишига айтилади.

<sup>154</sup> Бунда бир-бирига ўхшамайдиган икки мутлақ қарама-қарши нарсани айтмоқчи. У дўсту бу душман, у яхшию бу ёмон кабиларни назарда тутмоқчи.

<sup>155</sup> Бу ерда муаммо топишмоқ келтирилган. Унда: «Яшаш учун у нарса орзу этилади-ю, лекин унинг яшинидан чўчиб туриладиган нарса нима?» дейилган. Бу ёмғир дегани, чунки ҳаёт давом этиши, экинлар униши учун ёмғир ёғишини одамлар орзу қиладилар, лекин у ёғиб турганида чақмоқ чақилиб, яшини тушиши ва у ерни бузиб кетиши ҳам мумкин, деган хавф ҳам бор. Шунинг учун ёмғир ёғиши оқибат

тидан чўчиб турилади. Шу боисдан «орзу этилади-ю, аммо хавфсираб ҳам турилади», деган гап тарқалган. Ибн Сино бу ерда шунга ишора қилмоқчи.

<sup>156</sup> Алоҳида жанр билан демоқчи. Кейинроқ келтирилган группалаш шундан дарак беради. Аммо Ибн Сино «нав» сўзини ҳам ишлатадики, бу ҳеч шубҳасиз, ҳозирги «жанр», деган маънони ифодалайди.

<sup>157</sup> Матнда раис сўзи келган, бу катта одам — бошлиқ дегани, лекин бу ўринда муаллиф асардаги қаҳрамонни айтмоқчи, чунки асардаги қаҳрамон орқали ўша яхши сифатлар ифодаланади, куйланади.

<sup>158</sup> Матнда «ал-амсол ал-мутаорифа» — элга маълум бўлган мақоллар тарзида берилган. Лекин муаллиф бу ерда арабча «масал» сўзи билан унинг-мақол маъносини айтмай, эл аро машҳур бўлган афсона, чўпчакка айланган воқеаларни айтмоқчи. Ўша мақолдан воқеани тиклаш мумкинлигини назарда тутиш керак.

<sup>159</sup> Бу эф и қ и й — эфик, ҳозирги эпик бўлса керак. Бу Форобийда ҳам учрайди.

<sup>160</sup> Матнда э ф и қ и й — риторикий келган. Пошир бунди, «ал-малҳамий ал-хитобий» — эпик-риторик асар деб берган.

<sup>161</sup> Матнда «ал-ағрод-ал-ағроз» — ғаразлар келган. Бу термин ишлатилганида баъзан муаллиф мақсадни назарда тутаяди, баъзан мавзунини назарда тутгандай бўлади. Бу сарлавҳани бошқача қилиб айтадиган бўлсак, шеърдаги мавзу ва ташбиҳлар масаласи тушунилади.

<sup>162</sup> Бу ерда «биринчи таълим» деб Аристотель таълимини айтмоқчи, чунки у араб илмий адабиётида биринчи муаллим — муаллими аввал саналади.

<sup>163</sup> Матнда хаёл қилинади, деган ибора келган. Бу ибора аввалроқда образли қилиб айтилган сўзлар маъносида келган эди. Лекин бу ерда ўзгартиришга дучор бўлиши, таъсирли бўлиши маъносида келяпти.

<sup>164</sup> Ибн Синода «лаҳн» — куй; муаллиф аслида Аристотель мулоҳазасини шарҳлаётган бўлгани учун биз Аристотелнинг ўзида келган гармонияни олдик. Бу ўринда Ибн Сино лаҳн деганда ўша гармонияни айтмоқчи бўлган.

<sup>165</sup> Матнда музика асбобининг номи маозиф ва мазохир тарзида берилган.

<sup>166</sup> Учунчи э л е ж и я — элегия дейилган (168-бет). Лекин Аристотель «Поэтика»сида бу элегик триметр тарзида келган (41-бет).

<sup>167</sup> Аристотель «Поэтика»сида (Москва, 1957, 41-бет) метр билан ёзилган медицина ёки физикага оид рисола муаллифини шоир ҳам деб атайдилар, дейилган.

<sup>168</sup> Аристотель «Поэтика»сида бу жой айнан шундай, яъни: «Гомер билан Эмпедокл ўрталарида вазндан бошқа ҳеч қандай умумийлик йўқ» (41-бет), дейилган.

<sup>169</sup> Аристотель «Поэтика»сида бу парча «иккинчи ни шоир дейиш ўрнига физиолог деб қўя қолиш керак эди», тарзида берилган (41-бет).

<sup>170</sup> Аристотель «Поэтика»сида бу жой «Биринчиси, яъни Гомерни ҳақли равишда шоир десак бўлади», дейилган.

<sup>171</sup> Аристотель «Поэтика»сида бу ўринда: «Ҳамма вазиларни бирлаштиради», дейилган.(41-бет).

<sup>172</sup> Демак, у даврда қонуншунослар ҳам шоир бўлган.

<sup>173</sup> Мадих — мадҳ, мақтамоқ феълидан, мақтов, мақтовчи бўлиши керак эди. Лекин бунини Ибн Сино трагедия маъносида ишлатган. Аристотель «Поэтика»сини сурёний тилидан араб тилига таржима қилган Матто ибн Юнус ҳам матн таржимасида трагедия ўрнига «мадих» сўзини ишлатган. Бу асар ношири Бадавий сатр остидаги шарҳида бу сўзнинг трагедия эканини айтиб кетади (85-бет). Лекин Бадавий «Поэтика»ни юнончадан қилган таржимасида ҳозирги араб истилоҳида ишлатиладиган «маъсат»ни қўллайди (3-бет).

<sup>174</sup> Бу ерда асардаги қаҳрамон айтилмоқчи.

<sup>175</sup> Н и ё ҳ а — мавҳа тортиб йиғлаш, ўкириб йиғлашга тўғри келади.

<sup>176</sup> Т а ҳ с и н — мақташ; тақбиҳ — таққирлаш.

<sup>177</sup> Матнда «Мо сор ат-таълим» келган. Аристотель «Поэтика»сида (4-бўлим, 49-бет) бу жой «билим эгаллаш» тарзида берилган.

<sup>178</sup> Бундай ҳажвчи шоирлар кўзига фақат ёмонларгина кўринган, яхшилар эса кўринмаган дейилмоқчи.

<sup>179</sup> Бу ерда тақлиддан пайдо бўладиган образли сўзларни айтмоқчи бўлса керак. Муаллиф бу ўринда умумий, ҳаммага маълум бўлган ва таъсири бўлмайдиган насиҳатомуз гапларни келтирмоқда.

<sup>180</sup> Матнда «ал-хирофот» келган. Бу воқеа, дoston маъносида, гарчи унинг юнончасида «мифос» деб берилган бўлса-да, у ҳозир адабиётшуносликда ишлатилаётган эпосга айнан тўғри келади.

<sup>181</sup> Матнда «эфи» келган. М а л ҳ а м а — эпопеяга тўғри келади.

<sup>182</sup> Матнда сўзлашиш — диалог маъносидаги «ал-машварот» келган.

<sup>183</sup> Бу ерда муаллиф баъзи қаҳрамонларнинг ҳолат ва заруратга қараб узун, бошқаларининг қисқа шеърий формаларда гапиришини таъкидламоқчи. Бу ўринда пьесалардаги шеърий айтишув, сатрлар ҳақида гап бормоқда.

<sup>184</sup> Бу ерда ўша узун ва қисқа вазилар назарда тутилмоқда.

<sup>185</sup> Бу ерда трагедиянинг қўйилиш вақти ҳақида гап кетяпти.

<sup>186</sup> Аристотель «Поэтика»сида бу ўрин шундай берилган: «Трагедия аҳамиятга молик бўлган олий мар-

табали ва маълум ҳажми бўлган ҳаракатга тақлид демакдир. Бу тақлид бўлакларнинг ҳар бир қисмини турли-туман шаклда безатилган сўз воситасида намоён қилади. Шуниси ҳам борки, бу тақлид қуруқ гап билан бўлмай, балки шунга ўхшаган таъсирдан пок бўлиш даҳшати ва куйиниш воситаси билан бўладиган хатти-ҳаракат орқали юз беради».

Қаранг: Аристотель. Поэтика, Перевод с древнегреческого В. Г. Апфельрота, Москва, 1957, стр. 56 — 57.

<sup>187</sup> Аристотель «Поэтика»сида бахт билан бирга бахтсизлик ҳам келган. Матто таржимасида бу ҳам тушириб қолдирилган. Ундан кейин Аристотелда: «Чунки бахт ва бахтсизлик ҳаракатга боғлиқ», дейилади. («Поэтика», 58-бет.)

<sup>188</sup> Бу ерда бир салбий образни кўрсатиб, уни тасвирлаб, яъни ёмонлаб, унинг ўрнига яхшисини кўрсатмоқчи, ижобий образ яратмоқчи, демоқчи.

<sup>189</sup> Бу ерда ношир изоҳ бериб, бунда Ибн Сино Аристотель «Поэтика»сини арабчага Матто ибн Юнус қилган таржимасидаги «Санам»ни ибодат қиладиган санам деб тушунган, аслида эса Аристотель текстида картина расми айтмоқчи, дейди (179-бет, 1-изоҳ).

<sup>190</sup> Матто таржимасида бу ерда эътиқод келган. Бу ердаги раъй Аристотелда шеърый шаклда фикр билдиришдир.



## МУНДАРИЖА

---

Абу Али ибн Синонинг адабий фаолияти . . .	5
--	---

### Л и р и к а

Рубонйлар ( <i>Ж. Камол таржимаси</i> ). . . . .	23
Ғазаллар ( <i>Ш. Шомухамедов таржимаси</i> ). . . . .	28
Қитъалар ( <i>Ш. Шомухамедов таржимаси</i> ). . . . .	30
Байтлар ( <i>Ш. Шомухамедов таржимаси</i> ). . . . .	31
Насиҳат ( <i>А. Ирисов таржимаси</i> ). . . . .	33
Ал-Алавийга жавоб ( <i>А. Ирисов таржимаси</i> ) . . . . .	35
«Тиббий дoston» (Уржуза)дан парчалар ( <i>А. Ирисов таржимаси</i> ) . . . . .	36
Тибнинг тақсимланиши ҳақида . . . . .	36
Мизожлар ҳақида . . . . .	36
Аъзолар ҳақида . . . . .	38
Нафсоний қувватлар . . . . .	38
Макон ва об-ҳаво ҳақида . . . . .	39
Ейиш ва ичиш ҳақида . . . . .	40
Уйқу ва уйғоқлик ҳақида . . . . .	40
Бўшаниш ва бўшанмаслик ҳақида . . . . .	41
Нафсоний кайфиятлар ҳақида . . . . .	42
Касаллик сабаблари ҳақида . . . . .	42
Юрак ишлари ҳақида . . . . .	43
Терлаш ҳақида . . . . .	43
Сафро ва савдо ҳақида . . . . .	43
Касалликни билдирувчи белгилар ҳақида . . . . .	44
Касаллик даврини билиш ҳақида . . . . .	45
Касалликнинг узун-қисқалиги ҳақида . . . . .	46
Буҳрон ҳақида . . . . .	47
Буҳрон — касоднинг хилма-хил турлари баёнида . . . . .	47
Улимдан дарак берувчи белгилар ҳақида . . . . .	49
Амалий қисм ва унинг бўлганиши . . . . .	51
Соғлиқни сақлаш — гигиена ҳақида . . . . .	51
Ейиладиган нарсалар тадбири ҳақида . . . . .	52
Таом ейиш вақтлари . . . . .	53
Ёзда овқатланиш вақти . . . . .	53
Ичимликлар ҳақида . . . . .	53
Май ва шунга ўхшаш ичимликлар ҳақида . . . . .	54

## Фалсафий қиссалар

Ҳайй ибн Яқзон (А. Ирисов таржимаси) . . .	59
Қуш ҳикояти (А. Ирисов таржимаси), . . . .	71
Саломон ва Ибсол (А. Ирисов таржимаси). . .	77

### Шеър санъати

(А. Ирисов таржимаси)

Биринчи фасл. Шеър ҳақида умумий тушунча, шеърий форма ҳамда юнон шеър навлари ҳақида . . . . .	87
Иккинчи фасл. Шеърдаги умумий ғараз турла- ри ва тақлидлар ҳақида . . . . .	96
Учинчи фасл. Шеърнинг дастлаб пайдо бўлиш кайфияти ва шеър турлари ҳақида . . . .	101
Тўртинчи фасл. Байтлар миқдорининг ғаразлар билан муносабати, хусусан трагедия ҳақида, трагедия бўлимлари баёни. . . . .	106
Изоҳлар . . . . .	112

*На ўзбекском языке*

---

**АБУ АЛИ ИБН СИНА**  
**САЛАМАН И ИБСАЛ**  
**Стихи, философские повести, трактаты**

**Редактор А. Шаропов**  
**Рассом И. Кириакиди**  
**Расмлар редактори В. Немировский**  
**Техн. редактор Т. Смирнова**  
**Корректор М. Қудратова**

**ИБ № 1229**

Босмахонага берилди 21.02. 80. Босишга рухсат этилди 25.07. 80 .Р 09094. Формати 60×70<sup>1/16</sup>. Босмахона қоғози № 1. Мактаб гарнитураси. Юқори босма. Шартли босма л. 5,76. Нашр л. 5,96. Тиражи 10000. Заказ № 1317. Баҳоси силлиқ. қоғозда 1 с. 30 т., № 1 қоғозда 1 с. Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 700129, Тошкент. Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон ССР Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат комитетининг Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмаси. Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

**Ибн Сино Абу Али.**

Саломон ва Ибсол: Шеърлар, қиссалар. Таржimonлар: Ш. Шомуҳамедов ва бошқ.— Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980.— 132 б.

Мангулик йўлидаги биринчи минг йилликни босиб ўтган Абу Али ибн Синонинг таваллудини жаҳон жамоатчилиги бу йил кенг нишонлайди. Ушбу китобга буюк ҳакам ва ҳақимнинг адабий меросидан намуналар киритилди. Улар кенг китобхонлар оммасининг ардоқли ватандошимиз ҳақидаги тасаввурларини янада бойитади деган умиддамиз. Тўпламга Ибн Синонинг поэтик асарларидан ташқари «Шеър санъати» трактатидан ҳам парчалар киритилди.

**Ибн Сина Абу Али. Саламан и Ибсал. Стихи и трактаты.**

ББК 84 У3

А 70403—159  
М 352 (04)— 80 1—80 4702057010